

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BERDAQ NOMIDAGI
QORAQALPOQ DAVLAT UNIVERSITETI**

«Arxitektura va shahar qurilishi» kafedrasи

QURILISH JARAYONLARI TEXNOLOSIYASI

fani bo'yicha

Ma'ruzalar matni



Nukus-2018

Ma’ruza matnilari “Arxitektura va shahar qurilishi” kafedrasining uslubiy seminarida “28 ” iyun 2017 yilda ko“rib chiqilgan (bayonnomा № 12) va Qoraqalpaq davlat universiteti uslubiy kengashida “30” iyun 2017 yil da tasdiqlangan (bayonnomা №12).

Tuzuvchi:

QDU «Arxitektura va shahar qurilishi» kafedrasi katta o’qituvchisi
J.Turgaev

Taqrizchilar:

QDU «Muxandisslik kommuniciyalar qurilishi» kafedrasi, t.f.d., prof,
K.Baymanov

Аннотациялар

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Қурилиш жараёнлари технологияси” фани асосида яратилған бўлиб, унда маъruzаларни ўрганиш ҳамда амалий машғулотларни ташкил қилиш бўйича қурилиш йўналиши учун ўқув дастури, ишчи-ўқув дастури, таълим технологиялари, маъруза ва амалий машғулотлар учун технологик хариталар, саволлар, тест саволлари, жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириклари жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа қурилиш йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув услубий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, малака ошириш факультетларида ўз малакаларини ошираётган профессор ўқитувчилар ҳамда “Архитектура”, “Қурилиш жараёнлари технологияси” ва “Қурилишни режалаштириш ва ташкил этиш” соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

1 – МАВЗУ БҮЙИЧА МАЪРУЗА

1-мавзу	Кириш. Қурилиш жараёнлари технологияси бўйича асосий қонунлар ва тушунчалар.
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	

- 1.Фаннинг мақсади ва вазифаси, уни бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.
- 2.Қурилиш ишлаб чиқариш маҳсулоти.
- 3.Қурилиш жараёнлари: мажмуали ва оддий механизациялашган (дастаки) кўл ишчи операциялар.
- 4.Қурилиш ишчиларининг касблари ва малакали тариф малака маълумотномаси. Қурилишда меҳнатни ташкил этиш.

Таянч иборалар:

Қурилиш жараёнлари технологияси, капитал қурилиш, қурилиш ишлаб чиқариш, қурилиш маҳсулоти, қурилиш иши, қурилиш жараёни, иш операцияси, иш приёми, иш ҳаракатлари, иш ўрни, бўлинма қамров, ярус, соҳа, мутахассислик, ЯМвАН, малака даражаси, звено, бригада, техник меъёrlаш, ҚМК, вакт меъёри, иш микдори меъёри, комплекс, механизация.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

1. «Қурилиш жараёнлари технологияси» фани «Бино ва иншоотлар қурилиши», «Касб-хунар таълими» ва бошқа йўналишлар учун бакалавр-курувчиларни тайёрлашда етакчи фанлардан бири ҳисобланади.

Бу фанни ўрганиш геодезия, қурилиш ашёлари ва жиҳозлари, бино ва иншоотларнинг архитектураси, қурилиш машиналари, умумбилим ва умумилмий фанлар ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти жараёнларидаги олган билимлари ва уддалай олишларига асосланади. «Қурилиш жараёнлари технологияси» (ҚЖТ) фанида алоҳида ишлаб чиқариш жараёнларининг назарий асослари, услугуб ва ускуналари, қурилиш-монтаж ишларининг алоҳида турларини бажарилиши, самарадор қурилиш ашёлари ва конструкциялари, замонавий техникавий воситалар асосида ишчилар меҳнатини илгор усулларда ташкил этишни қўлланиши негизида ўрганилади.

«ҚЖТ» фанини ўрганиш натижасида бўлажак мутахассис:

- билиши керак: қурилиш ишлаб чиқаришининг асосий қоидалари ва масалаларини; бино ва иншоотларни барпо этишда қурилиш жараёнларини турлари ва ўзига хослигини; зарур манбаларни; техникавий ва тарифли меъёrlашни; қурилиш маҳсулоти сифатига талаблар ва уларни таъминлаш услубларини; меҳнатни ва ташки муҳитни муҳофаза қилишга талаблар ва уларни таъминлаш; оддий ва ғайритабии қурилиш ишлаб чиқариши шароитларини ҳисобга олган ҳолда қурилиш жараёнлари технологияси услубларини; бино ва иншоотларни барпо этишни индустрисал услубларини; қурилиш ишларини бажаришда тақвимий режалашни.

- бажара олиши керак: ишчи операциялар ва қурилиш жараёнлари таркибини белгилашни; қурилиш жараёнлари ва зарур техникавий воситаларни (шу жумладан, ҳисоблаш техникасини қўллашни) усулларини асосланган ҳолда танлашни; қурилиш жараёнларининг технологик хариталарини ишлаб чиқиши; қурилиш жараёнларининг меҳнатталаблиги ва ишчи, машина, механизмлар, ашёлар, яримфабрикатлар ҳамда жиҳозларни зарурий миқдорини аниқлашни; бригада (ишчи)ларга ишлаб чиқариш топшириғини расмийлаштиришни; иш ҳажмини ўлчаш, бажарилган ишларни қабул қилишни, уларнинг сифатини назорат қила олишни; қурилиш ишларини бажариш лойиҳасини тузা билишни ва амалда қўллай олиши. «ҚЖТ» фани «Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси», «Қурилишни ташкил қилиш», «Қурилиш иқтисодиёти» ва бошқа мақсадли фанларни ўрганишга асос бўлиб хизмат қиласи. Капитал қурилиш халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларига

мұлжалланған асосий фондларни кенгайтирилған тарзда тақрор ишлаб чиқаришни таъминлады. Капитал қурилишнинг асосий вазифаси фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда уй-жой бинолари, маданий-маиший ва ижтимоий мақсадларга мұлжалланған иншоотларни қуиши негизида мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш потенциалини юксалтиришдан иборат. Қурилиш соҳасида ишлайдиганларнинг умумий сони бир миллионга яғни кишини ташкил этиб, булардан, масалан, 70 мингти ғишт-тош ишлари билан шуғулланади. Қурилиш ишлаб чиқариши асосан икки таркибий қисмга бўлинади: қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва қурилишни ташкил қилиш. Улар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, техникавий ривожланишга асосланади. Қурилишда техникавий ривожланишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардир: илғор технология ва усулларни қўллаш; қурилиш жараёнларини мажмуали механизациялаштириш ва автоматлаштириш; бино ва иншоотларнинг ийғомалиқ даражасини ошириш; меҳнатни илмий асосда ташкил этиш йўлларини қўллаш. Технология сўзи грекчадан олинган бўлиб, санъат, усталик маъносини билдиради. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси – бино ва иншоотларни барпо этишда банд бўлган меҳнат ва моддий манбаларнинг оқилона ўзаро боғланиш усулларининг йигиндисидир. Технология фан сифатида қурилиш маҳсулоти тавсифи ва меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи қурилиш жараёнлари ва табиий фанлар қонуниятларини ўрганади.

2. Қурилиш жараёнлари технологиясининг асосий тушунчалари қурилиш маҳсулотининг сифати масалалари, қурилиш ишчилари, моддий ашёлари ва техникавий воситаларини ҳамда қурилиш жараёнларининг технологик хусусиятларини ўз ичига олади. Қурилиш маҳсулоти самарали усуллар ва оқилона воситаларга асосланган жараёнлар технологияси бўйича барпо этилган бино ва иншоотлардир. Уларга турли талаблар қўйилади. Талаблар бўйича маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Қурилиш маҳсулотининг ўзига хос фарқланувчи хусусиятларига қараб, технологик жараёнларнинг ҳам алоҳида хусусиятларини ўрганилади. Қурилиш маҳсулотининг қўйидаги хусусиятларини фарқлашимиз мумкин:

- маҳсус ажратилған жойда қурилади;
- қўзғалмасдир;
- йирик ўлчамли;
- қўп шакли;
- ўзига хос алоҳидалик;
- ҳар хил турдаги технологияларга эга;
- сермеҳнат ва машаққатли;
- ташқи таъсирлар остида қурилади;
- узоқ муддатга хизмат қилади.

Қурилиш маҳсулотининг асосий технологик кўрсаткичи унинг сифатидир. Бу масала алоҳида кейинроқ кўриб чиқилади. Қурилиш жараёнларининг маълум бир технологик қоидалари бўйича қурилиш маҳсулоти хосил қилинади.

3. Биноларни барпо қилишда ишларни бажариш тақвимий режага (графикка), ашёлар, конструкциялар, механизмлар, ишчи кадрлар ва асосий қурилиш-монтаж ишлари учун технологик хариталар билан таъминлаш графикларига мувофиқ ташкил қилинади. Бунда ишларни ташкил қилиш ва изчиллигини таъминлашга узлуксиз усул, бутун бино ва унинг қисмлари бўйича ҳам асосий етакчи ишларнинг узлуксизлигини ва бир меъёрда бажарилиши, яғни ишчи бригадалар ва механизмларнинг шу бўлимлар бўйича биринкетин ўтиши асос қилиб олинади. Иш шундай ташкил қилинганда меҳнат унумдорлиги ошади, ишларни кўшиб бажариш имкони кенгаяди ва қурилишни битказиш муддати қисқаради. Бинони қуиши жараёни ёндош ишларни бирлаштирадиган бир қатор босқич (давр)ларга бўлинади. Бу эса қурилишни бир қатор мустакил тугал босқичларга бўлишга имкон беради, қурилишни ишчи кадрлар билан мажмуулашни енгиллаштиради ва уни ашёлар, конструкциялар ва механизмлар билан таъминлашни осонлаштиради. Масалан, бино қуишида бажариладиган барча ишлар мажмуасини ер ости (нолинчи), ер устида бажариладиган, пардозлаш ва маҳсус босқичларга бўлинади. Ер ости (нолинчи) даврида нолинчи сатҳдан пастда бажариладиган ишлар: сув йўллари ва дренажлар, автомобиль йўллари тармоқларини қуиши, пойдеворлар ва ертўла деворларини қуиши, пол асосини тайёрлаш, ертўлаларда зиналар ва нарвонлар қуиши, ертўлалар устидаги ораёпмаларни қуиши қран йўлларини қуиши ва қурилиш машиналарини монтаж қилиш ишлари киради.

Ер усти даврида – бино синчини (кутисини), деворларни, пардадеворларни, зиналарни, ораёпмаларни, том конструкцияларини қуриш.

Пардозлаш даври – суваш, кошинлар қоплами, бүёкчилик, гулқоғоз ёпишириш ва ойна солиши, шунингдек поллар қуришни ўз ичига олади. Махсус давр – ички тармоқларни қуриш ва сув билан таъминлаш, сув оқава, иситиш, шамоллатиши, газлаштириш, электр билан таъминлаш, паст ток қурилмалари (телефон, радио, соатлар, сигнал қурилмалари)ни ўтказиши. Жиҳозларни монтаж қилиш – технологик, кўтаришташиш, электр-куч ва назорат-ўлчаш жиҳозларини монтаж қилиш мустақил давр (босқич)ни ташкил қиласи. Ҳар қайси давр ичидаги ишлар тартиби шундай белгиланади: унда бир вақтда ҳар хил ишларни максимал даражада бажариш кўзда тутилади. Бу эса қурилиш муддатини анча қисқартиради. Масалан, нолинчи давр ишларини бажаришда бутун ҳандак айрим бўлимларга бўлинниб, уларда нолинчи даврдаги барча ишлар биринкетин бажарилади, бу айниқса, қишиш шароитида ишлагандаги жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки пойдеворларни қазиши билан қайта кўмиши орасида кўп вақт ўтса, ҳандақларнинг туби музлаб қолиши мумкин. Нолинчи давр тугагандан кейинги ер усти ишлари бошланади. Бинонинг ер усти қисмларини барпо этишдан олдин қурилиш бош режасига мувофиқ ашёлар, металл ва бошқа конструкцияларни сақлаш учун майдонлар жиҳозланади, зарур механизм ва инвентар қурилмалар ўрнатилади. Ҳар қандай ашё ва конструкцияларни қабул қилиш ва тахлаш учун шундай жой танлаш керакки, уларни иш ўрнига ташиш меҳнат ва вақтни тежаб қолсин. Транспорт воситаларидан қоришмани қабул қилиш ва ортишга ҳам худди шундай жой танланади. Ашёларни хил-хилига қараб тахлаш ва улар орасида камидаги 1 м кенглика үтиш жойи қолдириб кетиш керак. Ҳар иш бўлимида ашё буюмлар турлари бўйича гурухларга ажратиб тахланади, шунда иш вақтида уларни топиш осон бўлади. Ашёлар тахлами орасида 0,7 м кенглика үйл қолдирилиши керак, шунда юкни кран илмогига ишлаш қулай бўлади, ишчиларнинг хавфсиз ишлаши таъминланади. Бир турдаги буюмларнинг сони кўп бўлса, уларни сериялари ва нишонларини кўрсатадиган белгилар ўрнатилади.

Минорали кранлар учун рельс излар ётқизилади, занжирили ва пневмоғилдиракли кранлар учун йўллар текисланади. Сўнгра кранлар, кўтаргичлар ва бошқа юк кўтариш машиналари ўрнатилади. Уларни ишга туширишдан олдин техника назорати қоидаларига мувофиқ кўздан кечирилади ва текшириб кўрилади. Қурилиш ишларини бажаришда биргина ишчи эмас, ишчилар гурухи иштирок этади. Бир қанча қурилиш жараёнларидан иборат бўлган операциялар мажмуасини бажарадиган ишчилар гурухлари звенолар деб аталади. Ҳар бир звенога тикланаётган конструкция олдида маълум иш ўрни ажратилади. Иш щрни керакли техникавий воситалар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда ишчи ёки ишчилар гурухи биргаликда бир ишни ёки операцияни бажарадилар. Иш ўрни шундай ташкил этишиниг асосий масалаларидан бири ҳар бир ишчини иш куни мобайнида бир меъёрда ва узлуксиз иш билан таъминлаб туришдан иборат. Бунинг учун ҳар бир звенога алоҳида иш бўлими ажратилади. Бўлимнинг ўлчами иш куни мобайнида звенонинг бир жойдан бошқа бўлимга ўтмай ва ҳавоза ҳамда бошқа мосламаларни кўчириб ўрнатмай бажариладиган иш ҳажмига қараб танланади. Ишнинг бундай бўлими бўлинма дейилади. Маълум вақт мобайнида ишчилар бригадаси алоҳида қурилиш жараёнини бажараётган бино қисмини қамров деб аталади. Ҳар бир қамровда иш фронти ажратилиб, бу иш фронтига ишчилар ўзларига топширилган механизмлар ёрдамида ишни бажарадиган. Фишт теришда девор ва ҳавоза майдончалари иш фронти хисобланади.

Қурилиш ишлаб чиқариш маҳсулотини ва қурилишда меҳнатни ташкил этиш

4. Курилиш-монтаж ташкилоти иш режаси тузиб, айрим ишларнинг бажарилиш муддатларини ва баҳосини белгилайди.

Курилиш бўлимларига ойлик режага топшириладики, шу режага биноан қандай касб эгалари ва қандай малакали ишчилар, қай хилдаги ашёлар, конструкция ва механизмлар қанча керак бўлиши аниқланади.

Курилиш устаси ойлик режага ва кунлик графикка асосланиб, бригада ва звенолар учун наряд ёзди, нарядда ишлаб чиқариш топшириқлари, бажариладиган ишларнинг ҳажми, уларни бажариш шароитлари, муддатлари, баҳоси, қиймати, ишни бошлаш ва тугатиш вақти кўрсатилади. Демак, наряд, меҳнат ҳақи тўланадиган хужжат бўлиши билан бирга, ишлар жамоасининг иш режаси ҳам ҳисобланади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг аҳамияти. Бригада ва звено ишчиларининг меҳнати илғор тажриба якунларига асосланиб ва энг унумли иш услубларини кўзда тутиб, ташкил этилиши лозим. Меҳнатни илмий ташкил этиш шу талабларга мос келади, чунки бу усул меҳнат самарадорлигини оширишга, меҳнат сарфини камайтирган ҳолда ишлаб чиқариш топшириқларини тўла бажаришга қаратилган ташкилий ва техникавий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, яъни уни жорий этиш олдидан айрим бригадалар учун режалар тузилиши лозим. Бундай режалар иш кунини фотография қилиш ва айрим операцияларга сарфланадиган вақтни ўлчаш(операцияларни хронометраж қилиш) йўли билан иш жараёнларини барвақт ўрганиш асосида ишлаб чиқилади. Бу эса иш вақтининг исроф бўлиш сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш йўлларини излаб топишга имкон беради. Ишлаб чиқаришни пухта ташкил этиш, кадрлардан тўғри фойдаланиш ва илмий ташкил этиш режаларини жорий этиш билан бирга, ишчилар орасида тарбиявий ишлрни яхши йўлга қўйиш меҳнат интизомининг асоси ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш омили ҳисобланади. Звено ва бригадаларда меҳнатни ташкил этиш. Мажмуали операцияларни бажариб, тайёр маҳсулот берадиган ишчилар гурӯҳи звено деб аталади. Звено аъзолари орасида вазифалар шундай тақсимланадики, натижада улар операцияларни бир маромда бажариши мумкин бўладиган даражада иш билан бир текисда таъминланадилар. Звено аъзоларининг сони ва малакаси бажариладиган ишларнинг турига ва хусусиятига боғлиқ. Ишлаб чиқаришга раҳбарликни яхшиш мақсадида звенолар бригадаларга бирлаштирилади. Ихтисослаштирилган бригадалар бир хил касб эгаларидан тузилиб, звенолар каби бутланади. Мажмуали бригадалар ҳар хил касб эгаларидан тузилади. Ҳар бир шундай бригада ихтисослаштирилган звеноларни ўз ичига олади. Энг сўнгги, охирги маҳсулот бригадаси мажмуали бригадаларни бир тури ҳисобланади, лекин анча мураккаб, мажмуали ишларни, хатто қуриб битказилган объектнинг калитини буюртмачига топширишгача бўлган ишларни ҳам тўла-тўқис бажаради. Бригада аъзоларининг сони ва уларнинг малакаси объектни қуриб тугатиш муддатига, бажариладиган ишларнинг тури ва ҳажмига, шунингдек, бу ишларни бажариш усулларига қараб белгиланади. Меҳнатни ташкил этиш қўлланмаси илғор тажриба якунлари, звено ва бригадаларнинг энг мақбул таркиби, уларни механизм ва мосламалар билан таъминлаш, меҳнат тақсимоти, иш ўринларини ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш, иш усуллари ва услублари тўғрисидаги тавсиялардан иборат. Бу хужжатлар бригада ҳамда звено бошлиқларига ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилади.

Меҳнат жараёнлари хариталари айрим ишлар - операцияларга мўлжаллаб тузилади. Хариталарда айрим иш усуллари, иш бажариш вақтидаги ҳаракатлар, меҳнат жараённида ижрочиларнинг ҳаракатларини ўзаро боғлаш тартиби батафсил баён этилади, ишларни бажариш графиги берилади, звенода вазифаларнинг тақсимланиши кўрсатилади. Хаританинг иш усуллари баён этилган бўлимида иш жараёни унсурлари, улардан ҳар бирининг бажариш изчиллиги ва давомати, ижрочиларнинг ихтисоси ва малакаси, ишлатиладиган асбоб ва мосламалар кўрсатилади. Меҳнатни ташкил этиш қўлланмалари ҳамда меҳнат жараёнлари хариталари ишларни анча сифатли бажаришга, ишчиларнинг иш суръатини оширган ҳолда чарчамай ишларига ва меҳнат қобилиятини сақлаб қолишга,

доимий ишлаш шароитлари туғдиришга, иш сифатини ошириш ҳамда қурилиш ашёларини тежашга катта ёрдам беради. Ишчиларнинг ихтисосини аниқлаш. Бригадада ишчиларни жой-жойига қўйишда, ишларни мураккаблик даражасига қараб тақсимлашда ва уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни ҳисоблаб чиқаришда бригада аъзоларининг малака даражасига қараб иш тутилади. Ишчиларнинг малака даражаси «Ягона тариф-малака маълумотномаси (ЯТММ)»га биноан белгиланади:

1-малака даражаси – ишчининг меҳнат кўникмасига эга бўлиши ва хавфсизлик техникаси қоидаларини билиши талаб қилинадиган ишлар;

2-малака даражаси – ишчининг бошланғич касбий малакаси бўлиши талаб қилинадиган жўн ишлар;

3-малака даражаси – муайян даражада касбий малакаси бўлган ва кўникма орттирган ишчилар бажарадиган оддий ишлар;

4-малака даражаси – ишчининг маҳсус ва назарий тайёргарлиги ҳамда катта касбий тажриба муддатига эга бўлиши талаб қилинадиган ўртача мураккаб ишлар;

5-малака даражаси – мураккаб ишлар; ишчи айни пайтда звено, бригада бошлиғи вазифасини ҳам бажаради;

6-малака даражаси – алоҳида мураккаб ишларни ва бригада бошлиғи вазифасини бажаради.

Малака-ихтисос хайъати ишчининг техникавий билимини текшириб, уни синовдан ўтказгандан кейин унга ихтисос малака даражасини беради. бунинг учун ишчи «Билиши керак» деган ихтисос тавсифи саволларининг ҳаммасига жавоб бера билиши, «Намунавий ишлар» бўлимига киритилган ишлардан камида уч хилини бажариши, иш меъёрини тўла бажариб, сифатли маҳсулот бериши лозим. Малака-ихтисос ҳайъатининг далолатномалари касаба қўмитаси билан келишиб, ташкилот бошлиғининг фармони билан тасдиқланади; шундан кейин ишчининг меҳнат дафтарчаси билан ҳисоб-китоб дафтарчасига унга берилган малака даражаси ёзиб қўйилади.

Меҳнатни ташкил этишнинг илгор усуллари бригада пурратидан бошланиб, хўжалик ҳисоби шакли сифатида ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмади. Ўттиз йилдан ортиқ тарихга эга бўлган бу усулни ўрганмасдан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ишларини олиб боришга мослашиш қийиндир. Хўжалик ҳисобида ишлайдиган бригада топширилган ҳажмдаги ишларни бажариш билан бирга, объектни кам меҳнат сарфлаган ҳолда сифатли қуриб, белгиланган муддатда ёки муддатидан олдин фойдаланишга топшириш мажбуриятини ҳам олади. Бунда ҳар бир ишчи ва бригаданинг ҳамма аъзолари ўз ишини оқилона ташкил этишга, қурилиш ашёларини тежаб, самарали ишлашга, қурилиш конструкцияларининг бутунлигини таъминлашга ҳамда объект қурилиши харажатларини камайтиришга ҳаракат қиласида. Бригадага топшириқни муваффақиятли бажариб, тежамкорликка эришгани учун мукофот тўланади; мукофот ишларнинг бажарилиш сифатига қараб белгиланади. Куйи хўжалик ҳисобининг бундай шакли айрим ишчиларнинг шахсий манфаати билан бутун бригада манфаатининг уйгун қўшилиб кетишини таъминлайди. Бригадалар хўжалик ҳисобига ўтишдан аввал зарур кадрлар билан тўлдирилган, меҳнат сарфини камайтиришга, қурилиш муддатини қисқартиришга ва қурилиш баҳосини арzonлаштиришга имкон берадиган тадбирлар белгиланади. Қурилиш ташкилоти ҳар бир бригада билан объектни бажариладиган ишлар юзасидан шартнома тузган. Томонлар мазкур шартномага биноан зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни олганлар: - маъмурият; - ишларни бажариш графигига мувофиқ, қурилиш объектини техникавий хужжатлар, механизмлар, конструкция ва ашёлар билан ўз вақтида таъминлаш;

- илгор технологияни жорий этиш ва қурилиш ишларини меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берадиган қилиб ташкил қилиш;

- бригадага бериладиган асбоблар, конструкция ҳамда ашёларни бут ҳолда сакланиши учун шароит яратиб бериш;

- мұхандислик-техникавий раҳбарликни таъминлаш ва хавфсизлик техникаси тадбирларини амалға ошириш;
- бригада: - ишларни техникавий ҳужжатларга мувофиқ белгиланган муддатда тугатиши бағарылған ишлар қыйматини режадаги күрсаткічлардан оширмаслик;
- курилиш машиналари ва автотранспортдан самарағы фойдаланиш;
- курилиш ашёлари ва конструкцияларни түғри сақлаш ва уларни оқилона ишлатиши;
- хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш. Хұжалик ҳисоби бригадаларидан ҳар бир ишчининг ўртача ойлық иш ҳақи мүкофот ҳисобига 30-35 фоизга ошган.

Бригада пудратида бригада ишни мажмуали ва сифатли бағарылышты учунгина эмас, балки шунингдек давлат маблагини тежамли сарфлаш учун ҳам жавобгар бўлиб қолган.

Маълум йиллар ўтгач, бригада пудрати ўз хизматини ўтаб бўлди ва аста-секин жамоа пудратига ўта бошланди. Жамоа пудратининг маъноси, меҳнатнинг умумий натижаларига ҳамма ишчи-ходимларнинг жамоа учун жавобгарлиги ва манфаатдорлигидадир. Бунда ҳамма иштирокчиларни, яъни оддий ходимдан ташкилот бошлиғигача, бирлаштирадиган ягона бригадани тузиш тушунилади. Жамоа пудрати усулида тўртта принципга амал қилинган: - жамоали меҳнат;

- жамоали ҳақ тўлаш;
- жамоанинг ўз-ўзини бошқариши;
- ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаши;

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши арафасида жамоа пудратидан ижара пудратига ўта бошланди. Қурилиш ташкилотлари ижара пудратидан хиссадорлик жамиятларига ва бозор иқтисоди талабларига мос ҳолда хусусийлаштириш йўлига ўтдилар. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усусларидан бири – вахта усулидир. Вахта усулида меҳнатни ташкил этишнинг маъноси шундаки, қурилиш ташкилоти ва ишчиларнинг доимий яшаш жойларидан анча узоқ бўлган обьектларда қурилиш-монтаж ишларини маҳсус яратилган вахта турар-жойларида яшаб ва маълум вақт оралиғида дам олиб яшаш тушунилади. Бу усульнинг кўллашдан мақсад қурилишни ташкил этишни такомиллаштирилиши ва обьектларни ишга туширишни жадаллаштириш, пудратчи ташкилотларнинг меҳнат ва моддий-техникавий манбаларини яхшилаш асосида капитал маблағ самарадорлигини оширишdir. Бу масалаларни ўрганмасдан туриб, ҳозирги бозор шароитида ишлаш қийинdir.

Назорат саволлари:

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари, уни бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги қандай бўлади?
2. Қурилиш ишлаб чиқариши маҳсулоти ва унинг қандай фарқланувчи хусусиятлари бор?
3. Қурилиш жараёнлари: мажмуали ва оддий, механизациялашган ва дастаки, ишчи операциялари қандай бўлади?
4. Қурилиш ишларининг касблари ва малакаси нималарга боғлиқ?
5. Таъриф малака маълумотномаси нимага керак?
6. Қурилишда меҳнатни ташкил этиш қандай амалга оширилади?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

- 1.Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
- 2.Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК).
- 3.Ягона меъёр ва нархлар (ЯМвАН).

2 – МАВЗУ БҮЙИЧА МАЪРУЗА

2-мавзу	ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ.
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none">Грунтларнинг турлари, қазиш қийинлиги ва бошқа хусусиятлари;Ер қазишдан олдин бино ўрнини белгилаш;Бир чўмичли экскаваторлар ёрдамида ер қазиш.

Таянч иборалар:

Грунтлар, қазиш, қирқим, гил, қимлоқ, геодезик, қиялик, ер иншоотлари, бир чўмичли экскаватор, қазиш йўли, сатҳ, лёсс, бино ўрни, ҳажмий масса, қовушқоқлик, намлик, дараҳт, тўнка, ўсимлик, қатлами, пойдевор ва бошқалар.

Грунтларнинг турлари, қазиш қийинлиги ва бошқа хусусиятлари

1. Грунтларнинг турлари, қазиш қийинлиги ва бошқа хусусиятлари

Грунт – тупроқ ва тоғ жинсларининг умумий номи бўлиб, тошлоқ ва бўшоқ хилларга бўлинади. Тошлоқ грунтларни откинди (магматик), метаморфик ва чўкинди тоғ жинслари ташкил этади. Бу жинсларнинг зарралари бир-бирига маҳкам бириккан бўлади, яхлит ёки дарзли массив ҳолида ётади. Бўшоқ грунтлар цементлашмаган тоғ жинси бўлакларидан ташкил топган. Зарраларнинг катта-кичиклигига қараб кумтошли, лёссимон, гилсимон грунтларга бўлинади. Таркибига кўра грунтлар қуйидаги турларга ажралади: Кумлар куруқ ҳолда сочиувчан, заррачаларнинг диаметри 0,05 дан 2 мм гача бўлган, ўзаро қовушмаган майда тоғ жинси қум дейилади. Тоғ ва текислик ерлардан олинган кумларнинг доналари қиррали, дарё қумининг доналари эса ясси (япалоқ) шаклда бщлади. Шамол енгил учирив кетадиган майда заррачали қумлар бархан ва дюнали қумлар дейилади. Кумлар ўзаро кам қовушоқ, сувни яхши ўтказадиган, кам сиқиладиган, эластиклиги йўқ бўлади, хўлланганда юкка бўлган қаршилиги деярли камаймайди, сувда осон ювилади, қум устида машинанинг юриши анча қийин бўлади. Майда тош доналарининг йириклиги 2 мм дан 40 мм гача бўлган сочиувчан думалоқ тоғ жинси қум-шағал, диаметри 40 мм дан 200 мм гача бўлган тоғ жинси шағал, диаметри 200 мм ва 200 дан катта бўлган тоғ жинси ҳарсанг тош дейилади. Сочиувчан қиррали ўлчамлари 20 мм дан 100 мм гача бўлган парчалангандан тоғ жинслари чақиқ тош дейилади. Қум-шағал, шағал, ҳарсанг ва чакиқ тошлар аралашган грунтни қазиш қийин бўлади. Гил. Таркибида алюминий оксиди (глинозём), кремний оксиди (кремнозем), қум, оҳак, темир оксидлари ва кимёвий боғланган сувларнинг энг майда заррачалари ҳамда 30% дан ортиқ заррачаларнинг диаметри 0,005 мм дан кичик бўлган силикат гил дейилади. Гил нам ҳолатда жуда қовушоқ, зич, эластик ва сув ўтказмайдиган бўлади.

Лёсс (соғ тупроқ) майин, ғовак, ранги қўнғир малла ёки кулранг бўлиб, айрим бўлакчалар ва найчасимон кўринишидаги оҳактош заррачалари аралаш грунт-лёссынинг таркибида 60% майда кварц қуми, 10-20% оҳак, 5-10% майда тупроқ, шунингдек бир оз темир ва слюда бўлади. Лёсс таркибида йирик қум, шунингдек гил заррачалари бўлмайди.

Қумоқ. Таркибида 10% дан 30% гача гил заррачалари бўлган грунт қумоқ дейилади. Гилга қараганда қумоқда қум заррачалари кўпроқ, чанг заррачалари эса камроқ бўлади. Қумоқлар куруқ ҳолатида қовушоқ, эластик, сувни ўзидан кам ўтказувчан, секин қурийдиган ва сувда кам ювиладиган бўлади. Қумлоқ. Таркибида 3% дан 10% гача гил заррачалари бўлган грунт қумлоқ дейилади. Қумлоқда қум заррачалари чангсимон заррачаларга нисбатан ошиқ, уларнинг ичидаги диаметри 0,25 мм дан 2 мм гача бўлган доначалар кўпроқ бўлади. Қумлоқларнинг эластиклиги кам, у нам ҳолатда турғунсиз бўлади. Қора тупроқ-кулранг, қўнғир, каштан ёки деярли қора рангдаги тупроқ. Бу грунтлар механикавий таркибига кўра турлича бўлиб, қумоқ, қумли ва чангсимон тупроқга яъни туради. Грунтнинг ҳажмий массаси, қовушқоқлиги, юмшоқлилиги, сув ўтказувчанлиги, сув сингдирувчанлиги, намлиги, қияликларда тура олиш қобилияти,

ёпишқоқлиги, қирқилиш ва ковлашдаги солиширма қаршилиги унинг қазилиши қийинлигини характерловчи энг муҳим физикавий ва механикавий хоссалари ҳисобланади.

Ер ишларини мұваффақият билан бажариш ва тупроқ ишларини сифатли қилиб қуриш учун ҳар бир бинокор ишлатиладиган грунтнинг хусусиятларини яхши билиши керак. Табиий ҳолатдаги 1m^3 грунтнинг массаси грунтнинг ҳажмий массаси дейилади. Ҳажмий массаны билган ҳолда грунтнинг күтариши ва ташишда сарфланган энергияни ҳисоблаб топиш мүмкін. Грунтнинг қовушқоқлиги айрим заррачаларнинг ўзаро тортишишини бузиш, яъни уларни бир-биридан ажратиши учун керак бўлган кучнинг миқдори билан характерланади. Қовушқоқлиги ортиши билан грунтни қирқишидаги солиширма босими ҳам ортади. Ишланганида грунт ҳажмини ошиши унинг юмшалиши дейилади. Табиий ҳолда ўтган грунт зич грунт дейилади. Грунт ишланганида юмшайди ва ҳажми ортади. Грунтнинг юмшатилган ҳолатидаги ҳажмининг зич ҳолатидаги ҳажмига бўлган нисбати юмшалиш коэффициенти дейилади. Улар дастлабки ва қолдиқларга бўлинади. Грунтнинг сув ўтказа олиш қобилияти эса унинг сув ўтказувчанлиги дейилади. Намлик – грунт ғовакларини сув билан тўйинганлик даражасини билдиради.

$$W = \frac{\Delta_H - \Delta_K}{\Delta_K} \cdot 100,$$

бунда Δ_H, Δ_K нам ва қуруқ тупроқ массаси.

Грунтнинг қияликда тура олиш қобилияти табиий қиялик бурчаги, яъни қиялик сирти ва горизонтал текислик орасидаги бурчак билан характерланади. Қияликни нисбат

белгиси қуйидагича ифодаланади: $\frac{A}{H} = m$ (2.1.1-расм) қиялик коэффициентининг қиймати грунтнинг механикавий таркибига қараб қурилиш меъёрлари ва қонунларида кўрсатилган.

Ер ишларини бажаришда грунт қазиши, суриб бориши, қазишининг қийинчилигига қараб грунтлар 6-гурухга бўлинади. Биринчи 4-гурухдаги грунтларни машиналар билан қазиш мүмкін, қолганлари эса тошли ерларга тааллукли бўлиб, улар фақат портлатиш йўли билан қазилади.


1-жадвалда турли машиналар билан қазишидаги қийинчилигига кўра баъзи грунтларнинг гурухлари берилган.

(ЕниР сб. Е2. Земляные вып. 1 работы. Табл.1. стр. 7-12).

ЕниР – Ягона меъёр ва нархлар.

Қазилган грунт ҳажмининг ортиши ва уни зичлангандан кейин маълум миқдорда ортиб қолиши грунтнинг хилларига қараб турлича бўлади.

(2-илова, ЕниР сб. Е2.вып.1. 205-206 бет).



2.1.1-расм. Табиий қиялик коэффициентини аниқлаш

Бино ўрнини белгилашга унинг ўрнидаги дараҳт, тўнка, буталар ва ўсимлик қатламини олиб ташлангандан сўнг киришилади.

Ер қазиш ишларидан аввал геодезик режа бўйича мазкур жойга бино ёки иншоотнинг жойланиш ҳолати аниқланади.

Геодезик режа одатда горизонтал ва вертикал ҳолатта нисбатан ягона координата тизимида тузилади. Таянч жойлари ва нивелир тармоғи давлат триангуляция тармоғи жойларига боғланади. Ер иншоотлари унсурлари ўлчамларини реал жойга ўтказиш учун курилиш майдони худуди 100-200 м томонларга эга бўлган квадратларга бўлинади 12 арат учларига репер маҳкамланади. Бино ва иншоот пойдеворлари учун энли ва энсиз ҳандақлар ўрнини белгилаш ишчи белгилаш (ихоталаш) (обноска) чизмалари бўйича амалга оширилиб, унда ҳамма ўлчамлар координата бошидан берилган. Унга асосан бинонинг ҳамма асосий ўқларини кесишган нуқталарини топиш мумкин. Белгилаш чизмасига ҳандақ туби сатҳи кўчирилади. Белгилаш чизмасидаги ҳамма берилган маълумотлар ихоталаш устунлар ва унга қоқилган кўндаланг тахталарга белгилаб ўтказилади. Устунларни теодолит бўйича бўлажак бино ёки иншоотнинг параллел ўқлари тўғрисида ҳам периметр бўйлаб ўрнатилади. Катта ўлчамли биноларда қўшимча тарзда ҳар 40-60 м да ихоталаш устуни ўрнатилади. Ихоталаш устунлари ёғочдан диаметри 100 мм гача бўлган хода ёки 100x100мм кесимли брус ёки доимий қўлланиладиган (инвентар) металлдан (металл қувур ёки шаклли металл) тайёрланади. Ўтиш йўли йўлаклар учун эни 3-4 м га очиқ жой қолдирилади.

Ҳандақларни ўқлари ва четлари ихота тахталарига қоқилган михга ингичка юмшоқ сим тортиб аниқланади. Ҳандақлар туби сатҳлари ихоталаш устунида, репер-устунда ёки тик қўйилган тахталарда белгиланади. Унча катта бўлмаган қазилмаларни чуқурлиги битта нивелир ёрдамида, катталарини иккита нивелир ва қазилма устига қўйилган қозикқа маҳкамланган юкли рулетка ёрдамида назорат қилинади. Энли ҳандақдаги Нд ва Д нуқтаси қуйидагича аниқланади (2.2.2-расм):


$$H_{\text{д}} = H_R + h_a - (C - B) - h_B$$

бу ерда: H_R - ер юзасида жойлашган репер сатҳи;

h_a - репер устига ўрнатилган рейкадан олинган ҳисоб рақами;

h_B - ҳандақ ичида жойлашган в рейкасидан олинган ҳисоб рақами;

С ва В – рулеткадаги ўлчам ҳисоби.



2.2.1 – расм. Ҳандақ ўрнини белгилаш чизмаси

3. Бир чўмичли экскаваторлар ёрдамида ер қазиши.

Ер қазиши ишларининг асосий ҳажмини қазиш экскаваторлар ёрдамида бажарилади.

Иш шароити ва ер ишлари ҳажмига қараб турли типдаги экскаваторлар ишлатилади. Экскаваторлар бир чўмичли ва кўп чўмичли бўлади. Бир чўмичли экскаваторлар кўпроқ бино ва иншоот остига котлован ва траншеялар қазишда ишлатилади. Иш ускуналарининг турига қараб бир чўмичли экскаваторлар қуйидаги турларга бўлинади: тўғри чўмичли экскаватор, тескари чўмичли экскаватор драглайн, грейдерли экскаватор ва бошқалар. Қурилишда ер қазиши ишларини бажариш учун чўмич ҳажми 0,35 дан 3 м³ гача бўлган экскаваторлар қўлланади.

Экскаваторнинг йўналиши қазиши йўли (проходка), грунт қазиладиган жой қазиши ўрни (забой), тўқиладиган жой эса уом (отвал) дейилади. Ер ишларини бажаришда бир чўмичли экскаваторнинг иш жараёни қуйидаги операциялардан иборат; қазилаётгн

жойдан грунтни ажратиш ва чўмични тўлдириш; тўлдирилган чўмични керакли баландликка қўтариш ва тўкиш жойига буриш; чўмични бўшатиш; грунт олинадиган жой (забой)га бурилиш ва яна қазиш учун чўмични тушириш.

Тўғри чўмичли экскаватор ўзи турган жойдан баланд бўлган тепаликларни олдинга қараб қазиб боради ва унинг иш ускунаси ер қазиш белкурагини эслатади.

Назорат саволлари:

1. Грунтларнинг турлари, қазиш қийинлиги ва бошқа хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ер қазищдан олдин бино ўрнини белгилаш қандай амалга оширилади?
3. Бир чўмичли экскаваторлар ёрдамида ер қазища қандай усуллар қўлланилади?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК).
3. Ягона меъёр ва нарҳлар (ЯМвАН).

3 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

З-мавзу	Грунтларни драглайн экскаватор ва тескари чўмичли экскаваторлар ёрдамида транспортга ва четга қазиб ташлаш
----------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Маърузани олиб бориши технологияси (машғулот модели)

<i>Маъруза режаси</i>	1.Грунтларни драглайн экскаватор ва тескари чўмичли экскаваторлар ёрдамида транспортга ва четга қазиб ташлаш; 2.Драглайнни кўндаланг-мокисимон ва бўйлама-мокисимон схемада ишлаши; 3.Экскаватор ва унга мос келадиган транспортнинг турларини танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар.
-----------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------


Таянч иборалар:

Драглайн, экскаватор, тескари чўмичли, транспорт, ағдарма, кўндаланг-мокисимон, бўйлама-мокисимон, схема, омиллар, ЗИЛ-ММЗ-585 ўзи тўкар машина, бульдозер, техникавий тасниф, иш таннархи, чўмичини ҳажми ва х.к.

Грунтларни тескари чўмичли экскаваторлар ва драглайн экскаватор ёрдамида транспортга ва четга қазиб ташлаш. Тескари чўмичли экскаватор ўзи турган жойдан паст грунтни икки усулда: олдинига юриб (бўйлама усул) ва ён томонидан (кўндаланг усул) қазиёди. Бу экскаваторлар траншея қазишда 6-7 метргача ва котлован қазишда 5-6 метргача чуқурликда қазиб олинади. Драглайн пўлат арқон билан стрелага осилган чўмичдан иборат бўлиб, ўзи турган текислиқдан пастдаги грунтни қазиёди. Бу экскаватор турли хил ер ишларини бажара олади, кўпроқ гидротехника иншоотларини куришда ва сизот сувлари яқин бўлган ерларда қўлланилади. Грейдерли экскаватор икки қисмдан иборат: очилиб ёпиладиган тишли чўмичга эга бўлиб, юмшатилган грунтни тор ва чуқур котлованлардан қазиб олишда ишлатилади. Экскаваторлар ёрдамида I-IV гурухдаги грунтлар қазилади. Яхлаган ва қояли грунтларни даставвал юмшатиш тавсия этилади. Шунда экскаватор қисмлари тез едирилишдан сақланади ва иш унуми анча ошади. Грунтни транспортга юклашда тўғри чўмичли экскаватор ёрдамида қазиш ишларини икки хил усулда (2.3.1- расмлар) ташкил этиш мумкин: «пешона» ва ёnlама усуллар.

«Пешона» усулда транспорт экскаваторнинг орқасидан ҳандақ туби бўйлаб келади. Бундай ҳолда экскаваторни кўпроқ буришга тўғри келади.

Ёnlама усулда транспорт йўли экскаватор ўтадиган йўлнинг ёнида бўлади. Тескари чўмичли экскаватор ва драглайн ишлаш принциплари бир-бирига ўхшаш бўлади. Драглайнни қазиш радиуси ва чуқурлиги тўғри ва тескари чўмичларга нисбатан каттароқдир. Драглайн билан кўпроқ отвалга грунт тўкилади ва баъзан транспортга ҳам юкланиши мумкин. Бу экскаваторларда ҳам «пешона» ёки ёnlама усуллар ва уларга асосан оқилонароқ характерланиши схемалари қўлланилади (2.3.2 - расм).



2.3.2 – расм. Драглайн ёрдамида ҳандақларни қазиш усуллари

а.- кўндаланг мокисимон усул;

б, в – бўйлама мокисимон усул.

1 – ўзи тўкар машина; 2 – чўмични туширилиши ва грунтни олиниши;

3 – грунтни олиб бўлиниши ва чўмични кўтарилиши;

4 – чўмични бўшатилиши

Драглайнни кўндаланг-мокисимон ва бўйлама-мокисимон схемада ишлаши;

Драглайн билан күпроқ отвалга грунт түкилади ва баъзан транпортга ҳам юкланиши мумкин. Бу экскаваторларда ҳам «пешона» ёки ёнлама усуллар ва уларга асосан оқилонароқ характерланиши схемалари қўлланилади (2.3.2.-2.3.3-расмлар). Драглайнни кўндаланг-мокисимон ва бўйлама-мокисимон схемада ишлаши энг самарали ва оқилона ҳисобланади.

Экскаватор ва унга мос келадиган транспортнинг турларини танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар.

5-жадвалдаги тавсияларга кўра чўмичини ҳажми $0,35-0,4\text{m}^3$ бўлган экскаваторлар юк кўтариш қобилияти $3,5-5$ тн бўлган ўзи тўкар машиналарга хизмат қила олади.

6-жадвал бўйича керакли ўзи тўкар машиналарни маркаларини аниқлаймиз.

1. ЗИЛ – ММЗ – $585 - 3,5$ тн.

2. ЗИЛ – ММЗ – $555 - 4,5$ тн.

3. МАЗ – 205 - 5 тн.

Энг тежамли ўзи тўкар машина маркасини танлаб, ҳисобларини 7-жадвалга ўтказамиш, жадвални қуидагича ҳисоблаб чиқамиш: Ўзи тўкар машина кузовидаги тупрокни ҳажми қуидаги формула бўйича аниқланади: $V_{y.m.m.} = \frac{Q}{\gamma} \text{m}^3$

Бу ерда: Q- машинани юк кўтариш қобилияти тн. да

γ - тупроқни солиштирма оғирлиги t/m^3 (1-жадвалдан).

Бир чўмичли экскаваторлар билан қазиш учун тавсия қилинадиган машиналар

5-жадвал

№.	МАШИНАЛАР.	Экскаватор чўмичини ҳажми, m^3			
		0,35 m^3 гача	0,4-0,8	1-2	3-4
1.	Ўзи тўкар машиналарни юк кўтариш тн да	3,5-5	5-10	10-25	40-60
2.	Бульдозерлар	Д3-29ни Т-74 Д3-42ни ДТ-7	Д3-8, Д3-19, Д3-259ларни Т-100га	Д3-27с ва Д3-28 ни Т-130га	Д3-25, Д3-24А, Д3-9ларни Т-180га

Бутун ҳисобнинг йўлини ЗИЛ-ММЗ-585 машинаси мисолида тушун-тирамиз. 1.

$$V_{y.m.m.} = \frac{3,5 \text{tn}}{1,6 \text{m} / \text{m}^3} = 2,18 \text{m}^3$$

2. Экскаватор чўмичидаги тупроқ ҳажмини $V_s = 0,88 \cdot q$;

$V_s = 0,88 \cdot 0,3 \text{m}^3 = 0,264 \text{ m}^3$ деб қабул қиласа бўлади,

бу ерда: $q = 0,3 \text{m}^3$ – экскаватор чўмичи ҳажми.

3. Машинага тупроқ ортиш учун чўмичлар сони

$$3 \left(n = \frac{V_{y.m.m.}}{\vartheta} \right) 11 \quad n = \frac{2,18}{0,264} = 8,25$$

4. Қабул қилинган чўмичлар сони – 8та.

Чўмичлар сонини бутунлаганда машиналар 10% ошмаган ҳолда ортиқча юкланганди ёки юкланиш билан ишлаши мумкин.

5. Машина кузовига ортилган тупроқни оғирлиги $P = n \cdot \gamma \cdot V_s$ тн тенг

$$P = 8 \cdot 0,3 \text{m}^3 \cdot 1,6 \text{m} / \text{m}^3 \cdot 0,264 \text{ m}^3 = 3,38 \text{ тн}$$

ЎЗИ ТЎКАР МАШИНАЛАРНИ ТЕХНИКАВИЙ ТАВСИФИ

6-жадвал

№	Кўрсаткичлар	ЗИЛ-М	ЗИЛ-М	МАЗ-20	МАЗ-03	КрАЗ-222	КрАЗ-256	МАЗ-52	БелАЗ-Г40
1.	Юк кўтариш қоби База м.да (в з)	3,5	4,5	5	7,0	10	11	25	27

2.	Гарбит ўлчам-лар	4	3,3	3,8	3,2	4,73	4,78	3,56	3,53
3.	узунлиги								
	Кенглиги	5,97	5,55	6,08	5,92	8,19	8,19	8,22	7,18
4.	Баландлиги								
	Кузов устига-ча б	2,29	2,39	2,64	2,6	2,65	2,65	8,22	3,49
5.	ландлик м.	2,18	2,32	2,43	2,55	2,76	2,76	3,67	3,33
6.		2,0	2,0	2,0	2,15	2,30	2,64	3,3	3,3

6. Машиналарни ортиқча юкланиши (+) ёки кам юкланиши (-) қуидаги формула асосида фоизлар(%)да ҳисобланади. $\frac{P \cdot 100}{Q} - 100 = 10\%$

Бунда чиққан натижа 10% дан кичик бўлиши керак.

$\frac{3,38 \text{тн} \cdot 100}{3,5 \text{тн}} - 100 = -3,42\% < 10\%$ демак бу 10% дан кичик машина меъёр- дан кам юкланилган.

7. Машинанинг икки тарафга қатнаш вақти $t_k = \frac{2L}{V} \cdot 60, \text{мин.}$

бу ерда: L – тупроқни транспортда ташиш масофаси км да, бизнинг лойиҳада $L=3\text{км}$ га тенг.

V – топшириқ бўйича машинанинг юриш тезлиги - 17км/соат.

$$t_k = \frac{2 \cdot 3 \text{км}}{17 \text{км / соат}} \cdot 60 = 21 \text{мин.}$$

8. Машинага ортиш муддати

$$t_{opt} = \frac{n}{\eta} + T_{m.ю.к.} \text{ (машинани юклатишга қўйиш).}$$

Бу ерда: $T_{m.ю.к.}$ – машинани юклаш учун қўйишга сарфланган вақт.

$\eta = 2$ – иловадаги 2-жадвал бўйича экскаваторларни 1 минут ичидағи цикллар сони. Чўмич ҳажми $0,3 \text{ м}^3$ бўлган тўғри чўмичли экскаваторлар учун 1-гурух тупроқларда транспортга ортиб қазиша $\bar{\eta}=2,57$.

$$t_{opt} = \frac{8 \text{чўмич}}{2,57} - 0,4 \text{мин.} = 3,51 \text{мин.}$$

9. Юк қўтариш қобилияти 5,5 дан 10 тн бўлган машиналар учун бўшатиш вақти $\approx 1,6$ мин., 11-25 тн лик учун – 2,4 минут.

10. Маневрланган вақти эса юқоридагига биноан

$$t_m = 1,25 \text{мин} \text{ ва } t_m = 1,4 \text{ мин.}$$

11. Керак бўлган ўзи тўкар машиналар сони $N = \frac{t_{opt} + t_a + t_k + t_m}{t_{opt}}$

бу ерда: t_{opt} – ортиш вақти; t_a – ағдариш вақти;

t_k – қатнаш вақти; t_m – манёвр вақти.

$$N = \frac{3,51 - 6 - 21 - 1,25}{3,51} = \frac{27,36}{3,51} = 7,79 \approx 8 \text{ та машина деб қабул қиласиз.}$$

Агар вергулдан кейинги сон 0,10-0,15 дан катта бўлса, бутунлаштиришни катта сон тарафга ўтказилади.

Масалан, ЗИЛ-ММЗ-555 учун =6,09 чиққан бўлса, яъни 6,1 ёки 6,15 дан кам, бунда машиналар сонини 6 деб қабул қиласиз.

Агар $N=6,17$ чиққан бўлганда биз машиналар сонини 7 деб қабул қиласиз, чунки 6 та машина экскаваторни тўлиқ ишлашини таъминлай олмайди ва натижада экскаватор ишсиз туриб қолади.

12. Ўзи тўқар машинани 1 сменадаги ишни таннархи $S=N \cdot C_{\text{маш.см.}}$.

Бу ерда: $C_{\text{маш.см.}}$ – иловадаги 1-жадвал бўйича 1маш. сменани таннархи;

N – машиналар сони;

$S=8\text{маш.} \cdot 23,38\text{сўм}=187,04\text{ сўм.}$

13. Т – экскаваторни транспортга ишлаш сменалар сони 3-жадвалда аниқланган. 1-вариантда Э-302 экскаватори транспортга (3км масофага) тупроқни ортиб 16,84 смена давомида ишлайди, тупроқни ағдармага етказадиган (тахминан 200м га) ўзи тўқар машинага эса 4,05 сменада қазийди.

Ўзи тўқар машина ишининг таннархи $S=T$ сўм,

$187,04\text{сўм} \cdot 16,84\text{смена} = 5149-75\text{ сўм}$

14. Машина сменаларда белгиланадиган меҳнат ҳажмини ўзи тўқар машиналарни 1 сменадаги сони N-ни экскаваторнинг иш сменалар сонига кўпайтириш билан аниқланади.

$M_x=N \cdot T=8\text{маш.} \cdot 16,84\text{см.}=134,7\text{маш.-смена.}$ 7-жадвалда берилганларни солиштириб юк кўтариш қобилияти 4-5 тн бўлган ЗИЛ-ММЗ-555 машинаси энг тежамли экнини аниқлаймиз. Шу машинани кейинчалик варианtlар ҳисобида қиласиз. ЗИЛ-ММЗ-555нинг меҳнат ҳажмини ва уни иш таннархи бўйича берилганларни 4-жадвалга киритамиз. I ва III - варианtlар учун улар бир хил бўлади.

15. Тупроқни 200м масофага транспортда ташишда машинани юриш тезлиги 5-10 км/соат деб қабул қиласиз, шунда қаатнаш вақти

$$t_{\text{каати}} = \frac{2 \cdot 0,2\text{км}}{5\text{км / соат}} \cdot 60 = 4,8 \text{ минутга тенг бўлади.}$$

Назорат саволлари:

- Грунтларни драглайн экскаватор қандай қазийди?
- Тескари чўмичли экскаваторлар ёрдамида транспортга ва четга қазиб ташлаш қандай амалга оширилади?
- Драглайнни кўндаланг-мокисимон ва бўйлама-мокисимон схемада ишлаши қандай самараадорликка эга?
- Экскаватор ва унга мос келадиган транспортнинг турларини танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар нималардан иборат?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

- Бозорбоев Н. Курилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
- Курилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ).
- Ягона меъёр ва нархлар (ЯМвАН).

4– МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

4-мавзу	Кўп чўмичли экскаваторлар ёрдамида бўйламасига ва кўндалангига грунтларни чўмичлаб қазиш, уларни қўлланиш соҳалари
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
	1.Кўп чўмичли экскаваторлар ёрдамида бўйламасига ва

<i>Маъруза режаси</i>	<p>кўндалангига грунтларни чўмичлаб қазиш, уларни қўлланиш соҳалари;</p> <p>2. Скреперлар ёрдамида ер қазиш ишлари технологияси;</p> <p>3. Бульдозерларда ер қазиш, уларни қўллаш соҳалари.</p> <p>Грунтни олиш ва қирқиш усуллари.</p> <p>4. Грунтларни ташиш усуллари. Ер қазиш ишларида хавфсизлик техникаси.</p>
-----------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Таянч иборалар:

Кўп чўмичли, бўйламасига, грунт, скрепер, бульдозер, қирқиш, қазиш, ташиш, хавфсизлик, занжир, лазер, қалинлик, усулда, скрепер орқа девори, саккизсимон, спиралсимон, эллипссимон, бўйлама-мокисимон, поғонали, ўз тўкар ва бошқалар.

Кўп чўмичли экскаваторлар ёрдамида бўйламасига ва кўндалангига грунтларни чўмичлаб қазиш, уларни қўлланиш соҳалари;

Кўп чўмичли экскаваторлар узлуксиз ишлайдиган машина бўлиб улар характерланувчи чексиз занжирга бир текис жойлаштирилган ёки айланувчи ротор фидирагига ўрнатилган чўмичлар билан грунтни қазиди. Бир вақтнинг ўзида экскаваторнинг ўзи ҳам силжиб боради, натижада грунт қазиш ўрни сиртидан қатлам-қатлам ҳолда қирқилиб боради, яъни ҳандақ ҳосил бўлади. Чўмичли занжир ёки чўмичли фидиракнинг ҳаракат йўналиши машинанинг ҳаракат текислиги билан бир хилда бўлса, бунда экскаваторлар бўйламасига қазидиган экскаваторлар дейилади. Ҳозирги пайтда тажрибада кўп чўмичли экскаваторларга лазер курилмаси ўрнатилган ҳолда ҳандақ асосини бир текисда автоматик равишда қазиш имкониятлари яратилган (2.3.4-расмлар). Скреперлар ёрдамида ер қазиш ишлари технологияси;


Скрепер тиркама, ярим тиркама ёки ўзи юрар машинадан иборат. Скрепер билан грунт қатламлаб олиниб, чўмичига йигилади ва тегишли жойга ташиб тўклилади ҳамда текисланиб, қисман шиббаланади. Иш жараёнининг айрим операцияларни тўғри бажариш тартибини ва скреперларнинг оқилона юргизиш схемасини танлаш йўли билан уларнинг иш унумини ошириш мумкин. Грунтни йиғиб олиш вақтида чўмич тўла бориши билан скрепернинг тортиш қаршилиги орта боради, чўмич тўлишга яқинлашганида бу куч, деярли, икки марта (бошланишидагига қараганда) ортиб кетади. Шунинг учун, тортгич кувватидан бир текис фойдаланиши учун, чўмични тўлдириш вақтида грунтнинг қирқилиш қалинлигини ўзгартириб бориш керак. Дастлаб чўмични тортгиш қуввати йўл кўйиши мумкин бўлган максимал қалинликка ботириш ва чўмич грунтга тўла бориши билан қирқиш қалинлигини ҳам шундай ўзгартириб бориш керакки, натижада тортгич меъёрий юқда ишласин. Қирқилаётган грунт қалинлиги қанча валл бўлса, чўмич шунчалик яхши бўлади, чўмични батамом тўлдириш учун ўтиладиган йўл камаяди. Шунинг учун скреперни тортгич энг кўп тортиш кучига эга бўлиб, тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланаётган вақтда биринчи тезликда юклаш керак. Амалда скреперчи маълум вақт оралиғида чўмични вақт-вақти билан кўтариб-кўтариб боради. Бундан тупроқ олинадиган ер сирти поғонали бўлиб қолади, бундай қирқиш усулининг ўзи эса поғонали усул деб аталади (2.4.1-расм). Тажрибали скреперчилар грунтни кўпинча тароқсимон усулда қирқадилар (2.4.1-расм, 2). Бундай усулда қирқишда дастлаб чўмич тортгич куввати йўл кўядиган мумкин бўлган максимал чуқурликка ботирилади. Қўшимча қаршиликлар пайдо бўлиши билан чўмич олдинги ботирилган чуқурликнинг 0,8-0,9 қисмигача кўтарилади, сўнгра яна мумкин бўлган максимал чуқурликка ботирилади. Бу операция бир неча марта қайтарилади. Чўмич яхши тўлиши учун, баъзан скрепернинг ўртадаги пичноғи чеккадаги пичноқларга нисбатан 20 см олдинга чиқариб қўйилади. Ўртадаги пичноғи узайтирилган скрепер грунтни чуқурроқ қирқади. Бунда чўмичга грунт йиғила бошлаш вақтида далл пичноқлар ҳам грунтни қирқишда қатнашади. Чўмич тўлиб бориши билан қазиш чуқурлиги шундай камайтирилиб бориладики, натижада валл пичноқлар қирқишда иштирок этмайди.

Шу йўл билан қазишига бўлган қаршилик камайтирилади. Ёпишқоқ пластик грунтларни қазиши вақтида қирқилаётган қалин қатлам ушалмасдан пичоқ бўйлаб яхлит қалин тасма кўринишида чўмичга келади. Чўмичнинг орқа қисми грунтга тўлгандан сўнг, грунт унинг орқа деворидан ошиб кетиши мумкин. Грунт орқа девордан ошиб кетмаслиги учун чўмични қиска вақт ичида кўтариб, яна тезда дастлабки чукурликка тушириш керак. Бунда қирқилаётган қатлам қалинлиги турлича бўлиб чиқади ва у ингичкароқ жойидан синади. Қовушқоқлиги кам бўлган грунтларни қирқишида ҳосил бўлган қатлам яхлит бўлмайди. Шунинг учун, қирқилган қатлам чўмичга келиб ушалади ва ён томондаги калта пичоқлар ҳамда тўсиқ орасидаги тирқишидан тўкилиб кетади. Шу сабабли, қум ва қуруқ қумоқларни қазишида ён томондаги калта пичоқлар қаршисидаги олдинги тўскичга планкалар қўймасдан туриб узайтирилган ўрта пичоқлар ишлатилмайди.

Қовушқоқлиги кам бўлган грунтларни қазишида чўмични тўлдиришнинг хусусияти шундаки, грунтни қирқиш вақтида у уқаланиб кетади ва чўмич олдига призма шаклида тўкилиб фақат бир қисмигина чўмичга тушади. Скрепер ҳаракат қилганида грунт бу призмадан четга чиқиб, скрепернинг ён томонларида дўнглик ҳосил қилиб боради. Бундай шароитларда иш унумини ошириш учун «чўкиб» қирқиши усули тавсия этилади. Бунда скрепер пичоғи юриткичнинг турғун ишлашига мос келадиган чукурликка қараганда бир ярим икки марта чукурроқ ботирилади ва бутунлай чиқариб олинади. Бу операция скрепер чўмичи тўлгунча қадар қайтариб турилади. Агар қовушқоқлиги кам бўлган ва қовушқоқ бўлмаган грунтларда чўмични тўлдириш учун грунт олинадиган жой шароити йўл қўйса, скрепер бир жойнинг ўзидан бир неча марта ўтиши натижасида ҳосил бўлган ҳандақлардан юриб ўтиш яхшироқ натижада беради. Энсиз ҳандақнинг ён деворлари грунтнинг четга чиқиб кетишига йўл қўймайди ва қазиш ўрнида фақат сурилиш призмасидаги грунтнинг ўзигина қолади.

Катта ҳажмдаги кам қовушқоқ ва сочилувчан грунтларни қазиш керак бўлган ҳолларда скрепер чўмичига ён тўсиқлар қўйиш керак, бу тўсиқлар ундан грунтнинг четга чиқиб кетишига йўл қўймайди. Грунтни бир хил қалинликда қирқиши усули (2.4.1.-расм, а) текислаш ишларida қўлланилади. Грунтни бу усулда қирқишида скреперни бошқариш осон, лекин грунтни йиға бошлаш вақтида юритгичга деярли юқ тушмайди ва чўмични тўлдиришга кетадиган вақти ҳамда ўтиладиган йўл, ўзгарувчан қалинликда чўмични тўлдириш усулига қараганда икки-уч марта ортиқ бўлади. Кенг ва узун қазишида грунтни бир хил қалинликда, лекин турли кенгликда қирқиши йўли билан чўмич тўлдирилади. Бунинг учун шахмат усулини (2.4.2-расм) қўллаш керак. Бу усулда даставвал қазиш ўрнининг бир бошида бир неча параллел энсиз ҳандақлар қазилади, улар орасидаги масофа скрепер чўмичининг энидан икки марта кичик бўлади. Кейинги ўтишлар қолган дўнгликлар рўпарасидан бошланади, лекин чўмич дўнгликка етмасдан, шундай масофага тушиши керакки, натижада чўмич дўнгликка етиб келгунча ва дўнглик ҳисобига тўлсин. Скреперни бундай юргизиш йўли билан олдинги ўтишлардан ҳосил бўлган дўнглик олинади ва навбатдаги ўтишлар учун янгиси ҳосил қилинади. Қазиш ўрнининг бутун юзи бўйлаб бир қатлам олинганидан сўнг давр қайtарилади. Скрепер белгиланган қатнов маршрути бўйича мумкин бўлган максимал тезликда грунтни маълум жойга олиб бориб тўкиши ва грунт олинадиган жойга яна қайтиб келиши кеак. Узунлиги ва майдони валл бўлган тупроқ иншоотларини (ҳандақ, кўтарма, қазима, йўлларни) куришда скреперлар эллипссимон, саккизсимон, илон изисимон, кўндаланг-мокисимон ва бўйлама-мокисимон схемалар бўйича юриши мумкин (2.4.3-расм). Кичикроқ майдондаги энли ҳандақларни қазишида эллипссимон схема қўлланилади. Бунда скрепер фақат бир томонга айланиб, унинг юриш қисмини бир томонини ишдан чиқариши мумкин. Катта майдонли энли ҳандақларни қазишида саккизсимон схема яхши мос келади. Узун йўл иншоотларини қазиш бўлса, илон изисимон схема маъқул. Бунда фақат скреперлар гурухи (3-4та) ишлаши мақсадга мувофиқдир. Катта майдонли ҳандақни қазишида грунтни иккита жойдан қазиб олиб, иккита жойга тўкилса спиралсимон схема яхши натижада беради, кўтармаларни баландлиги 1,5м дан паст бўлса ва грунтни икки томонга тўкилса кўндаланг-мокисимон

схема қўлланилади. Агар кўтарма баландлиги 5-6 м бўлса бўйлама-мокисимон схема самаралидир.



расм. Скреперларни ҳаракатланиш схемалари:

а – эллипссимон; б – саккисимон; в – спиралсимон; г – илон изисимон (зиг-заг); д – кўндаланг мокисимон; е – бўйлама-мокисимон.

Бульдозерларда ер қазиш, уларни қўллаш соҳалари. Грунтни олиш ва қирқиши усуллари.

Бульдозерлар занжир ёки пневматик фидиракли бўлади, унинг иш органи сургич(отвал)нинг ўрнатилишига кўра икки хил бўлади: сургичи бурилмайдиган (оддий), яъни сургичи тракторнинг бўйлама ўқига доимо тик вазиятда ўрнатилган ва сургичи буриладиган (универсал) сургичи буриладиган бульдозерни горизонтал текисликда иккала томонга ҳам 50-60° гача ҳамда тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан 90°, баъзан эса тик текисликда ҳам иккала томонга 3-8° буриладиган вазиятда ўрнатиш мумкин.

Бульдозерлар ер қазишда ва захирадан олинган грунтни 100 м масофагача суриб кўтарма иншоотлар қуришда, қияликларни, қурилиш майдончалари, йўллари ва шу кабиларни текислашда ҳамда бошқа ёрдамчи ишларни бажаришда қўлланилади. Грунтни қазиш ва суриш технологик жараёни қирқиши, суриш ва ўйиб қўйиш операцияларидан ҳамда бульдозернинг яна дастлабки жойига қайтиб келишдан иборатдир. Горизонтал майдонда грунтни қирқиб олишда грунт қуруқ ва қаттиқ бўлса поғонали схемани қўллаб ва грунт юмшоқ ҳамда намроқ бўлса, понасимон схемани қўллаб, дастлаб пичоқни иложи борича чукурроқ ботириш керак (2.5.1-расм). Поғонали усулнинг моҳияти қўйидагидан

иборат: олдин сургич имкони борича максимал чүкүрликка ботирилади, сүнгра қисман күтарилади ва яна юритгич қувватига қараб максимал чүкүрликка ботирилади. Бу иш ҳар валл қирқиши чүкүрлигини ва узунлигини камайтира бориб, бир неча марта қайтарилади. Понасимон усулда қирқишида даставвал (сургичда грунт йўқ ва суриш кучининг ҳаммаси фақат қирқишига сарфланади) сургич максимал чүкүрликка ботирилади. Грунтнинг тўплана бориши ҳамда уни суриш қаршилигининг орт бориши билан юритгич тўхтаб қолмаслиги учун сургични аста-секин кўтариб бориш керак. Механик таркиби оғир зич грунтларни қазишида сургич аста-секин ва нисбатан камроқ чүкүрликка ботирилиши керак.

Грунтларни текислашда түгри бурчакли қирқишиң усулида ер қазиши ишләри бажарилади. Бульдозерларнинг харакатланиш схемалари учга бўлинади: түгри чизиқли, эгри чизиқли ва илонизи (зиг-заг)симон (2.5.2-расм). Ҳар бир схеманинг ўзига яраша қўлланиш соҳаси мавжуд. Ер қазиши ишларини бажариш учун бульдозерни турини манлашга қўйидаги омиллар сабаб бўлади:

- иншоотнинг четки ўлчамлари;
 - грунтни тури ва унинг тавсифи;
 - грунтни қазиш узоклиги;
 - ер қазиш ишларининг ҳажми ва уларнинг бажарилиш муддати.

Грунтларни ташиш усуллари. Ер қазишиларидан ҳавфсизлик техникаси.

Графикни танланган түгри белкуракли экскаваторга хизмат қиладиган ЗИЛ-ММЗ-555 ўзи түкар машина учун тузамиз. Абсциссалар ўқида вақтни минутлрда белгилаймиз, ординаталар ўқида эса ихтиёрий масштабда транспортлаш масофани $Z=3\text{км}$ ни белгилаймиз.

Соат 8⁰⁰да экскаватор ишни бошлайди ва уни машина забойига юклатиш учун қўйилади. Юкланиш вақти ю=4,68мин. сўнг машина тупрокни ағдаришга қатнаш вақти $\frac{21}{2} = 10,5$ (кулайлик учун машина ағдарма томонга харакати ва у ердан қайтиш вақти бир


хил ҳисобланади) ичидә ташийди. Ағдарма жойида машина 1,6мин. да (t_a) бўшатилади, сўнг 10,5мин. Да орқага забойга қайтади, у ерда $t_m=1,25\text{мин}$. маневр қиласи ва қайта юкланишга турди. Шу вақт ичидә $t_k + t_a + t_m = 21 + 1,6 + 1,25 = 23,85$ минут ичидә забойда 5та қолган мшина бирин-кетин юкланиб жўнаб кетиши керак.

5та ўзи түкәр машинаны юқлатып вакти $t_{\text{оп}} = 5,68 \cdot 5 = 23,4$ мин. га тенг бўлиши керак.

Шунинг учун ю-ни тузатма таҳрири қиласиз:

$$23,35 - 23,4 = 0,45 \quad 0,45 : 5 \text{ маш.} = 0,9 \quad t_{\text{оп}} = 4,68 + 0,09 = 4,77 \text{ мин} \quad \text{деб қабул қиласиз.}$$

Машина тупроқни түкиш учун соат $(8^{00}+4,77+10,5)$ 8 дан 15,27 мин. ўтганда келади ва 1,6мин. давомида тупроқни түкади сүнг соат $(8-15,27\text{мин}+1,6\text{мин})$ 8 дан 16,87мин ўтганда орқага ҳаракат қилишни бошлиайди. Соат 8 дн 27,37 минут ўтганда машина ҳандакга қайтади. 1,25мин маневр қилди ва яна юкланишга туради.



Бта ЗИЛ ММЗ-555 ўзи тўқар машиналарнинг ҳаракатланиш графиги.

ЎЗИ ТҮКАР МАШИНАЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШ ГРАФИГИ

Ер қазиши ишларини бажаришда хавфсизлик техникасига риоя қилинмас, ер остида жойлашган сув, газ қувурлари ва электр тармоқлари заарланиши мумкин.

Ер остида жойлашган муҳандислик тармоқларига заарар келтирмаслик учун, ишларни бошламасдан олдин, тармоқлардан фойдаланувчи идора бошликлари билан келишиб, уларнинг рухсати олиниши зарур. Ер ости тармоқлари жойлашган чегарада ер қазиши ишларини ниҳоятда эҳтиётлик билан бажариш лозим, бу ерда лом, чўқич, тўқмоқ, пона, экскаватор чўмичи каби ерни зарб билан қазийдиган асбоб ва механизмларни ишлатиб бўлмайди. Қазиладиган ернинг чегаралари таҳталар билан тўсиб қўйилиши, кечаси эса ўрнатилган қизил чироқлар ёқиб қўйилиши лозим. Белкурак ва шу каби бошыя асбоблар билан тескари қиялик ёки ғор шаклида қазиш тақиқланади.

Техника хавфсизлиги қоидалари бўйича тўлиқ маълумот ҚМҚда келтирилган, унга риоя қилиш мажбурийдир.

Назорат саволлари:

- 1.Кўп чўмичли экскаваторлар ёрдамида бўйламасига ва қўндалангига грунтларни чўмичлаб қазиш, уларни қандай қўлланиш соҳалари бор?
- 2.Скреперлар ёрдамида ер қазиши ишлари технологияси нималардан иборат?
- 3.Бульдозерларда ер қазиш, уларни қўллаш соҳалари. Грунтни олиш ва қирқишининг қандай усувлари бор?
- 4.Грунтларни ташиш усувлари. Ер қазиши ишларида хавфсизлик техникаси нималардан иборат?

Машғулотнинг услугбий таъминоти:

- 1.Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
- 2.Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ).
- 3.Ягона меъёр ва нарҳлар (ЯМвАН).

5 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

5-мавзу	Тош - ғишт териш жараёнлари технологияси
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
<i>Маързуа режаси</i>	<ol style="list-style-type: none">1.Ғишт териш ишларининг вазифаси ва терилган ғиштларнинг турлари. Ғишт теришда қўлланиладиган тошлар ва қоришмалар;2.Ғишт теришдаги асосий қоидалар.3.Ғишт теришда чокларни боғлаш системаси ва уларнинг иш унумдорлигига таъсири.

Таянч иборалар:

Ғишт, тош, конструкция, қоришмалар, тош-ғишт, терим, териш усувлари, асосий қоидалар, чоклар, боғлаш, системаси, иш унумдорлиги, қатор, верста, штраба, кўп қаторли, қулф-калит, уч қаторли ва ҳакозо.


Ғишт териш ишларининг вазифаси ва терилган ғиштларнинг турлари. Ғишт теришда қўлланиладиган тошлар ва қоришмалар;

Ишлатиладиган ашёсига қараб, ғишт-тош териш қуидаги хилларга бўлинади:

- Харсанг тошдан – турли жинсдаги нотўғри шаклли тошлардан (оҳактош, қумтош, гранит ва бошқалар) териш. Бундай тошлардан асосан кам қаватли биноларнинг пойдеворлари терилади.
- Силлиқланган тошдан териш, бунда тош теришдан аввал ишлов берилади ва тўғри шаклга келтирилади. Бундай тошлар цоколь қаватларини қуришда, бошқа ашёлардан қурилган бино деворларини қоплашда ишлатилади.
- Ковак керамик ва шлак-бетон тошлардан териш;
- Йирик ғиштин блоклардан териш;
- Оддий ғиштдан териш.

Ғиштнинг стандарт ўлчамлари уни териш қоидаларига мосланган бўлади. Ғиштнинг узун ён томони ёнбоши, қисқа ён томони эса қалта ёни дейилади.

Ёнларнинг кесишув чизиқлари қирра деб аталади. Ғиштлар девор бўйлаб узунасига терилса - бўйлама қатор кўндалангига терилса - кўндаланг қатор дейилади (3.1-расм, а). Терилган ғиштларнинг ички ва ташки қаторлари *верста* деб, икки верста орасига терилган тош ва ғиштлар эса *тўлдирувчи қатор* (забутка) дейилади. Ғишт териш пайтида қоришма тўлдириладиган оралиқ *чок* (шов) дейилади. Чоклар горизонтал ва вертикаль ҳолатда бўлиши мумкин. Вертикаль чоклар ўз навбатида бўйлама ва кўндаланг чокларга бўлинади. Ғишт деворларида горизонтал чокнинг қалинлиги 10-12мм дан, вертикаль чокнинг қалинлиги 10мм дан ошмаслиги керак, агар девор суваладиган бўлса, у ҳолда сувоқ катлами деворга яхши ёпишиши учун ташки чокларнинг бир қисми (10-15 мм чуқурликда) очиқ қолдирилади. Ғишт қаторларининг бу хилда терилишига **очиқ чокли усул** дейилади. Агар девор сувалмайдиган бўлса, у ҳолда қоришма девор сиртига текис чапланади. Чокдан қалқиб чиққан қоришма куракча билан деворга текислаб қириб олинади. Шунинг учун ҳам ғишт теришнинг бу тури **қирма усул** дейилади. Чокларга ҳар хил пардоз бериш мумкин. Бунда маҳсус чоклагич асбоб билан қавариқ ва бошқача шакллар бериш мумкин. Ғишт териш элементларидан бири иш тўхтатилган жойлардаги **штраблардир**. Штраблар ғишт теришни давом эттирганда янги жисм аввал терилган қисмiga қулф-калит бўладиган қилиб қолдирамиз. Керак штраблар зинасимон ва вертикаль килинади (3.1-расм б, в).



3.1, а -расм. Ғишт девор элементлари:

1-вертикаль бўйлама чок; 2 – кўндаланг вертикаль чок; 3, 7-фасадлар;

4-кўндаланг ён томон; 5-ғиштнинг устки юзаси; 6-бўйлама ён томон; 8-кўндаланг қатор; 9-бўйлама қатор; 10-ташқи верста; 11-ички верста; 12-ўрта тўлдириладиган қатор; 13-горизонтал чок(ёйилган қоришма)

Ғишт териши деганда, ғишт ёки табиий тошлар, блокларни маълум қоида бўйича териб девор қуриш тушунилади.

Қоришманинг кўтариб туриш хусусияти қуийдаги омилларга:

Қоришманинг маркасига боғлиқ. Паст қоришмадан ҳосил бўлган чоклар юк таъсирида деформацияланади. Юқори маркали қоришма бундай ўзгаришга кам учрайди.

Чоклар қалинлигига боғлиқ. Чокларнинг қалинлиги меъёрдан ортиқ бўлганда деворнинг мустаҳкамлиги камаяди. Бунга сабаб шуки, чокдаги қоришма деворга ишлатилган ашёга қараганда кўпроқ тоб ташлайди. Чоклар керагидан юпқа бўлганда ғиштлар ва тошларнинг нотекис юзалари бир-бирига тегади. Бундай жойларда ғиштлар эгилиб, деворнинг кўтариб туриш қуввати пасаяди. Чокларнинг зичлигига боғлиқ. Қоришма пластик (стандарт) конуснинг чўкиши 8-14 см бўлганда чокларнинг қалинлиги бир хил чиқади. Ётқизиладиган ғиштларнинг қоришма қатламига дастлабки ботишида ёқ чоклар зичлашиб, деворнинг мустаҳкамлиги ортади.

Ғишт теришдаги асосий қоидалар.

Ғиштларни териши қоидаларида қўйидағилар кўзда тутилган:

ғишт, тош, бошқа ашёларни таъсири этувчи кучларга нисбатан тик жойлашган горизонтал қаторлар ҳосил қилиб ётқизиш;

ғиштлар орасида кўндаланг ва бўйлама чоклар ҳосил қилиш;

кўшни қаторларнинг вертикал чокларини бир-бири тўғрисида жойлашмайдиган қилиб силжитиши (ўзаро боғлаш);

ғишт қаторларини боғлаш учун кўндаланг ётқизиб терилган ғишт қаторлари бўйлама ётқизилган қаторлар билан навбатлашиши, бошқача қилиб айтганда, ғиштлар бир қаторда кўндаланг ва навбатдаги қаторда узунасига ётқизилиши лозим.

Ғишт теришда чокларни боғлаш системаси ва уларнинг иш унумдорлигига таъсири.

Ғиштларнинг чоки боғланмасдан устма-уст терилса, ғишт устунига вертикал йўналишда таъсири этувчи юкнинг оғирлиги фақат шу устуннинг ўзигагина тушади. Бу юк кўшни устунларга таъсири этмайди ва энг четдаги устун бошқаларга нисбатан қийшайиб девор бузилиши мумкин. Шунинг учун ғишт қаторидаги вертикал чокларини устки қатордаги ғиштлар билан боғлайдиган қилиб терилади.

Терилган ғишт чокларини битта ҳам қолдирмай боғлаб чиқиш учун бутун ғиштлар билан бир қаторда чоракам битталик, яримталик ва чоракталик ғиштлар ишлатилади. Бундай ғиштлар деворларини учрашиш ва кесишиш йўли билан ҳосил қилинади.

Чокларни боғлаш усули ғишт териш бўйича бир неча тизим (система)ларга бўлинади:

Бир қаторли ёки қулф-калит;

Кўп қаторли;


Уч қаторли (устун ва оралиқ деворлар учун).

Кулф-калит тизими (системаси) да бўйлама ва кўндаланг қаторлар навбатма-навбат такрорланиб терилади. Бунда ҳар бир қатордаги вертикал кўндаланг чоклар 1/4 ғиштга, вертикал бўйлама чоклар 1/2 ғиштга бостирилади. Кулф-калит тизимида асосан уч қоидага амал қилинади:

а) Девор бурчакларидаги ғиштларни теришда биринчи томондаги қатор кесиб ўтганда, иккинчи томондаги қатор туташади. Кейинги устки иккинчи қатордаги ғиштларни терганда туташган қатордагилар кесиб ўтади.

б) Деворнинг бурчакларидан бошлаб териладиган ғиштлар чоракам битталиклардан бошланади.

в) Кесиб ўтадиган қатордаги ғиштлар бўйламасига терилиб туташадиган қатордаги ғиштлар кўндалангига терилади (3.1-расм, и).



6.3-расм. Яхлит деворларни териш тизимлари:

а – бир қаторли боғлаш; б – кўп қаторли боғлаш; в – уч қаторли боғлаш;

5 - илова

Назорат саволлари:

1. Фишт териш ишларининг вазифаси ва терилган фиштларнинг қандай турлари бор? Фишт теришда қўлланиладиган тошлар ва қоришмалар қандай бўлади?
2. Фишт теришдаги асосий қоидалар нималардан иборат?
3. Фишт теришда чокларни боғлаш системаси ва уларнинг иш унумдорлигига таъсири нималарга боғлиқ?

6 - илова

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Курилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўкув қўлланма. 2000.
2. Курилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК).
3. Ягона меъёр ва нарҳлар (ЯМваН).

6 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

6-мавзу	Фишт териш учун қоришмаларни ташиш. Ҳавоза ва сўрилар.
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
Маързуза режаси	1.Фишт териш учун қоришмаларни ташиш. Ҳавоза ва сўрилар; 2.Фишт теришда қўлланиладиган асбоб ва мосламалар. 3.Фишт териш жараёнининг таркиби; 4.Фишт терувчининг иш жойини ташкил этиш.

Таянч иборалар:

Коришма, ташиш, ҳавоза, сўри, асбоб, мослама, териш, иш жойи, кўп қаватли, тортқи, устун, шарнир-панелли, кельма, болғача, шовун, режа-чўп, пардозлагия, кошинлаш ва бошқалар.

Фишт териш учун қоришмаларни ташиш. Ҳавоза ва сўрилар;

Тайёр коришма ўзи тўкар машина, автоцистерналарда ташилади. Коришмани асфальт йўлдан 10-12 км дан хам узокроқ жойга ташиганда унинг оғир таркибий кисмлари пастга чўкиб, енгиллари юқорига чиқади, яъни коришма қатламланади, шундай ҳолларда коришмани ишлатилиш олдидан яна кориштириш керак.

Курилиш майдончасига келтирилган коришма уни қабул қиласиганда ташилади. Бу курилма тунукадан пайвандлаб

ясалиб, арқонлар ёрдамида чорчўпга осиб қўйилган идишдан иборат. Қурилманинг парракли вали бункерга бўшатилган қоришмани қориштириб, сўнгра очиб-ёпиладиган сектор бекитгич тешиги /затвор/ орқали ташқарига чиқаради. Қоришма тўлдирилган идишлар ғиши терувчининг иш ўрнига кран ёрдамида етказиб берилади.

Қоришма тайёрланадган қуруқ аралашма цемент ташиладиган машиналарда, бункерларда, юк автомобилларининг ўзида ёки идишларга жойлашган ҳолда исталган масофага ташилади. Кўтарилаётган девор баландлиги бир ярус (1,2 м) бўлгач, ғиши терувчи устанинг иш ўрни ҳам баландроқ кўтарилиши, лекин терилган икки қатордан пастроқда бўлиши лозим. Шу мақсадда сўри ёки ҳавоза деб аталадиган муваққат қурилмалардан фойдаланилади (3.12-расм).

Сўри ораёпмага ўрнатилади ва бинонинг бир қавати баландлигидага ғиши теришга мўлжалланган бўлади;

Ҳавозалар текисланган ерга ётқизилган тагликларга таяниб туради ва бинонинг ҳамма қаватлари ғишини териш мақсадида фойдаланилади. Сўри ва ҳавозалар ўрнатиш, уларни қисмларга ажратиш ва ташиш учун қулай бўлиши, хавфсизлик техникиси талабларини қондириши ва кўп марта фойдаланишга ярайдиган, яъни инвентарь бўлиши лозим. Ғиштлар пакети ва қоришма солинган яшиклар сўрилар устида ва ҳавозалар тўшамасида иш ўрни ташкил этиш типовий схемаларига мувофиқ равища жойлаширилади. Сўри ва ҳавозаларнинг усталар жойлашиб оладиган тўшамасига уста билан асбобнинг жами массасига, яъни тўпланган 1300 Н юкга ҳамда териладиган ашёлардан тушадиган – бир текисда тақсимланадиган 2500 Н/м^2 юкга мўлжалланган бўлади. Кўп қаватли бино деворлари ғишини теришда қуйидаги сўрилардан фойдаланилади:

- шарнир-панелли сўрилар – уч бурчакли металл таянчларга шарнирли бириктирилган тахта тўшамадан иборат. Учинчи ярус ғиштларни териш учун сўри кран ёрдамида баландроқ кўтарилади, шунда сўрининг таянчлари тик ҳолатни эгаллайди;
- ўзи ўрнашадиган пакетли сўри – таянч тумбаларга шарнирли бириктирилган тахта тўшамадан иборат, тик ҳолатни эгаллайди;
- кўчма сўри-майдончалар – металл таянч тумба, тахта тўшама ва тўсиқлардан иборат. Ташқи деворлар, зина саҳнлари пешайвон ғиштларини теришда ҳамда кичикроқ хоналарда ишлаганда фойдаланилади;
- тахта супалар ғиши териш учун қулай баландликда туриб ишлашга мўлжалланган;
- гидравлик юритмали елкали сўри – майдончаси ташқи ричагларга таяниб туради ва атрофи тўсилган бўлади. Бундай сўрилар гидравлик юритма ёрдамида 3,5 м гача баландликка узлуксиз равища кўтарилаверади;
- сўри майдонча – устига тахталар тўшалган пўлат рама ва тўсиқлардан иборат; зина саҳнининг ташқи деворини тиклаш вақтида ишлатилади.

Сўри ва ҳавозаларнинг техник таърифи 3.2-жадвалда берилган.

Гиши териш ва кошинлаш ишларини бажаришда ҳавозаларнинг қуйидаги хилларидан фойдаланилади:

трубали болтсиз ҳавоза – устун ва харилардан иборат фазовий синч кўринишида. Устунлар тагликларга ётқизилган бошмоқларга маҳкамланади. Уларнинг ўзаро боғловчи хариларнинг учларида илмоқлари бор; мазкур илмоқлар устунларнинг маҳсус тешикларига кириб туради. Тахта тўшамалар харилар устига ётқизилади ва атрофи панжара-тўсиқ билан қуршалади. Терилаётган ғиштнинг баландлиги орта борган сари ҳавозаларнинг устунлари узайтирилиб, харилар ёрдамида ўзаро боғланади, тўшама баландроқса кўтарилади. Диагонал тортқилар (бурчакларда узунлик бўйича 25-30 м оралатиб бириктирилган) девор ғиштлари орасида қўйиб қолдирилган анкерлар билан бирга ҳавозаларнинг турғунлигини таъминлайди. Ҳавозаларнинг тузилиши баландлиги 40 м гача бўлган деворлар қуришга мўлжалланган;

белбоғ ёрдамида бириктирилган ҳавозалар белбоғлар ёрдамида ўзаро бириктирилган устун ва харилардан ташкил топган. Ҳавозаларнинг тузилиши устунлар қадамини

ўзгартиришга имкон беради. Режадаги шакли мураккаб бўлган биноларни қуришда ёки нишаб майдончага иморат солишида бу жуда катта қулайлик туғдиради.

Ғишт теришда қўлланиладиган асбоб ва мосламалар.

Звено таркибиға қараб, ғишт терувчилардан тегишли асбоб-ускуналар тўплами бўлиши керак (3.1-жадвал). Звенолар ишнинг айтиб ўтилган тартиби звено таркибида тегишлича ғишт терувчилар бўлганда ишчилар меҳнатини ташкил қилишининг принципиал схемасидан иборат. Амалий ишлаб чиқариш шароитига ва қўтариладиган терим характеристига қараб бу схема ўзгариши мумкин. Ҳозирги вақтда асосий ғишт-тош ишлари бўйича ишларни бажаришнинг энг самарали усувлари ўрганилган ва меҳнат жараёни хариталари ишлаб чиқилган.

Ғишт терувчининг асбоб-ускуналари.


3.1-жадвал

Куролла	Зено				
	Икки кишилик	Уч кишилик	Тў рт кишилик	Бе шилик	Ол ти кишилик
Кельма, дона	2	2	2	3	3
Коришка болғачаси	1	2	2	3	3
Болғача-теша, дона	2	2	2	3	3
400 ва 600 г ли шовунлар компл.	1	1	2	2	2
Ватерпас, дона	1	1	1	2	2
Чок текислагич, дона	1	1	2	2	2
Буклама метр, дона	1	1	2	2	2
Режачўп, дона	1	1	2	2	2
Ёғоч гўния, дона	1	1	1	2	2
3 мм ли эшилган режа ип, м	30	45	50	50	50

Ғишт териш вақтида фойдаланиладиган сўриларнинг техникавий таърифи

3.2-жадвал

Номи	Ишлатиш соҳаси	Баландлиги, м		Тўшама-нинг кенглиги м	1m ² га йўл кўйилади -ган юк, Н
		II- ярусни куриш учун	III-ярусни куриш учун		
Шарнир-панелли сўри	Кўп қаватли бино-ларда девор, устун ва деразалар ора-лиғи ғиштларини териш учун	1,1	2,05	2,5	
Ўзи ўрнашадиган пакетли сўри		1,0	1,95	2,5	4000
Узлуксиз кў-тариладиган пишангли сўри		0,66	4,5	2,6	
Кўчма курси сўри	Тор жойда ишлаш учун	1	-	2	3000
Тахта май-донча сўри	Зина саҳнининг ташки деворини куриш учун	-	-	15	3000
Тахта супа-сўри	Гишт терувчи устанинг энг кулай (баландликда) жойида ишлаши учун	0,5	0,5	-	1000



13.3-расм. Ғишт териш учун ҳавоза(сүри):

- а – құвурли; б – болтсиз ҳавозаларні маңкамлаш түгүни; 1-остқўйма;
- 2-бошмоқлар; 3-устунлар; 4-тўсинлар; 5-илмоқ тушадиган құвурча; 6-илмоқ; 7-тўсиқ; 8-ишичи түшама

Ғишт теришда ишлатиладиган мослама ва асбоблар (3.12-расм)

Ғишт териш жараёнининг таркиби; ғишт терувчининг иш жойини ташкил этиш

Ғишт териш жарёни бир неча иш операцияларидан иборат ва қуидагича бажарылади:

- а) қориshmани ётқизищ;
- б) ғиштларни қоришма қатламига қўйиш;
- в) терилган қаторларнинг горизонталлигини ва вертикаллигини текшириш;
- г) сувалмайдиган фасадларда горизонтал ва вертикал чокларни пардозлаш;

Ҳар бир операцияга мукаммал асбоб инвентарь ва мосламалардан фойдаланиш ғишт терувчиларнинг иш унумини анча оширади. Асосан қуидагилар ишлатилади:

Кельма (махсус куракча) қориshmани ёйиш, чокларни тўлдиришда ва ортиқча қориshmани сидириб олишда ишлатилади. Қоришма кураги қориshmани яшикда аралаштириб, девор устига солишда ишлатилади. Пардозлагич чокларга ҳар хил шакл беришда ишлатилади. Болғача ғиштни синдириш ва текислаш учун ишлатилади. Шовун (отвес) деворнинг вертикаллигини текшириш учун ишлатилади. Уровень (шайтон) – деворни горизонталлигини текширади. Режачўп (порядовка) – девор ғиштлари ва улар орасидаги чоклар ўлчамларининг бузилмаслигини текшириш учун 3-3,5 м узунликдаги ёғоч ёки металл рейка. Металл режачўп пўлат бурчакликдан ишланади. Режачўпда ҳар 77 мм да белги қўйилган. Режачўп вертикал ҳолда девор бурчакларига ёки ўрталарига қўйилиши мумкин. Режачўп ип (причалка) – йўғонлиги 3 мм бўлади. Ғишт қаторини тўғри ва горизонтал бўлишига ёрдам беради. Режа ип ушлагич (скоба)га маҳкамланади. Ғишт терувчининг иш жойини ташкил этиш. Ғишт терувчи усталар меҳнатини ташкил этишни умумлашган (типовий) схемалари (3.10-расм) мавжуд. Ғишт терувчи устанинг иш ўрни - ғишт териладиган жой билан деворбоп ашёларни ўз ичига оладиган жой. Иш ўрнининг кенглиги 2,5 – 2,6 келади;

бунинг 0,6-0,7 метри – иш худуди (уста ишлайдиган жой);

1,0-1,6 метри ашёлар тахланадиган жой;

0,3-0,9 метри – ўтиш жойи;

деворбоп ашёлар тахланадиган жойлар;


Яхлит деворлар олдига (3.10-расм, а) ғиштлар сопол блоклар тахланган таглик қориshmали яшиклар билан навбатма-навбат жойлаштирилади;

дераза ва эшик ўрни қолдириладиган девор ғиштларни теришда (3.10-расм, б) - ғиштлар деразалар оралиғи тўғрисига тахланади, қоришма яшиги эса дераза ўрни тўғрисига қўйилади;

Гишт териш ва кошинлаш ишлари бир йўла бажарилганда барча ашёлар қаторлаб кўйилади, қаторда ғиштлар билан кошинлар ва қоришка яшиклари навбатма-навбат жойлаштирилиши лозим;

енгиллаштирилган девор ғиштларини териш вақтида ғиштлар бўшлиқларга тўлдириладиган ашё солинган идишлар ҳамда қоришка яшиклар навбатма-навбат жойлаштирилади;

устунлар ғиштини териш вақтида ғиштлар устанинг чап томонида ва қоришка яшиги ўнг томонида бўлиши лозим. Ашёлар тахланадиган жойда қоришмали яшикларнинг узун томони деворга кўндаланг кўйилиши керак, шунда меҳнат анча тежалади.



3.10-расм. Ғишт терувчиларнинг иш ўрнини ташкил этиши:

а – деворнинг биринчи ярусини теришда; б – деворнинг иккинчи ярусини теришда; в – девор бурчакларини теришда.

Назорат саволлари:

1. Ғишт териш учун қоришмаларни ташиб қандай амалга оширилади?
2. Ҳавоза ва сўрилар қандай ўрнатилади?
3. Ғишт теришда қўлланиладиган қандай асбоб ва мосламалар бор?
4. Ғишт териш жараёнининг таркиби қандай аниқланади?
5. Ғишт терувчининг иш жойини қандай ташкил этилади?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўқув қўлланма. 2001.

7 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

7-мавзу	Девор конструкциясига ғишт қўйиш усуллари ва уларнинг меҳнатини ташкил этиши.
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
Маързуа режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Девор конструкциясига ғишт қўйиш усуллари. 2. Ғишт терувчилар меҳнатини ташкил этиши. 3. Мураккаб конструкцияли деворларни териш. 4. Аркасимон деворларни териш 5. Ғишт теришда техника хавфсизлиги қоидалари.

Таянч иборалар:

Девор, ғишт, усуллари, меҳнатни ташкил этиш, мураккаб, уста, чоклар, суриш, қисиб териш, сувалмайдиган, чок пардози, учлик звено, қоришка, малака, дераза ўрни, тепадор, понасимон, аркасимон, гумбазлар, сўрилар, ҚМҚ, девор усти ва ҳаказо.

Девор конструкциясига ғишт териш, қўйиш усуллари

1. Ғиштларни териш усуллари қоришманинг пластиклик даражасига девор сиртининг сифатига қўйиладиган талабларга қараб танланади ва ғишт терувчи устанинг

иш унумига таъсир этади. Ғишт териш усуллари тўртта бўлиб, ўз қўлланиш соҳаларига эгадир (3.1-расм, г,д,е).

Ғиштларни (қисиб) териш усули (3.1-расм, г) қўлланилганда дағал қоришмадан фойдаланилади, чунки бунда девор юзига қаратилган қаторлардаги чоклар зич тўлдирилган бўлиши лозим.

Ғишт териш жараёни қуйидаги операцияларни ўз ичига олади:

а) ётқизилган қоришмани куракча билан текислаб, бир неча ғишт учун тўшама қатлам тайёрланади, бу қатлам девор четидан 1 см қочириб ётқизилиши лозим;

б) қоришма ётқизилган ғиштнинг тик қиррасига куракчанинг ёни билан кураб тўпланади;

в) ғишт қоришманинг устига чап қўлда ётқизилиб, илгари ётқизилган ғиштга тақалади, куракча ўнг қўл билан юқорига тортилади;

г) ётқизилган ғиштни қўл билан босиб ёки куракчанинг дастаси билан секин-секин уриб қоришма қатламига чўктирилади;

д) бир неча ғишт ётқизилгач, чоклардан ситилиб чиқсан ортиқча қоришма куракча билан сидириб олинади. Ғиштларни суриб териш усули (3.1-расм, е) – девор сирти қаторларидаги чокларни чала тўлдиришга йўл қўйилган ҳолларда (пластик қоришмада) қўлланилади.

Ғишт териш жараёни қуйидаги операцияларни ўз ичига олади:

а) қоришма қатлами девор четига 2-3 см етказилмайди;

б) ғишт қия ушланади, қоришма қатлами ғиштнинг қирраси билан илгари ётқизилган ғишт томон сурилади;

в) ғишт силжитилади, сўнгра тўғриланиб, илгари ўрнатилган ғиштга тақаб ётқизилади;

г) ғиштни қўл билан босиб, зарур қалинликда чок ҳосил бўладиган даражада қоришмага ботирилади (3.7-расм).

Девор ғиштлари шу усулда терилганда уста куракчадан фойдаланмайди, бироқ бундай деворнинг сиртини суваб пардозлаш талаб қилинади. Суриш усулда ғишт теришни машхур ғишт терувчи **Ф.И.Мальцев** ишлаб чиқсан. Бу усулда қоришмани сидириб ва текислаб ўтирилмайди. Шу туфайли ғишт терувчини меҳнат унуми 20%-25% ошади. Бу усулда ғишт теришда суюқ қоришма ишлатилади. 3-усул горизонтал ва вертикал чокларни тўла ҳолда бажаришда ишлатилади. Бу усул қисиши ва суриш усулининг ўртачаси деса бўлади. Ғиштларни суриб териб, ортиқча қоришмани сидириб олиш усули (3.8-расм) – бунда девор сиртидаги чоклар тўлиқ бўлиши талаб қилинганлигидан пластик қоришма ишлатилади. Ғиштларни бу усулда териш жараёни қуйидаги операцияларни ўз ичига олади:

❖ қоришма қатлами девор четига 1 см етказилмайди;

❖ ғиштни қиялатиб ушлаб, унинг қирраси билан қоришма қатлами илгари ётқизилган ғишт томон сурилади;

❖ ғишт силжитилиб ва тўғриланиб, илгари ўрнатилган ғиштга тақаб ётқизилади;


❖ ғиштни қўл билан босиб ёки унга куракчанинг дастаси билан енгилгина уриб, зарур қалинликда чок ҳосил бўладиган қилиб қоришмага чўктирилади;

❖ чоклардан ситилиб чиқсан ортиқча қоришма куракча билан сидириб олинади.

❖ 4-усул ярим суриш усули асосан (забутка)ни теришда ишлатилади.


Ғиштларни суриб териб, қисман очиқ чоклар ҳосил қилиш усули ҳам бор. Бу усул тўлдирма қаторлар ҳосил қилинадиган ҳолларда қўлланилади. Аввал қоришма текис қатлам қилиб ётқизилади, сўнгра ғиштлар икки қўллаб терилади, вертикал чоклар тўлиши учун қоришма ғиштнинг қирраси билан сурилади ва ғишт девор юзига қараган сиртқи қатор билан баб-баробар қилиб, қоришмага босиб чўктирилади. Чокларни пардозлаш девор конструкциясига боғлиқ. Ғиштин деворларнинг кейинчалик суваладиган сиртидаги чоклар қисман тўлдирилмайди. 1-1,5 см чуқурлиқдаги қисми очиқ қолдирилади (3.9-расм, а); бу сувоқ қатламининг девор сиртида маҳкам ушланишини таъминлайди.

Сувалмайдиган девор чокларига қоришка девор сирти билан баробар қилиб түлдирилади (3.9-расм, б). Бино фасадининг аввал вертикал чокларига, сўнгра горизонтал чокларига пардоз берилади (3.9-расм, в,д). Чок пардозининг тури лойиҳада кўрсатилган бўлади. бино деворлари ёзда қурилганда одатда чокларга бўртма шакл, қишида қурилганда эса ботик шакл берилади. Ғиштли деворлар чокларининг қалинлиги меъёrlанади: горизонтал чоклар учун 12 мм, вертикал чоклар учун 10 мм бўлади.



3.1-расм. Қоришмані қисиб териш:

а – кўндаланг қатор; б – бўйлама қатор; 1 ... 4 – ишларни бажарилиш тартиби



3.1-расм. Қоришмані суриш усулида териш: а – кўндаланг қатор;
б – бўйлама қатор; 1 ... 3 – ишларни бажарилиш тартиби

2. Ғишт терувчилар меҳнатини ташкил этиш.

Ғишт терувчи усталардан звенолар тузилади, звенолар бригадаларга бирлашади; звенолар икки, уч, тўрт ва беш кишидан иборат бўлади.

Икки кишилик звено 2- малака даражали битта ёрдамчи ишчи ва 4 ёки 5-малака даражали етакчи устадан ташкил этилади. Уларнинг ҳар иккаласи ташки ва ички қаторни териш учун режа иплар тортади. Ёрдамчи ишчи ғишт узатади, уларни тахтайди ва қоришка ёяди; етакчи уста эса деворнинг ташки четки қаторини теради.

Ғишт терувчилар деворнинг ички четки қаторини теришда ҳам тартибда ишлайдилар, лекин бунда тескари йўналишда ишлайдилар. Бунда ёрдамчи ишчи оралиқ қатор ғиштларини ётқизади. Деворнинг деразалари орасидаги қисмини қураётганда ёрдамчи ишчи дераза ораликларидан бирига ғишт тахтайди ва қоришка ётқизилади, шу пайт етакчи уста бошқа дераза оралигининг ғиштларини теради. Сўнгра улар жойларини алмашадилар ва ишни шу тарзда давом эттирадилар. Икки кишилик звено кўп деразали, қалинлиги 1,5 ғиштдан ошмайдиган девор, устунлар ҳамда пардадеворлар ғиштларини теришади. Уч кишилик звено ғишт терувчи учта устадан тузилади: улардан бири 4-5 малака даражали етакчи уста ва қолганлари 2-3 малака даражали ёрдамчи усталардир.

Етакчи уста четки қаторларни теради ва теримнинг тўғрилигини текшириб боради. У девор устига ғишт кўйиб, қоришка ёйиб борадиган ёрдамчи уста кетидан ғишт ётқизиб боради. Бу вақтда иккинчи ёрдамчи уста оралиқ қатор ғиштларини теради.

Ички ва четки қатори бир хил тартибда, лекин бир-бирига қарама-қарши йўналишда терилади. Режа ишларни бошқа жойга кўчиришда ёрдамчи усталардан бири етакчи устага ёрдамлашади. Уч кишилик звенога қалинлиги 2 ва 2,5 ғишт келадиган деворларни қуриш топширилади. Уч киши бўлиб ишлагандага мөхнат унумдорлиги 2 киши бўлиб ишлагандагига нисбатан 30% ортади. Тўрт кишилик звено 4 ва 3-малака даражали икки уста ва 2-малака даражали икки ёрдамчи ишчидан тузилади. Звено аъзолари орасида вазифалар қўйидагича тақсимланади:

4-малака даражали уста ташки четки қаторни теради, 2-малака даражали ёрдамчи усталардан бири унга кўмаклашади, яъни девор устига ғишт кўяди ва қоришка ёяди; 3-

малака даражали уста ички четки қаторни теради, унга иккинчи ёрдамчи уста ёрдамлашади (ғишт олиб боради ва қоришка ёяди). Звенонинг иш суръати ташқи четки қаторни тераётган устанинг чаққонлигига боғлиқ. Тўрт кишилик звено қалинлиги икки ғиштдан кам бўлмаган деворларни қуриш билан бирга, айни пайтда уларнинг сиртини кошинлади. Беш кишилик звено 4 ва 3 малака даражали ғишт теувчи уста ҳамда 2-малака даражали учта ёрдамчи ишчидан тузилади.

Звено меҳнати қуйидагича ташкил этилади:

4- малака даражали уста билан битта ёрдамчи ишчи деворнинг ташқи четки қаторини теради;

3-малака даражали уста билан иккинчи ёрдамчи ишчи улардан 2-3м нарироқда деворнинг ички четки қаторини теради;

оралиқ қаторни тўлдириб борувчи учинчи ёрдамчи ишчи ишни ниҳоясига етказади, яъни «занжирни улайди». Қалинлиги икки ғиштдан ортиқ бўлган деворнинг яхлит қисмини беш киши бўлиб қурган маъқул. Девордаги деразалар ўрни ғиштларини теришда звено икки ва уч кишидан иборат икки қисмга бўлинниб ишлайди. Ғишт терувчиларнинг меҳнат унумдорлиги звено ичидаги меҳнатнинг ташкил этилишига ва звено аъзолари сонига боғлиқ (звено аъзолари сони қуриладиган деворнинг қалинлигига ҳамда териш конструкциясига боғлиқ). Қамров ва бўлинма тўғрисида тушунчалар. Бўлинма дегандан, ғишт терувчилар звеносининг бир смена давомида ишлаши учун ажратилган терим участкаси тушунилади.

Иш фронти – бригада ёки звенонинг ўзига тегишли механизмлар ва мосламалардан фойдаланиб иш бажарадиган жойи. Қамров дегандан, бинонинг бригада ёки звено аъзолари бир смена давомида ишлайдиган қисми тушунилади. Режадаги қўриниши мураккаб бўлган биноларни қуришда кўндаланг қамровли терим усулидан фойдаланиш яхши натижа беради. Бунда икки кишилик ҳар бир звено бинонинг ҳамма қаватларида бир хилдаги бўлинма (бинонинг бир хил кўндаланг ўқлари орасида жойлашган участка) бириктирилади; бу эса ғишт терувчиларга меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш имконини беради. Ғишт теришнинг узлуксиз-доиравий усули режадаги қўриниши оддий бўлган биноларни қуришда яхши натижа беради. Бунда икки кишилик ва уч кишилик звенолар қамров доирасида туташ ҳалқа бўйича бир-бири кетидан ғишт териб бораверадилар. Икки кишилик звено ташкиларни қаторни, уч кишилик звено эса ички четки қатор билан оралиқ қаторни теришади. Звенолар периметр бўйича сурилиб, ички деворларни ва зина саҳнлари деворларини қуришади. Шундай қилиб, деворнинг звеноларга бириктирилган қисмлари бир хил баландликда кўтарилади. Звено бошлиғи (4 ёки 5-малака даражали ғишт терувчи уста) иш суръатини бошлаб боради, звенонинг бошқа аъзолари унга бўйсунади. «Беш кишилик» звено ғиштин деворни қуйидаги технологик тартибда теради (3.11-расм). 4-5-малака даражали ғишт терувчи 2-малака даражали биринчи ғишт терувчи билан бирга ташкиларни териш учун режа ип тортади, олдин терилиган қаторнинг тўғрилигини текширади, сўнгра ташкиларни териади. Улардан 2-3м нарида 2- малака даражали иккинчи ғишт терувчи ва 3- малака даражали ғишт терувчилар ишлайди: улар ички қаторни териади, уларнинг орқасидан 2-3м нарида 2- малака даражали учинчи ғишт терувчи оралиқ қаторни териади. 2-малака даражали биринчи ва иккинчи ғишт терувчилар ҳам етакчи ғишт терувчиларнинг кўрсатмаси бўйича оралиқдаги ғиштларни қўйиб кетаверади. Агар лозим бўлса, 2- малака даражали учинчи ғишт терувчи 2-малака даражали иккита ғишт терувчига ашёларни тайёрлашда ёрдамлашади.

«Беш кишилик» звено тарзидан ишлашда «икки кишилик» звено тарзидаги ишлашга қараганда камроқ юқори малакали ғишт терувчилар талаб қилинади. Бундан ташқари, кўпчилик қурилиш ташкилотларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, «беш йиллик» звено усулида ишлагандан «икки кишилик» звено усулида ишлагандагига қараганда меҳнат унумдорлиги тахминан 15-20% ортади ва ишчилар сони шунга яраша камаяди.

3. Деворнинг дераза ёки эшик ўрни устига қўйиладиган тўсин қисми тепадор дейилади. Қаватлараро ораёпмадан тушадиган юк деворга бевосита эшик ёки дераза ўрни устига тушадиган ҳолларда юк тушадиган йиғма темир-бетон тепадорлар ишлатилади. Агар юк бевосита тепадорга тушмаса, дераза ва эшик ўринларининг эни 2м дан кам бўлса, юк тушмайдиган темир-бетон ёки арматура симлари қўйилган мустаҳкам кўринишдаги оддий тепадор қўлланилади. Баъзан понасимон тепадорлар ҳам ишлатилади. Бундай тепадорлар айни вақтда фасаднинг архитектура безаги ҳам ҳисобланади. Агар дераза ва эшик ўринлари 3,5-4м гача бўлса, шу мақсадда кўпинча аркасизон тепадорлар қилинади. Арка туридаги терилган бинолардаги ҳар хил ораёпмаларни барпо қилиш учун ҳам фойдаланилади. Бундай ораёпмалар гумбазсизон ораёпмалар деб аталади.

Тепадорларни теришда барча бўйлама ва кўндаланг чокларга албатта қоришка тўлдирилиши шарт, чунки тепадорлар фақат сиқилишга эмас, балки эгилишга ҳам ишлайди. Вертикал чокларга қоришка яхши тўлдирилмаса, юк таъсирида олдин айрим ғиштлар суриласди, кейин девор бузилиб кетиши мумкин. Оддий тепадорлар. Оддий тепадорлар (3.27-расм, а) қаторларнинг горизонталлигига ва оддий теришнинг кулф-калит қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда терилади. Оддий тепадорларнинг баландлиги 6-9 қатор теримга, узунлиги эса эшик ёки дераза ўрни энидан 50см катта бўлади. темирни териш учун сараланган ғишт ва маркаси 25дан паст бўлмаган қоришка ишлатилади.

Оддий тепадордаги энг пастки ғишт қатори тагига қалинлиги 2-3см ли қоришка қатлами диаметри 40бмм ли думалоқ пўлат ёки бир боғлам арматура қўйилади. Агар лойихада мустаҳкамроқ арматура кўзда тутилмаган бўлса, деворнинг ҳар ярим ғишт қалинлигига кесими $0,2\text{см}^2$ ли биттадан ўзаксизон тўғри келиши керак. Арматура теришда пайдо бўладиган чўзувчи кучларни қабул қиласди. Симларнинг учлари дераза (эшик) ўйиги четидан 25см чиқиб туриши керак. Уларни ғишт атрофида букиб ўйилади (3.27-расм, б). Оддий тепадор қилиш учун қалинлиги 40-50мм ли тахталардан қолип (опалубка) қилинади (3.27-расм, в). Қолипнинг устига қоришка ёйиб, унга арматура симлари 1 ботириласди, қолип қоришка қотгунча олинмайди. Қолипнинг учлари теришдан чиқарилган ғиштга тиради. Қолип олингандан сўнг чиқиб турган ғиштлар кесиб ташланади. Баъзан қолипнинг учлари дераза (эшик) раҳларидаги чукурчага тикилади. Қолип олингандан сўнг бу чукурчалар тўлғазиб юбориласди. Агар ўйигнинг эни 1,5м дан катта бўлса, қолипнинг тагига ўртасидан тиргак қўйилади ёки қолип тиргак 3 га тиради.

Ёғоч тиргаклардан ташқари, Огарков конструкциясидаги қувур тиргаклардан фойдаланилади (3.27-расм, г). бу тиргаклар диаметри 48мм ли икки қувур бўладиган қилинади. Улар диаметри 60мм ли учинчи қувур бўлагига тикиб қўйилади. Бу тиргакларни жойига қўйишда кичкина диаметрли қувурлар тепадор тагидан ҳисобланганда иккинчи қатор сатҳида колдирилган ариқчалар ичига киритиласди. Ҳар бир ўйиққа иккитадан тиргак қўйилади, қолип шчитга ана шу тиргакларга таянади. Бундай тиргакларнинг қулавилиги шундаки, уларни дераза, эшик блокларидан кейин ўрнатиш мумкин. Бошқа чокнинг қалинлиги ҳам ҳисобга олинади. Айни ҳолда териш қаторлари вертикал бўйича эмас, горизонтал бўйича саналади. Марказий тоқ қатор кулф қатор деб аталади. Бу қатор тепадор ўртасида вертикал вазиятда туриши керак. Понасимон тепадор икки томондан асосдан қулфга томон бир хилда териб борилиб, қулфда марказий тоқ ғишт билан поналаниб қолиши керак. Чокларнинг йўналиши тўғрилиги таянч (бешта) қисмларнинг туташувчи чизиқлари кесишадиган нуктага маҳкамланган шнур билан текшириласди. Дераза (эшик) ўринларининг эни 2м дан катта бўлса, понасимон тепадорлар қилинмайди (3.28-расм, а, б).

Мураккаб конструкцияли деворларни, аркасизон тепадор гумбазларни териш жараёнлари

Аркасизон тепадор ва гумбазлар. Аркасизон тепадорлар, шунингдек, арка ва гумбазлар ўзларидан тушадиган босимни деворга тўғри ўтказиш учун худди понасимон тепадорлар каби, оддий ёки лекаласизон (понасимон) ғиштдан кўндаланг қаторлар терилади. Қаторлар орасидаги чоклар теришнинг ташки сиртларига тик бўлиши лозим.


Териш қаторларига юқорига томон кенгайиб, пастга томон торайиб борадиган пона шакли берилади. Одатда кўндаланг чокларнинг текислиги арканинг пастки сиртини ҳосил қиладиган эгри чизик радиусининг давоми ҳисобланади. Териш қаторларининг бундай жойлаширилиши ва уларни ажратиб турувчи тўшамаларнинг бундай жойлашиши теришни қулф-калит қилишнинг биринчи қоидасига мос келади, чунки арка ва гумбазлар юқдан тушадиган куч ўз йўналишини ўзгартириб тургани учун уринма босим эгри чизифига уринма бўйича таъсир қилади ва қаторларнинг йўналиши босим йўналишига тик бўлиб қолади. Аркасимон тепадорлар (3.28-расм, в) тегишли шаклдаги қолипдан фойдаланган ҳолда худди понасимон тепадорларни териш тартибидагидек терилади. Радиал чокларнинг йўналиши ва ҳар бир қаторнинг тўғри терилганлиги арка марказига маҳкамланган шнур З бўйича текширилади. Шнур ва андоза-бурчаклик 4дан фойдаланиб, арка эгри чизиги чизилади. Андоза-бурчакларнинг бир томони арка эгри чизигига мос қиёфада бўлади. Кўп марказли аркаларни териш эгри чизикнинг ҳар бир участкаси чегарасида териш чокларининг йўналиши ҳам унинг марказларига маҳкамланган шнур билан текширилади. Арка ва гумбазсимон (тоқи) ғишт теришни бажариш тўғри шаклини ғишт ёки тошни цемент ёки аралаш қоришма билан амалга оширилади.

Арка, тоқи ва улар асоси портландцемент асосидаги қоришма қўллаб терилади. Тошқол портландцементи ва пущколан портландцементи, ҳамда паст манфий ҳароратларда секин қотадиган бошқа цемент турларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Арка ва тоқи терилишини амалга ошириш лойихага асосан, иккиламчи эгри чизиқли тоқи терилиши учун қолипнинг ишчи чизмаси бўлиши керак. Иккиламчи эгрилик тоқи асосий ўлчамдан оғиши қуйидагидан ортаслиги керак: тоқи истаган нуқтаси қўтарилиш ўқи 1/200 қўтарилишидан, вертикал текисликда қолипнинг силжиши ўрта кесимда 1/200 тоқи қўтарилиш ўқидан, тоқи тўлқин кенглигига - 10мм. Иккиламчи эгри тоқи тўлқинли терилишини қолипда ўрнатилган силжувчан андозадан фойдаланиб амалга оширилади.

Равоқ ва тоқи терилиши асосдан қулф томонга бир вақтда икки томонидан олиб борилади. Териш чокларини қоришма билан тўлиқ тўлатилиши керак. Қалинлиги ғиштнинг 1/4 қисмига teng иккиламчи эгри чизиқли тоқи устки юзасига қоришма, териш олдидан ётқизилади. Ғишт ёки тошдан иборат тоқи қалинлиги катта бўлганида терим оралиқлари суюлтирилган қоришма билан тўлатилади, тоқининг устки юзасига қоришма ишқаб киритилади. Иккиламчи эгриликка эга тоқини териш, ташқи ҳаво ҳарорати 10^0C дан юқори бўлганида асосдан курилма қурилиши тугагандан 7 кечадан бўлганида ушланади. Ҳаво ҳарорати 10 дан 5^0C гача бўлса бу муддат 1,5 баробарга, 5 дан 1^0C гача – 2 баробарга оширилади. Асос йиғма темир бетон қисм ёки пўлат асосга эга тоқи тортқичли бўлганида уни йиғиш асос қурилмаси тугаши билан бошлаб юборилиши мумкин. Иккиламчи эгри чизиқли тоқи оралиқ тўлқин туташ қирралари, ташқи ҳаво ҳарорати 10^0 дан юқори бўлганида тоқи қолипда камидан 12 соат давомида ушланади. Ташқи ҳаво ҳарорати ундан паст ҳолатларида тоқини қолипда ушланиш муддати кўрсатманинг 7.40 бандига мос равишда узайтирилади. Қолипдан бўшатилган равоқ ва тоқиларнинг ҳавонинг ҳарорати 10^0C дан юқори бўлганида юклантирилиши терим тугаганидан 7 кечадан бўлганида ушлаб турни муддатлари меъёрга мувофиқ узайтирилиши керак. Тоқи бўйича иситгич асосдан қулф томонга симметрик равишида жойлаширилиб, бунда тоқининг бир томонлами юкланишига йўл қўйилмайди. Арка ва тоқи тортгичларини таранглаштириш ишлари тугаганидан сўнг бажарилади.

Қишки шароитда ўртача кеча-кундузлик ҳарорат минус 15^0C дан кам бўлмаганида арка, тоқи ва уларнинг асослари қурилиш ишлари қоришмага музлатишга қарши кўшимчалар киритилиб бажарилади. Манфий ҳароратда қурилган тоқи тўлқинлари қолипда камидан 3 кечадан бўлганида ушлаб туроради.



6.3-расм. Тепадорларни териш тизимлари:

г-оддий тепадор; д – понасимон тепадор; е – андозали ғиштлардан аркасимон тепадор; ж – андозали ғиштлардан понасимон чокли тепадор;

з – ғишт-бетонли девор;

4. Гишт теришда техника хавфсизлиги қоидалари.

Ашёларни сүрилар ва ёпма плиталарга технологик харита бўйича жойлаштириш керак. Гишт терувчиларнинг девор устида юриши, танаффус вақтида ашё ва асбобларни девор устида қолдириши мумкин эмас. Сүриларни текис ерга ўрнатиш керак ва уларга меъёрдан ортиқ юк қўйилмайди. Гишт териш ишлари жараёнларида курилиш меъёрлари ва қоидаларига (ҚМҚ 3.03.01-98) амал қилинади.

Гишт терувчи 60 см дан баландликдаги сатхда юқори унумдорликка эга бўлиши исботланган (3.29-расм).

Назорат саволлари:

1. Гишт теришни қайси усуулларини биласиз?
2. Девор конструкцияларига гишт қўйиш усууллари?
3. Гишт терувчиларни меҳнатни ташкил этиш вариантиларини тушунтиринг.
4. Қориshmани қисиб териш усуудаги операциялар нимадан иборат?
5. Чок пардози деганда нимани тушунасиз?
6. Гишт терувчиларнинг меҳнат унумдорлиги нимага боғлик?
7. Оддий ва мураккаб тепадорларни фарқи нимада?
8. Аркасимон тепадор ва гумбазларни теришни алоҳидалилиги нимада?
9. Гишт теришда техника хавфсизлиги қоидалари нималардан иборат?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ).
3. Ягона меъёр ва нархлар (ЯМвАН).
4. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.

8 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

8-мавзу	Бетон ва темир-бетон жараёнлари технологияси
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Яхлит бетон ва темир-бетонни қўлланилиши ва вазифаси. 2. Қолип ишлари. Қолипларнинг вазифалари ва турлари. 3. Арматура ишлари технологияси; 4. Арматураларни пайвандлаш жараёнлари технологияси;

Таянч иборалар:

Бетон, темир бетон, фибробетон, қолип тизимлари, арматура буюмлари, дисперс арматура, нометал арматура, бетонқорғич, автобетонқорғич, виброхартом, бадъя вибратор, вакуум, шит.

Яхлит бетон ва темир-бетонни қўлланилиши ва вазифаси.

Цемент ва тўлдиргичларни сувда қориб ҳосил қилинган қаттиқ жисм бетон дейилади. Бетон қоришмаси ва пўлат ўзак (арматура)лар бирга темир-бетон конструкцияларни ташкил этади. Бетон ва темир-бетон конструкцияларнинг тайёрланиш усулига қараб иккига бўлинади:

1. Йиғма темир бетон конструкциялар, бунда алоҳида унсурлар корхонада аввалдан тайёрланиб, сўнг қурилиш майдонида монтаж қилинади.

2. Монолит (яхлит) темир бетон конструкциялар. Булар тўғридан-тўғри қурилиш жойида тайёрланади.

Икки усул ҳам қўлланиш соҳасига қараб ўз мавқеига эга. Бу бобда биз асосан монолит бетон ва темир - бетон конструкцияларни бажариш ҳақида гапирамиз. Устун остидаги пойдевор, бункер, резервуар, градирня ва мураккаб шаклли конструкцияларни қуришда монолит темир-бетондан фойдаланиш йиғмаларга нисбатан қулайроқдир.

Бундан ташқари узоқ худудларда, тоғлиқ жойларда ва зилзилали худудларда ҳам уй жой қурилишнинг монолит конструкциялардан қуриш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда ҳар йили 1,00 млн.м³ дан ортиқ ҳажмда бетон ва темир бетон конструкциялари қурилмоқда (монолит ҳолда).

Шунга қарамасдан монолит темир-бетон ишларининг кўп қисми кўлда бажарилади.

Меърдагига нисбатан 2 баробар кўп меҳнат сарф қилинмоқда.

Келажакда бетон ва темир бетон ишларининг технологиясини такомил-лаштириш учун қуидаги йўналиш бўйича ишламоқ лозим:

1. Максимал ҳолда бетон қоришмасининг тайёрланишини марказлаштириш ва уни махсус транспортда ташиш;

2. Арматура синч (каркас)ларини корхонада тайёрлаб, сўнг монтаж қилиш;

3. Қолипдан кўп марта фойдаланиш ва бетонни ташиш ҳамда қуийши максимал механизациялаш.

Яхлит бетон ва темир-бетон тайёрлаш ишлари ишлари қуидаги технологик жараёнлардан иборат:

Қолип ишлар;

Арматура ишлари;

Бетон ишлари;

Қолип ишлари. Қолипларнинг вазифалари ва турлари.

Қолип – вақтинча қуриладиган ёрдамчи конструкция бўлиб, иншоот конструкцияларига лойиҳада кўрсатилганидек шаклни бериш вазифасини ўтайди.

Қолип қуидаги техникавий талабларни қаноатлантириши керак:

1. Иш лойиҳаси чизмаларига мувофиқ ясалиши;

2. Жипслangan тахталар зич бўлиши;

3. Пухта ва ўз ўрнида мустаҳкам туриши, яъни бетонни тебратиш ёки ша-молнинг итариш кучлари таъсирида ўз шаклини ўзгартирумайдиган бўлади;

4. Бетон қуийладиган тахталар юзи текис бўлиши;

5. Конструкция қисмлари оддий уланадиган, тез қуриб ва тез бузуб олинадиган бўлиши керак.

Қайта қўлланиши бўйича қолиплар 2 хил бўлади:

а) бир марта қўлланадиган (стационар);

б) кўп марта қўлланиладиган (инвентар);

Қолип учун қўлланиладиган ашёлар қуидагича бўлади:

Ёғоч тахта, металл ёғоч, металл, темир-бетон, армоцемент, синтетика. Қолиплар конструктив белгилари ва қўлланиши бўйича қўчириб ўрнатиладиган йиғма қолип ва суриладиган қолипларга бўлинади.

Кўчириб ўрнатиладиган қолиплар

Олдиндан тайёрланадиган шчитлардан иборат бўлади, буларни бириктирувчи ва кўтариб турувчи унсурлар ёрдамида йиғилади. Иншоотда бир хилдаги конструкциялар бир неча бўлса, бу хилдаги қолипни бир неча маротаба қўчириб ўрнатилади. Ёғоч

қолипдан 5-6 мартагача фойдаланиш мумкин. Агар ёғоч шчитларни ички томони тунука бўлса, қўлланиши даражаси яна ошади. Бу қолиплар ёрдамида пойдевор, устун, тўсин, том ва бошқа конструкцияларни ясаш мумкин. Тасмасимон пойдевор қолипи: бу қолип асосан, шчитлардан иборат бўлади (4.2.1-расм). Устун қолипи: бунда икки жуфт шчитни вертикалига, яъни қути шаклида ўрнатилади. Бу шчитлар ташқи томондан тортқи белбоғлар билан маҳкамланади (4.2.2-расм). Тўсин қолипи. Хари ва тўсинлар қолипи таглик ва икки ёндаги шчитлардан иборат.

Тўсин таглиги қалин тахтадан /40-50/ ва ён шчитлари 25-30мм тахтадан иборат бўлади. Тўсинлар қолипи тагидан устунлар билан кўтариб турилади.

Суриладиган қолиплар.

Бундай қолиплар бир неча хил бўлади.

1. Горизонтал ҳолда суриладиган қолип, /4.2.3.-расм/.

2. Вертикал ҳолда суриладиган қолип, /4.2.4. расм/.

1. Горизонтал ҳолда суриладиган қолип кўндаланг кесими ўзгармас узун иншоотларни бетонлашда ишлатилади. Масалан: туннел, гумбазли томлар, тиргак, девор, коллектор ва шу кабилар. Бундай қолиплар темир изда силжитилади.

2. Вертикал ҳолда суриладиган қолип /скользящая опалубка/. Бу қолип баланд деворли иншоотларни қуришда ишлатилади. Масалан: деворлар, ус -тун, резервуар, мўрилар ва шу кабиларни қуришда ишлатилади.

Бу қолип вақти-вақти билан вертикал йўналишда сурб турилади.

Қолипларни махсус домкрат ёрдамида кўтариб турилади. Бу қолиплардан ташқари яна бир неча хил қолиплар бор. Осма қолип. Бу қолип кўндаланг кесими бир хил бўлмаган, кесими бир бўлмаган, кесми кичиклашиб борадиган баланд минораларга ўхшаш иншоотлар қуришда ишлатилади. Қолип асосан металдан ясалади. Қолип бетонга тўлиб қотган сари шахта кўтаргичида ўрнатилган таль ёки чиғир ёрдамида юқорига кўтариб турилади. Қоплама қолип. Темир-бетон, армоцемент, металл плита, сим тўр кабилардан қилинади. Бу қолиплар иншоот конструкцияси бўлиб, кейинчалик ҳам хизмат қиласди.

Юпқа деворли темир-бетон ва асбестцемент қувурлар қолип сифатида доира кесмли устунлар қуришда ишлатилади.

Арматура ишлари технологияси

Бетон конструкцияда ҳосил бўладиган эгувчи кучни ўзича қабул қилиб олиш учун конструкциянинг чўзилиш зонасига қўйиладиган йўғон симни ўзак/арматура/деб аталади.

Арматурага ишлатиладиган пўлат кесимнинг шаклига кўра эгиувчан ва бикир бўлади. Эгиувчан арматура диаметри 2-90 мм бўлган доиравий кесимли стер-жендан тайёрланади. Бикир арматура шаклдор унсурлардан /бурчакликлар, швеллер қўштаврлар/ ва бошқалардан иборат бўлади. Арматура вазифасига кўра иш арматурасига /d =10-90мм/ ва монтаж арматурасига /d=10мм/ бўлинади. Қолипга қўйилган бетонни зичлаганда, унинг ичидаги арматуралар қўзгалмаслиги учун улар монтаж арматура ва белбоғлар ёрдамида бириктирилиб пайвандлаб қўйилади. Буни арматура синчи дейилади. Пўлат арматура тайёрлашнинг асосий технологиясига кўра иккита асосий гурухга бўлинади.

1. Пўлатни иссиқлигича прокат қилиш орқали ҳосил бўладиган ўзак сим арматура.

2. Пўлатни совуқлайн чўзиш натижасида ҳосил қилинадиган симли арматура.

Ўзаксим ва арматура шаклига кўра силлиқ ва даврий бўлади.

Арматуралар А-I 6-40мм; А-П 10-40мм; А-Ш 6-40мм; А-IV 10-32 мм синфларга бўлинади.

Термик ишлов берилган арматуралар А_т -ІУ; А_т-VI ва А_т - УП синфларга бўлинади. d=10-32 мм.

Марка.

А-I 6-40 мм кам углеродли СТ-3

А-П 10-40 мм ўртча углеродли СТ-5

А-Ш 6-40 мм кремномарганецли легирланган 25т 2С

А-IV 10-32 мм хром марганецли 30Х Г2С.

Арматура синчи ва турларини тайёрлаш учун қуидаги ишлар бажарилади.

Симларни тұғриланади ва тозаланади.

Керакли узунликда кесилади.

Керакли шаклда букилади.

Монтаж сими белбоғнинг иш арматураси ўзаксимлари билан кесилган ерлари пайвандланиб, синч ва түрлар ясалади.

Синч ва түрлар кран ёрдамида тахланади.

Хозирги вактдаги арматура синчлари ва түрларни тайёрлаш ҳамда йифиш жараёнлари бутунлай механизациялаشتырылған бўлиб, бу ишлар арматура устахоналарида бажарилади. Ўрам /бухта/ларда келадиган арматура сими маҳсус автоматик дастгоҳларда ечилади, тұғриланади ва керакли узунликда қирқилади. Бу дастгоҳлардан энг кўп тарқалгани СМ-759, С-333А, ИО-333А, ИО-35 лардир.

Диаметри 10 дан 40 мм гача бўлган сим арматурасини тұғрилаш ва тозалаш кўпинча қўлда бажарилади. Ўзак сим пўлатни қирқишида қўл ва юритма дастгоҳлар ишлатилади. Пресс қайчиларда ҳар қандай арматурани қирқиши мумкин.

Арматура симларини букишга мўлжалланган қурилмаларнинг тузилиши принципи бир хил, ўзаксимларни букиш учта ролик марказий, букувчи ва тиргаклар орасида олиб борилади.

Арматураларни пайвандлаш жараёнлари технологияси

Хозирги вактда арматурани пайвандлаш асосий ишлаб чиқариш жараёнидир. Пайвандлаш деб, металнинг ажралмайдиган бирикмасини ҳосил қилиш жараёнига айтилади. Арматурани пайвандлаш металл унсурларининг туташтириш жойини юмшатиш даражасигача қизитиш ва ундан кейин контакт усулда пайвандлаш ёки эритиш, электр ёй билан пайвандлаш ва унинг турлари йўли билан бажарилади.

Контакт усулда пайвандлаш.

Бу усулда пайвандлашнинг икки тури бор.

Учма-уч улаб пайвандлаш;

Нуқтали пайвандлаш.

Контакт усулда пайвандлаш стационар шароитларда бажарилади. Контакт усулда учма-уч пайвандлаш жараёнининг моҳияти шундан иборатки, бундан электр токи пайвандланувчи симларга уланади. Сўнгра симлар бир-бирига уланади, натижада берк электр занжири ҳосил бўлади. Бунда уланадиган жойда иссиқлик ажралиб чиқади ва симлар учи қисман суюқ ҳолатга келади. Шундан кейин симларни бир-бири томон куч билан сиқилади ва ток узилади. Натижада симлар пайвандланади. Контакт усулда нуқтали пайвандлаш тўр ва синчларда арматура симларини бир-бирига кесиштириб туташтирганда қўлланилади. Ток кесишиш жойига берилади ва бу жойдан жадал суратда иссиқлик ажралиб чиқади. Электродларнинг сиқиши кучи остида симлар пайвандланади. Нуқталаб пайвандлаш машиналари бир неча хил бўлади. Бир вактда пайвандланадиган нуқталарга қараб бир нуқтали ва кўп нуқтали пайвандлаш машиналарига бўлинади. Кўп нуқтали машиналарда токнинг бир учи электродларга, иккинчиси эса ток тақсимлаш плитасига уланади.

Арматурани эритиб пайвандлаш.

Арматурани тайёрлаш ва монтаж қилишда эритиб пайвандлаш қўлланилади. Бундай пайвандлаш қуидаги учта асосий турга бўлинади:

Ёй чокли /дуговая сварка/ Ёй ваннали.

Электр шакли пайвандлаш.

1. Электр ёй билан чокли пайвандлашда турли усуллар, яъни симларни туташтириш, устма-уст қўйиш ва устқўйма билан пайвандлаш қўлланилади.

2. Ёй ваннали пайвандлашда арматуранинг учма-уч туташмаларни кўндаланг юзлари орасидаги бўшлиқ эриган металл ваннасини ҳосил қилиб аста-секин эритилади. Бу усулдан арматура цехларида ва полигонларда фойдаланилади.

3. Электр шлак воситасида пайвандлаш диаметри 20 дан 80 мм гача бўлган симлардан ясаладиган арматураларни туташтиришда қўлланилади. Бу усул арматурани учма-уч эритиб пайвандлаш усусларидан энг тез бажариладигани ва тежамлисиdir.

Учма-уч уланадиган симлар мис қолипга жойлаштирилади. Бу қолипга флюс номли сочилиувчан ашё тўлатилади. Ток улангач бошланғич дақиқада электрод ва мис қолип орасида ёй ҳосил бўлиб, флюсни эритади. Эриган флюс ёй оралиғига кириб, уни ўчиради. Бундан кейин жараён ёйсиз ҳисобланади. Чунки жараённинг давоми токнинг электрод эриган флюс орасидаги ўтишида ажралиб чиқадиган иссиқлик ҳисобига бўлинали. Қурилишдаги арматура ишлари қуйидаги операциялардан иборат.

- а) арматура, арматура унсурларини тайёрлаш;
- б) арматурани қурилиш обьектига ташиб келтириш, уни навларга ажратиш ва тахлаш;
- в) арматура синчлари, турлари ва симларини ўрнатиш /монтаж қилиш/;
- г) арматура унсурларини пайвандлаб бириктириш.

Арматурани қолипга жойлашдан олдин қолипнинг лойиҳага ва ўрнатиладиган тайёр арматура унсурлари ўлчамларига мос келиши текшириб қабул қилинади. Арматурани монтаж қилишда маҳсус кранлар ишлатилмайди. Арматурани имкони борича йириклиштирилган ва ҳажмли элементлардан монтаж қилиш керак. Баъзан, аввал арматура монтаж қилиниб, сўнг қолип ўрнатилади. Устунлар пойдевори, устун, плиталар, деворлар, тўсин арматурасини ўрнатиш технологиясини билиш керак

Назорат саволлари:

1. Бетон ва темир бетон конструкцияларининг бино ва иншоотларда аҳамияти ва афзалликлари нимадан иборат?
2. Бетон ишлар таркиби ва кетма-кетликларини айтинг.
3. Қўйма темир бетон конструкциялар тиклашда қолипларнинг тутган ўрни, қолип турлари ва қўйиладиган талаблар нимадан иборат?
4. Сирпанадиган ва горизонтал харакатланадиган қолипларни тушунтиринг.
5. Конструкцияларда ишлатиладиган арматура турларини ва қўлланиш соҳасини тушунтиринг.
6. Арматура буюмлари қаерда қандай тайёрланади?
7. Арматура буюмлар ўзаро қандай бириктирилади?
8. Арматурани ўрнатишда ҳимоя қатлами нимага керак, ўлчами қанча ва қандай ҳосил қилинади?
9. Арматура ишлари сифати назорат ва қабул қилишни тушунтиринг.

9 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

9-мавзу	Бетон қоришималарини тайёрлаш ва уларга қўйиладиган талаблар
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
<i>Маъруза режаси</i>	1.Бетон қоришималарини тайёрлаш. 2.Бетон қоришималарига қўйиладиган талаблар; 3.Бетон қоришималарини қолипга қўйиш ва зичлаш. 4.Бетонни парвариш қилиш. Иssiқ иқлимда бетон ишлари.

Таянч иборалар:

Бетон, темир бетон, фибробетон, қолип тизимлари, арматура буюмлари, дисперс арматура, нометал арматура, бетонқоргич, автобетонқоргич, виброхартом, бадъя вибратор, вакуум, шит.

Конструкцияларни бетонлаши.

Бетон коришимасини тайёрлаши.

Қурилишда ишлатиладиган бетон коришимаси асосан марказий бетон тайёрлаш заводларида ёки мобили ва кучиб юрувчи бетон тайёрловчи қурилмаларида тайёрланади.

Бетон кориши масини тайёрлаш учун 2 хил: материаллар эркин аралашти-риладиган ва мажбуран аралаштирадиган бетон коргичлар кулланилади.

Материалларни эркин аралаштирадиган бетон коргич кия урнатилган барабандан иборат булиб, ички деворларига айланма буйлаб парракчалар пайвандланган. Аралаштириш жараёни күйидагича кечади: парраклар барабан айланган вактда материални илиб, юкорига олиб чикади, юкоридан материал пастга сочилиб тушади. Бу жараён барабан айланадиган бутун вакт давомида такрорланади, натижада бетон компонентларини аралаштириш содир булади.

Материалларни эркин аралаштирадиган бетон коргич конструкцияси энг содда, тежамли ва жуда чидамли. У курилишда харакатланувчан бетон тайёрловчи курилмаларда кенг кулланилади. Мажбуран аралаштирадиган коргичларда кузгалмас урнатилган барабан харакатланувчи парракларнинг айланиши натижасида компонентлар аралашиб бетон хосил булади. Бетон кориши маси лойихада курсатилган марка ва унга куйиладиган талаб (сувга химис таъсирларига чидамли) асосида тайёрланади.

Бетон кориши масини ташиши ва жойлаши. Бетон кориши масини объектга келтириб ва уни тикланадиган конструкцияга жойлаштириш бетон ишларида жавобгарлиги катта, куп меҳнат талаб киладиган, киймати юкори булган операциядир. Бу операция учун 2 хилдаги машиналар кулланилади. Бетон кориши масини заводдан курилиш майдонига келтириш хамда кориши мани жойланадиган жойига узатадиган машиналар куп холларда бетон кориши маси тугридан-тугри автотранспортда жойланадиган жойга етказилади. Заводдан кориши мани ташиб келтиришда кўйидаги талблар куйилади, ёнгичарчиликдан, совукдан котишдан саклаш лозим ва лойихада курсатилган технологик хусусиятлари саклаш керак. Ташиб келтириш вакти хаво температурасига караб $+20\text{-}30^{\circ}$ да 1 соат, $+10\text{-}20^{\circ}$ 1,5 соат, $5\text{-}10^{\circ}$ 2 соатдан ошмаслиги керак.

Бетонни объектга ташиб келтиришда асосан 3 хил автотранспортдан фойдаланилади: автосамосвал, автобетонкоргичлар, маҳсус кузовли автобетонташувчи машина. Бетон кориши масини ташишда асосан автосамосваллардан фойдаланилади. Улардан фойдаланганда бетон кориши масининг каттик чайкалишига, цементн сутининг окиб кетишига йул кўйи маслих керак. Автосамосвалларда ташиб масофаси текис йулларда 10 км гача, нотекис йулларда 3 км белгиланган. Узок масофага ташишда автобетон коргичли машиналардан фойдаланилади. Бетон кориши масини жойлаштириладиган жойга узатишида фойдаланиладиган механизмлар бажариладиган иш хажмига, конструкция хилига, улчамларига, масофасига, пастда ёки юкорида жойлашишига караб бетон кориши масининг талаб сифатига таъсир этмаслиги хисобга олган холда танланилади. Бетонни колипга узатиш учун лентали транспортерлардан, бетон ёткизгичлардан, автомобил, бетон насослар ва пневмонагнитателдан фойдаланилади. Бетон кориши масини кранлар ёрдамида узатилганда сигими 0,35-3 м гача булган бадъялардан фойдалиналади. Конструкциялар бетонлашдан олдин колип, арматура ишлари лойиха асосида бажарилганлиги текширилиб ёпик ишларга акт тузилади. Гидрофоб материал билан копланмаган юзалар гидрофоб ёвлар билан мойланади. Бетонлашдан олдин арматуралар ифлосликлардан, зангдан тозаланиб, анкер болытлар, резбалар солидор билан мойланади. Бетон кориши маси имконияти борича жойланадиган жойга узатилади, хамда юкоридан ташлаш масофасини имкон борича йўқотиш керак бўлади. Бу бетон кориши масини эркин тушиш натижасида бетон кориши масини қатламларга ажралишига йўл қўймайди. Юкоридан ташлашга тўғри келса маҳсус мосламалардан фойдаланиш лозим.

Ишчи чоклар - кўйилиши - конструкцияларнинг яхлитлигини таъминлаш мақсадида имконият бўлса конструкцияларни тўхтовсиз бетонлаш лозим. Кўп холларда оддий бетон конструкцияларни бетонлагандан танаффус килишга тўғри келади. Бу холларда ишчи чоклар хосил этилади. Илгари кўйилган бетон билан, янги кўйиладиган бетоннинг бирлашиш чокларини хисобланадиган моментлар эпюрасининг ноль нуқтаси тўғри келадиган жойда жойлаштириш тавсия этилади. Вертикал элементларда чоклар элемент

кирраларига горизонтал ва перпендикуляр бўлиши, тўсинлар, прогон, елмаларда эса вертикал қуишлини керак, ётиқ чоклар рухсат этилмайди.

Қуйилган бетон яхши қотмаган бўлса, арматура билан бирекишини бузмаслик учун, янги бетонни қуишида қолипларнинг қимирлашига йўл қўймаслик керак. Чокка 1 м масофада вибраторлар ишлатилмаслиги лозим. Илгари қуйилган бетон билан янги қуиладиган бетоннинг яхши бирлашиши учун, илгари бетон юзаси цемент пленкасидан тозаланиб, излар туширилиб, тозаланиб сўнг бетон қуйилади.

Бетон коришмасини зичлаш. Куйма конструкцияларни тиклашда, бетон коришмаси вибрациялаш ва вакуумлаш усувлари билан зичланади.

Вибрация бетон қоришмасининг силжишига курсатадиган қаршилигини камайтиради ва қоришмага оғир ёпишқоқ суюқлик хоссаларини беради. Бетон қоришмасининг бундай суюқланиши бетон структурасининг вужудга келишига ва конструкциянинг шаклланишига олиб келади. Тебранишни бетонга узатиш характерига қараб вибраторларнинг ички ва ташки, юзини хиллари мавжуд. Ички вибраторлар кул ва осма вибраторларига бўлинади, улар пойдеворлар, устунлар, тўсинлари бетонлашда фойдаланади. Юзаки вибраторлар плиталар, йулларни бетонлашда ишлатилади.

Ташки вибраторлар колипларга махкамланиб, зич арматурали юпка конструкцияларни бетонлашда ишлатилади.

Бетонлашнинг маҳсус усувлари

Бетонлашнинг маҳсус усувлари қуидаги бетонлаш усувларини киритиш мумкин: торкret, сув остида, алохида, вибрациясиз бетонлаш.

Торкret бу бетон юзага, ёғоч, сетка, пневматик қолипга ярим қуриқ ёки тайёр бетон қоришмасини ва цемент-қумли қоришмасини маҳсус қурилма ёрдамида босим остида юзага синишидир. Торкret бетонлашда одатдаги бетонлашда нисбатан юкори зичликдаги юкори сув утказмайдиган, илгари қуйилган бетонга яхши ёпишадиган бетон олинади. Сув остида бетонлаш. Сув остида бетонлаш кўприк таянчларини, сувли ерларда пасаювчи кудуклар ва бошқа конструкцияларни тиклашда қўлланилади. Сув остида бетонлашнинг асосан 2 усули мавжуддир. Вертикал харакатланувчи труба ёрдамида ва кўтарилиувчи қоришма усули. Вертикал харакатланувчи труба ёрдамида бетонлаш усулида бетон қоришма тикланадиган иншоот тагигача туширилган трубадан юборилади. Бетон сатхи кўтарилиган сари труба аста-секин лебедка ва бошқа қурилмалар ёрдамида аста-секин кутариб олинади. Аммо трубанинг пастки томони 0,7 метр қисми ҳар доим бетон қоришмасида бўлиши керак.

Қуйилган бетон қоришмаси сув оқими билан ювилмаслиги учун бетонланадиган участка маҳсус қолип ёрдамида химояланади. Бу усул кулай ва самарадор 50 метр чуқурликда бетон ишлари олиб борилади. Алохида бетонлашда - бетонланадиган конструкция қолипига олдиндан ташланган йирик тўлдирувчилар орқалигига цемент қумли қоришмани юборишдир. Бу усул сув ўтказмасликни талаб киладиган сув резервуарларни ер ости сув чиқиши тезлиги юкори бўлган жойларда, зич арматуралашган конструкцияларда ишлатилади.

Бетон қоришмаларини тайёрлаш. Бетон қоришмаларига қўйиладиган талаблар уларни ташиб

Бетон қориш учун тегишли миқдорда цемент, майда тош, қум ва сув ўлчаб олинади (дозировкалаш), сўнг ўлчаб олинган ашёлар бетон қоргич идишига солинади. Ашёлар қоришириллади ва тайёр қоришма бўшатиб олинади.

Бунинг учун ҳар хил конструкциядаги ва ҳажмдаги бетонқоргич машиналар ишлатилади.

Ишлаш принципи бўйича бетон қоргич машиналар даврий равищда ишлайдиган ва узлуксиз ишлайдиган бўлади.

Қориши усули бўйича: гравитацион бетон қоргич машина ва мажбурий қорувчи бетон қоргич машина. Бетон қориши масини тайёрланган жойидан қўйиладиган жойигача ташиш усули қўйидаги омилларга боғлиқ:

Кўйиладиган бетоннинг ҳажмига;

Бетон қориши масини ташиш масофасига, кўтариш баландлигига ёки пастга тушириш чуқурлигига боғлиқ, бетонни ташиш қўйидаги усулда бўлиши мумкин.

а) 5 км гача узоқликка автосамосвалларда ташилади.

б) 5 км дан узоқроқ жойга автобетон қоргич қўлланилади (4.5.-расм).

в) бетонни узлуксиз равишда ташиш, бунда тасмали транспортёр ёки бетон насослари ишлатилади.

Бетон насослари ёрдамида қувур орқали горизонтал бўйича 300-400 м гача, вертикал бўйича 40 метргача бетонни юбориш мумкин. Ҳозирги пайтда турли пайтда турли маркадаги автобетоннасослар қўлланилмоқда.

Бетон қориши масини қолипга қўйиш ва зичлаш.

Объектга ташиб келтирилган бетон қориши масини чуқурга қўйиш мумкин ёки баландга чиқаришга тўғри келади. Бунинг учун махсус бетон қориши маси тушургичлар ишлатилади. Бетонни юқорига кўтаришда бадъялар ишлатилади. Пастга туширишда хартумлардан фойдаланилади. Бетонни қолипга қўйишда аввал ўрнатилган қолип ва арматура синчлари ҳамда уларнинг химоя қатламлари кўздан кечирилади. Қолип ичи тозаланилади ва сув сепиб намланади. Саноат биноларининг ноль даври қурилаётганда махсус ўзи юрар универсал бетон қўйиш машиналари қўлланилади. (4.5.2. ва 4.5.3-расмлар). Бир нуқтадан 800м² гача жойни бетонлаш мумкин, унумдорлиги 20м³ соат.

Қолипга қўйилган бетон қориши маси махсус тебратгичлар (вибратор) билан зичланади (4.5.4-расм). Вибратор бетонни минутига 3000 дан 6000 мартагача титратади, бунинг натижасида бетоннинг таркибий қисмлари орасида ишқаланиши камайиб, бетон зичланади ва қолип бурчаклари зичланган қориши маса билан тўлади. Асосан электромеханик вибраторлар ишлатилади. Электромеханик вибратор тузилиши бундай: электроюритгич ўқи охирига махсус дебаланс юк ўрнатилган. Бу юклар эксцентрик дейилади, чунки юкнинг оғирлик маркази билан валнинг ўқи бир-бирига мос келмайди. Ўқ (вал) айланганда дебаланс юк ўқни ўз ўқ чизигидан силжитиб титратади. Тебраниш ҳаракатининг бетонга таъсири қилиши бўйича бир неча турдаги вибраторлар бор.

Юза вибратор;

Ички вибратор;

Ташқи вибратор.

Ички вибраторлар бир неча вибратордан иборат вибродасталарни ташкил қилиши мумкин.

3. Бетон ишларини бажаришда чок (шов) қолдириш

Бетон ва темир-бетон конструкцияларнинг йирик бўлакларини айрим қисмларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини мустақил, ишлашини таъминлайдиган оралиқ чок (шов) деб аталади.

Чоклар уч гурухга бўлиниади:

1. Чўкиш чоки ҳар хил оғирликдан тушадиган конструкцияни ўз ҳолича чўкишини таъминлайди.

2. Ҳарорат таъсирида конструкциянинг кенгайиб торайишига имкон бериш учун ҳарорат чоки қўйилади. Кўпинча чўкиш чоки ва ҳарорат чоки битта қилиб олинади.

3. Бетон қўйиш вақтида иш чокини қаерда бўлишини билиш катта аҳамиятга эга.

Иш чоки асосан бетон қўйиш вақтида бўладиган танаффус натижасида қолдирилади.

Иш чокини шундай танлаш лозимки кейинчалик конструкция мустаҳкамлигига путур етмаслиги керак (4.6.1-расм).

4. Махсус бетон ишлари. Бетонни парвариш қилиш. Иссиқ иқлимда бетон ишлари.

Махсус бетон ишлари.

Торкетлаш.
Вакуумлаш.
Сув остида бетонлаш.
Алоҳида бетонлаш.
Торкетлаш.

Цемент-пушка қурилмасининг схемаси асосан бетон юзига цементли қоришмани сиқилган ҳаво, ҳаво оқими воситасида шланглардан пуркаш йўли билан юпқа сувоқ қатлами ҳосил қилиш торкетлаш дейилади. Торкет учун маркаси 300 дан ортиқ бўлган портландцемент ишлатилади. Торкетланган бетон юзи 1-2 ҳафта нам ҳолда сақланиш керак (4.7.1-расм).

Бетонни вакуумлаш.

Қолипга эндиғина жойлашган бетондаги ортиқча сувни йўқотиш учун вакуумлашдан фойдаланилади. Вакуумлаш шундан иборатки, бетонни вибраторлар билан шиббалаб туриб ундаги ортиқча сув вакуум қурилма ёрдамида сўриб олинади.

Вакуум қурилма – вакуумшчит, вакуумнасос, ресивер, сув тўпловчи бак, қувурлар тизимидан иборат (4.7.2-расм).

Сув остида бетонлаш.

Сув остида бетонлаш гидротехника ва гидроэнергетика иншоотларини ҳамда уларни таъмир қилишда қўлланилади (4.7.3-расм).

Бу иш икки усулда бажарилади.

а) вертикал қувурлар воситасида бетонлаш.

Бу усулда сув остида қолип ўрнатилиб, унинг ичига диаметри 20-30 см бўлган вертикал қувур ишлатилади. Воронка орқали қувурга бетон солиниб, қувур тўлгач, уни аста-секин қўтарилиди, ана шунда қувур ичидаги бетон қолипга қуила бошлайди. Қувурдан чиқаётган бетоннинг қўтарилиши тўхтагач, қувур бир оз қўтарилиди ва қувурнинг юқори қисмини олиб ташланади. Бу усул билан 50 м чуқурликда ҳам бетонлап мумкин.

б) эҳтиёт шахтасини қўллаш усули.

Сув тагида ўрнатилган қолип тўлдиргич тайёрланади, сўнг тўлдиргич ичига қувур орқали цемент қоришма юборилади.

Алоҳида бетонлаш

Бу усулда қолипга аввал тўлдиргичлар солиниб, сўнг цемент-күм қоришма билан тўлдиргичлар оралиғига қўйилади. Бу усул бетон қуиши қийин бўлган жойларда, катта зичлик талаб қилинганда қўлланилади.

Бетонни парвариш қилиши

Бетон қоришмаси меъёрида қотиши ва пухталиги лойиҳадаги маркага етиши учун қуйидаги чораларни кўриш керак:

Бетон қоришмасини намлиқда сақлаш;
Меъёрдаги ҳароратда сақлаш;
Кучли шамолдан асраш;
Ёмғирдан ва музлашдан сақлаш.

Намлаш. Қуруқ ҳаволи иссиқ кунларда 10-15 кун салқин вақтда 3-5 кунгacha бетон ҳар 3-4 соатда сув сепиб намлаб турилади.

Бетон ишларини қишида бажариш. Улар қуидаги усулларда бажарилади.

1. Иситилган бетон қоришмасини ётқизиш.
2. Ётқизилган бетонни буғ билан иситиш.
3. Электр билан иситиш.
4. Бетонни аммиакли сувда тайёрлаш.

4 - илова

Назорат саволлари:

1. Қурилишда ишлатиладиган бетонлар ҳақида нима биласиз?

2. Бетон қоришмасини тайёрлаш қандай амалга оширилади?
3. Бетон қоришмасини объектга ташиб келтириш ва қўйиладиган жойга узатиш, жойлашни тушунтиринг.
4. Бетон қоришмасини зичлаш усулларини тушунтиринг.
5. Бетонни парвариш этиш қандай амалга оширилади?
6. Бетон ишлари сифатини назорат этишни ва қабул қилиш қандай амалга оширилади?

5 - илова

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
4. Атаев С.С., Данилов Н.Н. и др. “Технология, механизация и автоматизация строительство” М.СИ1990г.

10 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

10-мавзу	Том ёпиш жараёнлари технологияси
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Томларнинг турлари, қўлланиладиган ашёлар (ўрама ашёли томлар, уларнинг турлари); 2. Том асосини тайёрлаш ва унга қўлланиладиган ашёлар; 3. Мастикалар, уларни тайёрлаш технологияси; 4. Ўрама ашёли томларни ёпиш жараёнлари. Ҳимоя қатламини бажариш.

Таянч иборалар:

Том, ашё, ўрама ашёли том, мастика том, донабай ашёли том, битум, намдан-химоялаш, иссиқ совукдан химоялаш, изоляция ҳимоя қатлами рурбериид, елишлаш ва ҳаказо.

- 1. Томларнинг турлари, қўлланиладиган ашёлар (ўрама ашёли томлар, уларнинг турлари)**

Ўрама ашёлар қуидаги турларга бўлинади: рубероид, пергамин, толь, изол, гидроизол ва бошқалар.

Том ёпишда асосан ҳар хил маркали рубероидлар ишлатилади. Энг самарадор ашёлардан бири мастика қаватига эга бўлган рубероиддир. Бу рубероидни томга ёпилаётган пайтда ҳеч қандай елимловчи мастикалар ишлатилмайди. Мастика қаватини ҳар хил усулда қиздириб эритиш (иссиқ усул) ва эритувчилар (уайт-спирит), бензин ёрдамида юмшатиш (совук усул) усулларида асос устидан рубероид ётқизилади. Рубероидларни томга елимлашни икки технологик усули бор:

1. Қаватлаб елимлаш.
2. Бирданига елимлаш.

Ўрама ашё турлари жуда кўп бўлиб, яна қуидагиларни келтириш мум-кин:

Экарбит, армобитэп, монобитэп, фольгобитэп, эластобит, хиполон (Швейцария), трокал (ФРГ). Энг арzon ва қурилиш технологияси бўйича оддий том ўрама ашё, яъни толь ёки рубероид ёрдамида бажарилади. Бундай томни факат вақтинчалик ва ёрдамчи хўжалик уйларини томлари учун эмас, балки ҳар қандай уй қурилишида фойдаланиш мумкин. Агар том қурилиши технологиясига тўлиқ амал қилинса, 3-5 қаватли рубероидли том рухланган тунука томлардан узоққа чидаши мумкин. Бундай томнинг бирдан-бир камчилиги ёнувчанлигидир. Рубероидли томни ҳар қандай нишоб учун ҳам кўллаш мумкин. Рубероид қаватининг сони томнинг нишоблигига боғлиқ ҳолда олинади. Агар томнинг нишоблигига 45^0 ва ундан ортиқ бўлса икки қавати етарли бўлиб, $20-40^0$ да 3 қават, $5-15^0$ да 4 қават ва текис томларда 5 қаватгача бўлиши мумкин.

2. Том асосини тайёрлаш ва унга қўлланиладиган ашёлар

Рубероид қаттиқ ва текис асосга ётқизилади. Бундай асос цементли қоришка ёки бетондан ва текис тахталардан иборат бўлади. Цементли қоришка ёки бетондан текис томлардаги асос тайёрланади. /озирги даврдаги уй-жой қурилишининг кескин ривожланиши балки бундай томларни ҳамма биноларда ҳам қўлланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари кишлоқлардаги кооператив уй эгалари ўз уйларининг рубероидли томларини мустақил равишда таъмир қилишларига тўғри келади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда рубероидли томларни қуриш ва уларнинг таъмирланиши ҳақида баъзи маълумотларни қуида келтирилади.

Тахта асосни ҳосил қилиш учун стропилага ҳар $20-45$ мм оралиқда рейкаларни (қалинлиги $20-25$ мм) коқилади ва унинг устидан $30-45^0$ бурчак остида қалинлиги $15-20$ мм бўлган қуруқ тахталардан зич қилиб жойлаштириб михланади. Рубероидни ётқизишдан олдин қайта ўраб чиқилади ёки бирор кун ёйиб қўйилади. Уни том чўққисига параллел (5.1 -расм, Аа) ёки перпендикуляр (5.1 -расм, Аб) ҳолда ётқизилади. Биринчи усул мураккаброқ бўлса ҳам ишончлироқ ҳисобланади.

3. Мастикалар, уларни тайёрлаш технологияси


Ўрама ашёли томнинг пастки ва ички қаватларига пергамин ёки майдада заррали рубероид, юкори қаватга эса фақат йирик донали қопламага эга бўлган рубероидлар қўлланилади. Бундай томнинг энг ишончлиси рубероидларни мастикалар ёрдамида елимланганидир. Мастикалар совук ва иссиқ ҳолда қўлланиладиган бўлади. Совук мастикалар фойдаланиш учун қулайдир, лекин иссиқ мастикалар мустаҳкамроқ елимлашни таъминлайди. Мастика таркибига битум ва тўлдиргичлар киради. Тўлдиргичларнинг ўзи чангсимон ва толали бўлади. Унинг биринчисига шлак ва гишт чанглари, қўмири кули, гипс, майдаланган оҳактош ва ёғоч қипифи киради. Толали тўлдиргичга эса асосан 7 ва 8 навли асбест киради. Тўлдиргичларнинг ўзи чангсимон турла-рининг аралашган холидагисидир: 1 қисм толали тўлдиргичга $1,5-2$ қисм чангсимонлисидан қўшилади. Иссиқ мастика таркиби: 8-9 қисм битум ва 1-2 қисм тўлдиргич. Совук мастика таркиби эса: битум-4 қисм, солярка мойи ёки уайт-спирит-4 қисмдан иборат. Мастикани маҳсус қозонда битум бўлакларини тўлиқ эритиб, унга аста-

секин тўлдиргич қўшиб, бир хил масса ҳолига келгунча аралаштириб тайёрланади. Иссик мастикани асосга суртганда унинг ҳарорати 160 градусдан кам бўлмаслиги керак. Совуқ мастикани тайёрлаш учун соляр мойи ёки уайт-спирит ва тўлдиргични алоҳида қозонда аралаштириб, унга эҳтиётлик билан эритилган битумни қўйилади ва аралаштиришни давом эттирилади. Қайноқ битумга эритувчини қўйиш асло мумкин эмас!

4. Ўрама ашёли томларни ёпиш жараёнлари. Ҳимоя қатламини бажариш

Рубероид асосга яхши елимланиши учун асос аввал грунтланиши (праймер) лозим. Грунтлаш мастикаси таркибида солярка мойи ёки бензин кўпроқ бўлади, яъни ҳажми бўйича 1:3 нисбатда олинади. Битум эритувчи қўйилаётган пайтдаги ҳарорати $80-100^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши ва тинмай аралаштириб туриш лозим. Грунтланган асос юзаси қуригандан сўнг бошқа юкоридаги ру-бероид қаватлари елимланади. Биринчи қаторнинг 10-15 см қисмини иккинчи қатордаги рубероид билан бекитилади. Бир қатордаги рубероид елимланаётган пайтда тамом бўлса, уни улаш учун 15-20 см масофада устидан бошқа рубероид ўрамаси билан бекитиб кетилади. Икки қаватли ўрама ашёли томнинг карнизи бажарилишида фартукни руҳланган тунука тасмасидан тайёрланади

Рубероидни мастикаиз ётқизиш керак бўлса, уни расмдаги Аб усули қўлланилади. Бунда бўйлама чоклардаги рубероиднинг устма-уст тушиши 12-15 см бўлади. Уларни маҳсус михлар билан чоклар бўйламасига маҳкамла-нади. Охирги қаватдаги чоклар устидан 20-30x40 мм ли кесимли рейка қўйиб мих билан қоқилади. Бир неча қаватли рубероидли томларнинг чоклари устма-уст тўғри келмасликлари лозим. Бунинг учун бирданига ҳамма қаватларни елимлаш усулини қўллаш мумкин.



3.4 - расм. Рубероид ва бошқа ўрама ашёларни асосга елимланиши:


В - рубероидли томнинг бир неча қаватини бирданига елимлаш усули:

а - уч қаватли рубероидли томни елимлаш;

б - тўрт қаватли рубероидли томни елимлаш.

Масалан, уч қаватли рубероидли томни елимланадиган бўлса, карниздан бошлаб биринчи қатордаги рубероид эни 33 см қирқиб олинган ҳолда ётқизилади. Сўнг 67 см ли эни билан рубероидни иккинчи қават сифатида карниз четидан ётқизилади. Охирги навбатда 1м энли рубероидни 3 қават сифатида ётқизилади ва кейинги қаторлар 30-33 см га суриб елимла-наверади. Худди шу тартибда тўрт қаватли рубероидли томни хам елимлана-ди. Томнинг ҳар қандай асосига рубероидни шу усулда елимлаш мумкин.

Хозирги пайтда катта майдонга эга бўлган ўрама ашёли томларни бажа-риш тўлиқ механизациялаштирилган. Маҳсус елимловчи машина ва қурилма-лар мавжуд.



расм. Мастика қаватига эга бўлган рубероидни совуқ усулда елимловчи қурилма:

1 - рама; 2 - таянч ролик; 3 - босиб текисловчи каток; 4 - чўткали хўллагич;

5 - даста-тутқич; 6 - эритувчи учун бак; 7 - жўмрак; 8 - эритувчи учун бак;

9 - тешикли қувур; 10-рубероид.

Назорат саволлари:

1. Томларни вазифаси ва уларга қандай талаблар қўйилади?
2. Томларни қандай турлари мавжуд ва улар қандай танланади?
3. Қандай ўрама материаллар, мастикалар елимлаш жараёнида ишлатилади?
4. Ўрама ашёли томларни ёпиш жараёнини тушунтиринг?
5. Мастикани тайёрлаш технологиясини тушунтиринг.
6. Ҳимоя қатламини барпо этиш ва уни вазифасини тушунтиринг.

Машғулотнинг услугбий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
3. Атаев С.С., Данилов Н.Н. и др. “Технология, механизация и автоматизация строительство” М.СИ1990г

11 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

11-мавзу	Том ёпиш жараёнлари ва мастикаларни тайёрлаш технологияси
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1.Қирқилган шиша толалари билан арматураланган совук битум-резина мастикали томларни ёпиш технологияси;</p> <p>2.Мастикаларни тайёрлаш технологияси, уларни томга узатишни механизациялашган усуллари;</p> <p>3.Тешикчаларга эга бўлган (перфорация қилинган) рубероидлар ёрдамида «нафас олувчи» томларни қуриш технологияси;</p> <p>4.Комбинациялашган конструкцияли томларни қуриш технологияси.</p>

Таянч иборалар:


Кирқилган шиша толаси, совук битум-резина, резина увоклари, мастика, механизация, тешикчалар, перфорация, “нафас олувчи”, комбинациялашган, эмульсия, аралаштиригич, технологик схема ва бошқалар.

Шиша толалари билан арматураланган совуқ битум-резина мастикали томларни ёпиш технологияси. Мастикаларни тайёрлаш технологияси, томга узатиш механизациялаш технологияси

Қирқилган шиша толалари билан арматураланган совуқ битум-резина мастикали томларни ёпиш технологияси. Ҳозирги вақтда томқопламалар асосан ўрама (рулон) ашёлар билан ёпилмоқда. Бу ашёларни кўллаш тажрибаси, том, айниқса нишобли ва гумбазли томлар, қурилишини механизациялаш ғоят мураккаб эканлигини кўрсатади. Ҳатто ўзиюрар елимловчи машинани текис ўрама ашёли том қуришда кўлланган тақдирда ҳам сувдан ҳимоялаш (гидроизоляция) қаватиниг деворига, парапетга, ойнабанд том чеккасига ва шу кабиларига ёндошган жойларини кўлда бажарилаяпти. Иссик иқлимли худудлардаги ўрама ашёли томлар ҳолатини текшириш, ёз вақтида мастиканни иссиққа чидамлигини пастлиги туфайли ўрама ашёли том тагидан нишоб бўйлаб оқиб кетишини кўрсатди. Бундан ташқари, руberoиддаги ёғнинг учиб кетиши, гидроизоляция қаватининг тез эскиришига ва бузилишига олиб келади. Ўрама ашёли томларни ўртача чидамлиги 2-3 йил, сўнг жорий ёки капитал таъмир талаб қиласи. Бизнинг мамлакатда ва чет элдаги том қурилишида ва фойдаланишида бўлаётган юқоридаги камчиликларни ҳисобга олиб шундай хулоса қилиш мумкин: том ишларининг кўп меҳнат талаб қилишини ва нархини камайтиришни энг тарақкий эттириш йўли мастикали ашёларнинг кўлланишидир. Мамлакатимизнинг жанубий районларида ўрамасиз мастикали том қурилиши учун совуқ битум-резина ва битум-каучук мастикаси ҳамда битум-латекс эмульсияси ишлатилади. Қолган мастика ва эмульсиялар фақат ўртача иқлим учун яроқлидир.


Ўрамасиз томларни текшириш кўрсатадики, арматурасиз мастикали гидроизоляция қаватида дарзлар пайдо бўлиши сабабли бундай томлар чидамлилик ва сув ўтказмасликни таъминламайди. Бундай томларни ўрама шиша ашёлари билан арматуралаш дарз кетмасликни кескин оширади. Аммо бу ҳолда худди ўрама ашёли том қуришдаги каби том ишлари сермехнатлигича қолади ва қўл меҳнатини хиссаси деярли камаймайди.

Мастиканни қирқилган шиша толалари билан арматуралаш ишларини технологиясини ишлаб чиқилиши, том қаватини мажмуали механизациялаш имконини беради. Кимёвий чидамли шиша толаси қўлланган бу том сифати ўрама шиша ашёлари (шишатўр, шиша чипта ва шу кабиларни) ишлатилган арматураланган мастикали томни фойдаланиш муддати каби таъминлайди. ЖС - 24/60 маркали шиша толаси 9-11 мк диаметрли 60 толадан иборат ип боғ (тутам) шаклида чиқарилиб, 96,4 кг гача бўлган узиб юбориш юкига бардош беради. Мастиканни пуркайдиган пистолет-сочувчи конструкцияси икки қисмдан иборат. Пастки қисм (узел) шиша толасини электродрель айлантирадиган механизм билан қирқади ва қисилган ҳаво босими орқали уни гидроизоляция қаватини арматуралаш учун сепади (3.3.6 - расм, А). Шиша толаси қирқиладиган камерада кўп тиғли қирқувчи асбоб шиша толасини узунлиги 10-25 мм бўлган қийқимларга бўлади; шиша толасини боғи найча орқали тортиб олинади. Устки қисм форсунка ёрдамида эмульсия ва коагуляторни сочади. Мастиканни сочишда битта форсункадан фойдаланилади, чунки бу ҳолда коагулятор ишлатилмайди.




Совуқ битум мастикаси ёки эмульсиясини том асоси юзасига сочувчи - пистолет: 1 - электр дрель; 2 - 220 вольтли электр кабель; 3 - даста-тутгич; 4-шиша толасини қирқиши механизми; 5-шиша қирқимларини сочувчи конуссимон халқа; 6 - шиша толалари тутамини қабул қилувчи воронкача; 7 - ҳаво тақсимлаш шланги; 8 - стволлар корпуси; 9 - мастика учун ствол; 10 - коагулятор учун ствол; 11 - жўмраклар; 12 - каогулятор шланги;

13 - ҳаво шланги; 14 - мастика шланги; 15- штуцерли айланма гайкалар. Мастикаларни тайёрлаш технологияси, уларни томга узатишни механизациялашган усуллари. Совук битум-резина мастикаси билан ёпилган том энг юқори иссиққа чидамлилиги ва физик-механик хусусиятлари билан фарқ қилишлiği, уни анча иссиқ икlimли худудларда, шу жумладан Ўзбекистон жанубида қўллаш имкониятини беради. Совук битум - резина мастикасини бу афзаллигига резина увоқлариниг битумга қўшилиши орқасидагина эришилади. Резина увоғи автомашиналарнинг эски шиналари ва резинадан қилинган буюмлар чиқарадиган корхоналарнинг қолдиқларини қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотдир. Бундан ташқари, иссиққа чидамлиликни ошириш учун толадор тўлдиргични (УІ-УП-асбест) (тошпахта) микдорини кўпайтирилади. Резина увоғи маҳсус қурилмада иссиқ битум билан бирга эритилиб олинади (3.3.1 - расм). Бу қурилмаларнинг каскад тизими ҳолида ишлатилса, самараదорлик янада ортади (3.3.2 - расм).




3.3.1 - расм. Резина увоқларини битумда эритиш учун аралаштиргичли қурилма:

1 - аралаштиргич юритгичи; 2 - юқлаш воронкаси; 3 - вал; 4 - туби конуссимон цилиндрик бункер; 5 - парраклар; 6 - электр щити; 7 - дастаки шнек; 8 - битум ва резина увоқларини айлантириш учун тишли насос; 9 - қувур ўтказгич; 10 - термометр.



3.3.2 - расм. Резина увоқларини эритиш учун уча поғонали қурилмалар тизими (каскади): 1 - бункерлар; 2 - тишли насослар.


Шу муносабат билан ТАҚИда ўтказилган текширишларга асосан юқори тезлиқда айланадиган аралаштиргич ишлаб чиқилдики, ундан фойдаланиш орқали юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилади. Юқори тезлиқда айланадиган аралаштиргичда (3.3.3 - расм) тайёрланган мастика «технологик» бўлиб ўрамасиз мастикали том қуришни механизациялашга имкон беради[5]. Бу аралаштиргичга асосан совук мастикани тайёрлашни марказлаштириш учун технологик схема ишлаб чиқилди.



3.3.3 - расм. Совуқ битум-резина мастикасини тайёрлаш учун юқори тезлиқда ишлайдиган ТАҚИ конструкцияли аралаштиргич: 1 - сфера шаклидаги корпус;

2 - редуктор; 3 - аралаштирадиган парраклар; 4 - юқлаш қопқоғи; 5 - Г15-22 туридаги гидромотор; 6 - А02-51-6 туридаги электр юритгич; 7 - насос қурилмаси;

8 - ўтказгич қувурлар.



3.3.4 - расм. Совуқ битум-резина мастикасини тайёрлаш технологик схемаси:

1, 2, 4, 5, ва 6 - дозаторлар; 3 - резина увоқларини иссиқ битумда эритувчи қурилма ёки қурилмалар тизими; 7 - юқори тезлиқда ишлайдиган ТАҚИ конструкцияли аралаштиргич; 8 - тайёр маҳсулот бункери

**Тешикчаларга эга бўлган рубероидли, “нафас оловчи” томларни, комбинациялашган конструкцияли томларни қуриш технологияси
Тешикчаларга эга бўлган (перфорация қилинган) рубероидлар ёрдамида «нафас оловчи» томларни қуриш технологияси**

Курилишда ўрама ашёли томқопламаларини барпо этиш энг сермеҳнат ва унумдорлиги ва механизациялашганлик даражаси анча паст жараёнлардан ҳисобланади. Лекин бир пайтда бинони барпо этиш учун том ёпиш ишларига умумий харажатнинг 12-15% сарф қилинади. Ўрама ашёли томқопламаларининг барпо этишдаги сермеҳнатлигини камайтириш учун корхона шароитида тайёрланадиган эрийдиган мастика қатламли рубероидларни кенг қўллаш зарур. Бундай ашёдан фойдаланиш томқопламаларининг мустаҳкамлигини оширади ва уни маҳсус агрегатда самарали усул бўлган рубероидни қатламини эритиш орқали бажарилади. Бу усулни қўллагандан қуйидаги самараларга эришилади: битум мастикасини тайёрлаш ва уни ташиб жараёни бўлмайди; битумни тежаш имконияти бўлади; кескин иш унумдорлиги ортади ва ишлаш шароити яхшиланади. Бу усулнинг яна битта афзалиги шундаки, рубероид елимланаётганда бир вақтда ҳимояланаётган асос иситилиб қурийди ва елимлаш учун қулай шароит яратилади.

Хозирги вақтда бизнинг Республикада ва чет элларда эрийдиган қатламли рубероидлардан фойдаланиш, уларни такомиллаштириш ва сифатини ошириш ҳамда умрбокийлигини ошириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Чет элларда ишлаб чиқилаётган эрийдиган қатламли рубероидлар бизнинг иқлимий шароитимизга, яъни юқори ҳароратга чидамайди. Шунинг учун Республикамизда т.ф.н. доц. Жабборов У.Р. бошчилигига юқори сифатли эрийдиган қатламли рубероид таркиби ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган. Бундай ўрама ашё хозир Поп шахридаги рубероид ишлаб

чиқариш корхонасида күплаб тайёрланмоқда. Рубероидни қатламини эритиб, томқопламасини барпо этиш асосий технологик жараён ҳисобланади. Бунинг учун мажмуали механизациялаш воситалари ишлаб чиқилған. Уларга бир ва күп алангали газ билан эритиб елимлагич (горелка), инфра қызил нурли елимлагич ва бошқа иссик усулда ишловчى асбоб-ускуналар киради (3.4.1-расм).

Елимлагич қурилма ёрдамида томқопламани барпо этиш технологик кетма-кетлиги қуидагича бўлади. Томқопламанинг биринчи қавати аввалдан грунтланган (праймерланган) юзага ётқизилади. Елимлаш олдидан рубероид ўрамаси ёйиб чиқилади ва узунлиги бўйича йўналиши, чок ҳосил бўладиган жойлар аниқланади.


Ёйилган рубероиднинг энг уч қисми бир алангали елимлагич-қурилма ёрдамида елимлаб олинади ва рубероид йиғилиб, ўрама ҳолига келтирилади ва зичлагич-қурилмага ўрнатилади. Сўнг кўп алангали елимлагич ва зичлагич-қурилма биргаликда харакатланиб, рубероидни елимлаш бошланади. Бу жараённинг технологик схемаси 3.4.2-расмда кўрсатилган. Лекин бундай томқопламаларини асосга бутун юзаси бўйлаб сидирғасига елимлаб юборишни битта жиiddий камчилиги бор. Бу камчилик шундан иборатки, томқопламалардан фойдаланишни биринчи йилларида ёқ асос ва томқоплама орасида ҳаво бўшлиқлари ҳосил бўла бошлайди ва томқопламанинг хизмат муддатини қисқаришига ҳамда таъмирлаш учун қўшимча харажатларга олиб келади. Ҳаво бўшлиғини пайдо бўлишига сабаб, томқопламасини қуёш радиацияси остида қизиши, натижада асос ва мастика қаватлари орасидаги буғ-ҳаво аралашмасидан ортиқча босим ҳосил бўлиши сабаб бўлади. Бундай нуқсон ва камчиликни йўқотиш учун асосга томқопламасини сидирғасига эмас, балки қисман елимлаш даркор. Бу ҳолатда ҳаво бўшлиғи ҳосил қиласидан ортиқча буғ-ҳаво босими ташки ҳаво билан бирлашган томқопламани бўш юзалари бўйлаб ташқарига тарқаб кетади. Бундай усулда барпо қилинган томларни «нафас олувчи» томқопламалар дейилади. «Нафас олувчи» томқопламаларни қўллаш фақат ҳаво бўшлиқларини ҳосил бўлишини олдини олиб қолмай, балки асос ашёсидаги намликтини камайишига имкон беради (ёз даврида $1\text{kg}/\text{m}^2$ гача). «Нафас олувчи» томқопламаларни бетон, цемент-қумли қоришка, керамзит бетон ва бошқа шуларга ўхшаш ашёли асосларга елимланади.

Томқопламани асосга қисман елимлаш учун пастки қатламга қуидагилар қўлланилади:

1. Асосга қуруқлигича ётқизиладиган диаметри 20 мм $100\times100\text{mm}$ қа-дамли тешикларга эга бўлган (перфорация қилинган) рубероид (3.4.3-расм). Унинг устидан иккинчи қаватни елимланаётганда мастика пастки қатлам тешикларидан кириб, уни асос билан нуқтали елимлайди (3.4.4-расм).

2. Асосга оддий рубероидни мастика билан бир текис тарқалган, тасмасимон ёки узилган тасма тарзида, умумий майдондан 25-35% елимланган ҳолда бажарилади (3.4.5-расм).

Перфорация қилинган рубероид тешикларининг диаметри ва қадами керакли елимланиш кучини таъминлайди. Елимлашнинг минимал юзасини шамол кучини томқопламасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда асос билан мастикани ёпишиш адгезия қийматини аниқлаш орқали топилади. Перфорацияланган рубероидни қўллаш афзалроқдир, чунки берилган елимлаш юзаси аниқ таъминланади. Перфорацияланган рубероидни ишлаб чиқариш саноатимизда ҳозирча йўлга қўйилмаган. Уни маҳсус қурилма ёрдамида қурилиш шароитида тайёрлаш мумкин (3.4.6-расм). Қурилма унумдорлиги бир сменада – 1200 m^2 ; қуввати – 13 кВт; ўлчамлари - $1429\times1160\times706 \text{ mm}$; оғирлиги – 242кг.




3.4.2-расм. Рубероидни перфорациялаш схемаси.

Комбинациялашган конструкцияли томларни қуриш технологияси.

«Нафас олувчи» томқопламалари билан бир қаторда илғор технология сифатида комбинациялашган томқопламалари барпо этилмокда. Бунда томқопламалар конструктив жиҳатдан, яъни томқопламалари қаватларининг ашёларини турличалиги билан фаркландади. Комбинациялашган томқопламаларнинг бир нечта вариантиларини келтириш мумкин:

1. Икки-уч қаватли оддий рубероид ва учинчи ёки тўртинчи қаватига мастика қатлами берилади. Бунда мастика қатлами қирқилган шиша толаси билан арматураланади.
2. Биринчи қавати перфорацияланган рубероид, кейинги қаватлари қирқилган шиша толаси билан арматураланган совук битум-резина мастикаси қатламлари.
3. Биринчи қавати перфорацияланган рубероид, кейинги қаватлари эрийдиган мастика қатламли рубероиддан ташкил топади.
4. Тўртинчи вариант, энг такомиллашган технология бўлиб, ҳозирча муаммоли масалалари мавжуд. Унинг биринчи ва иккинчи қаватлари оддий ёки мастика қатламли рубероидлар бўлиб, устки ҳимоя қатламлари сифатида кенгаювчи цементдан тайёрланган цемент сутидан фойдаланилади. Цемент сутини қирқилган шиша толалари билан дисперс тарзда арматураланади. Цемент сутини пуркаш ва уни шиша толалари билан арматуралаш юкорида кўрсатилган махсус пистолет сочувчи ёрдамида бажарилади.

Хисобланиб, 25-30 йилгача кафолат берилади. Бундай томқопламалар фойдаланиладиган том сифатидаги вазифани ўташи мумкин. Бу муаммоли масалаларни хал этиш учун ТАҚИнинг «Қурилиш технологияси ва ташки-лиёти» кафедраси ўқитувчилари ва магистрантлари йирик илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини олиб бормоқдалар.



расм. Эрийдиган қатламли рубероидни инфрақизил нури усулида қиздириб елимловчи янги қурилма схемаси: 1- инфрақизил нури ёрдамида иситкич; 2 – елимланаётган рубероид; 3 – тўпланган мастика қатлами

12 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

12-мавзу	Металл ва асбестоцемент шифер томларни қуриш технологияси
-----------------	------------------------------------------------------------------

Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)

<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> Металл томларни қуриш технологияси; Шифер (асбестоцемент)лардан томларни қуриш технологияси; Том ёпиш ишларida хавфсизлик техникаси қоидалари. Мехнатни муҳофаза қилиш ва ёнғинга қарши кураш чоралари.
-----------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Таянч иборалар:

Металл, шифер, черепица, томлар, фальц, тунука, обрешетка, рухланган, қияликлар, түлкінсімін, асбест таhta, карниз, чордокли, ҚМК 3.04.94, туманда, көр ёғиб турғанда, ташлаш ва бошқалар.

Металл томларни қуриш, шиферлардан томларни қуриш технологияси

Металл томларни қуриш технологияси

Юпқа тунуканы мураккаб томларини ёпишда ҳамда карніз қисміда, хи-моя фартуги, ёмғир суви оқадиган құвур, дераза остининг ташқи токчаси ва бошқа деталларини қуришда юпқа тунука ишлатилади. Тунука томлар ши-ферли томларга нисбатан 2-3 марта қимматга тушади ва фойдаланиш даврида тизимли равишда ҳар 3-5 йилда бўяб турилади. Том тунукалари юмшоқ тоб-ланган пўлатдан тайёрланади. Икки томни рухланган тунукалар 8-10 йил да-вомида зангламайди. Тунука қалинлиги 0,45 дан 1мм гача, эни 710 мм, узун-лиги 1420 мм бўлиб, оғирлиги 3,5 дан 8 кг гача. Қора (рухланмаган) тунука-ни фойдаланишдан олдин қуруқ қилиб мойини артилади, занги бўлса кетка-зилади ва иккала томони иссиқ алиф мойи билан икки марта суркалади. Тунука мойини бензинга шимдирилган латта билан артилиб, алифга озгина бўёқ қўшиб суркаб чиқилади. Тунука том учун асос бўлиб, кесими 50x50 мм бўлган рейка ёки қалин-лиги 25 мм дан кам бўлмаган тахталар хизмат қилади. Рейка ёки тахталар орасидаги масофа 20 см дан ошмаслиги керак. Бундай томни ҳар хил детал-лари (15-расм, А) да кўрсатилган.

Ётиқ (горизонтал) фальц (букилган) остига эни 100-120 мм дан кам бўл-маган тахталар ётқизилади. Ётиқ фальцлар орасидаги масофа (тунука узун-лиги 1420 мм бўлганда) 1370 дан 1400 мм гача бўлади. Баъзан тунука том тагига бир текис зич ҳолда рейкалар қоқилиб, унинг устидан бир қават рубероид ётқизилади. Бу чордок ичида чиқаётган сув буғ-ларини тунукага таъсир қилиб, коррозияга учрашидан асрайди ва шу билан унинг хизмат муддатини оширади. Тунука томларни қуриш керакли деталларни аввалдан тайёрлашдан бош-ланади. Аввал тунука тахтасининг узун томни бўйлаб фальцлар букилиб чи-қилади. Сўнг тунуканинг калта томонлари ётувчи фалцлар билан бирлаштирилади. Агар том қиялиги узунлиги унча катта бўлмаса, унинг ҳаммаси аввалдан кўндаланг чоклари бўйича бирлаштирилади. Том устидаги эса фақат узунасига тик фальцлар улаб чиқилади.

Тунукалар обрешетка рейкаларига кляммерлар билан маҳкамланади, яъни уларнинг бир томони асосга иккінчи томони эса тик турувчи фальцлар билан биргаликда букиб уланади. Кляммерлар орасидаги масофа 50-70см бў-либ, уларни эни 3-4см ва узунлиги 10-15см бўлган тасма тарзида рухланган тунукадан кесиб олинади, сўнг 90 градусга бурилади. Тунука томнинг карниз қисмини Т-шаклидаги костил ёрдамида ушлаб турилади. Бундай костил карниз четининг ҳар 70смiga қоқиб фойдаланиш мумкин.

Тунукаларни фальцли бирлаштиришнинг кетма-кетлиги 5.15-расм, Бда кўрсатилган. Икки марта букиладиган фальцни бирлаштириш сермеҳнат хи-собланади, лекин бир фальцлига нисбатан бу усул ишончлидир. Тунука том-нинг нозик жойларидан бири мўри атрофи бўлиб, унга «ёқа» тайёрлаш учун ҳамма тайёргарлик ишларини ерда верстак (дастгоҳ)да бажариб олинади. Тайёр «ёқани» томни бошқа жойлари билан бир қаторда биргаликда ўрнатиб кетилади. Агар мўри аввал қуриб қўйилган бўлса, тунука ёқани икки бўлак-дан иборат қилиб тайёрланади.

Қора (рухланмаган) тунукадан қилинган том юзасини дархол алифлаб, сўнг бўяш лозим. Темирли суриқдан иборат бўлган мойли бўёққа грунтлаш учун алиф ишлатилса, нитроэмал бўёқлар учун нитрогрунт (суюқлантирил-ган) ишлатилади. Бўёқ икки қаватдан кам бўлмаслиги лозим ва ҳар бир бўёқ қалинлиги қанчалик юпқа бўлса шунчалик сифатли ҳисобланади. Рухланган тунука томни биринчи 10 йил давомида бўяmasлик мумкин.

Тунуканы асосга мустаҳкам ҳолда ўрнатишида уни кляммерга маҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кляммерлар ҳар бир тунука тахтасига камида иккита мўлжаллаб қўйилади ва рейка ёнига михланади. Аввал айтиб ўтилганидек, Г- шаклидаги уй томининг нишаб пастидаги новсимон қисмини ясаш мураккаб бўлади. Шу бурчакка одатда сув

ийиши мослаб, сув қабул қилувчи тунука қувур ўрнатилади. Бу конструктив детални қуриш схемасида кўрсатилган. Том тунука билан ёпишда ва унинг деталларини тайёрлашда турли туман қўл асбоблари ва мосламалари қўлланилади.

Шифер (асбестоцемент)лардан томларни қуриш технологияси

Тўлқинсимон профилли асбест цемент тахталар (шифер)дан том ёпиш кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда хусусий уйларни қуришда томни тўлқинсимон профилли асбест-цемент тахталар билан ёпиш кенг тарқалган ва тех-нологик жихатдан қулай ҳисобланади. Бундай томни оптимал қиялиги 20-45 градус ўртасида бўлади. Унинг яхши сифатларидан бири юқори даражадаги бикирлиги бўлиб, стропила устидан бир текис тахта қоқиши ҳожати қолмайди ва шу туфайли томнинг умумий массасини камайтириш имконияти туғилади. Рейкани кўндаланг кесими 50-30 мм бўлган ҳолатига тахталарни тилиб тайёрланади, улар стропилаларга михланади. Карниз рейкалари қалинлиги 60 мм бўлиб, улар орасидаги масофа 500-550 мм, яъни кичик ўлчамли асбест цемент тахта узунлиги ярмидан сал камрок бўлади (5.12-расм, а). Умуман олганда асбестцемент тахтанинг ҳар хил ўлчамли бўлишига қарамай фақат учта рейкага таянади. Кичик шиферлар рейкаларга 70-90 мм ли, катталари эса 100-120 мм ли михлар билан маҳкамланади. Шифер учун махсус михлар бўлмаса, оддий михлар учун рухланган тунукадан шайба қўйилади. Шиферлар михлангандан сўнг мих каллакларини сурикли бўёклар билан суртилади. Том ёпиш карниздан бошланиб, юқори қиррасида тамомланади. Икки нишабли томнинг чўққисига махсус асбест цементли чўқки бўллаги (КПО-2) қўйилади (5.12-расм, б). Агар бундай бўлак топилмаса, унинг нов шаклида бир-бирига қоқилган иккита тахта билан ёпиб михланади (5.12-расм, в). Тахталар аввалдан алифланиб темир суриги бўёғи билан бўялган бўлиши керак.

Шиферларни томга ёпишда икки усулдан фойдаланиш мумкин (5.13-расм, а,б). Биринчи усулда ҳар юқоридаги қатордаги шиферларнинг устма-уст тушган бўйлама чокини бир тўлқинга суриб борилади. Иккиничи усулда эса бўйламаси тўлқин сурилмаган, лекин шифер бурчаклари қирқилиши керак. Чунки бу ҳолда шиферлар бирлашадиган жой тўрт қаватдан иборат бўлиб кетиб, улар орасида зичлик йўқолади. Асосий шамол йўналишини ҳисобга олинниб, яъни шамол бўйлама чокка уриладиган бўлмаслиги учун улар чапдан ёки ўнг тарафдан бошлаб қўйилади.

Карниздан бошлаб териладиган биринчи қатордаги шиферлар четки стропилалар учига мих қоқилиб тортилган ипга мосланади. Қўшни шиферлар бўйламасига яrim ёки бир тўлқин ҳисобига устма-уст қўйиб терилади. Гори-зонтал биринчи қатор устидан иккинчи қатордаги шиферлар 10-15 см бости-рилади.

Г-шаклида қурилган уй томлари шифер билан ёпилганда маълум қийин-чилик туғилади, яъни ҳосил бўлган ёндова (пастки том қирраси) конструктив жихатдан мураккабdir (5.14-расм, А). Бу ҳолда бир текис тахта асос бўйлаб рухланган тунукани тарнов кўринишида қиялик бўйлаб ётқизилади. Тунукани асосан бурама михлар билан маҳкамлаган маъқул. Сўнг устига те-риладиган шиферлар михланмасдан териб чиқилади ва рақамланади. Шифер-лар устидан каноп тортиб, тунука устига 150 мм бостирилишини ҳисобга ол-ган ҳолда чизиб олинади. Шундан кейин ҳар бир шиферни ортиқча қисми ар-раланади ва михланади. Чордоқли томларнинг деярли ҳаммасида унинг ичи-ни ёритиш ва шамоллатиш ҳамда том устига чиқиш учун дераза қолдирилади.

Том ёпиш ишларида хавфсизлик техникаси қоидалари. Мехнатни муҳофаза қилиш ва ёнгинга қарши кураш чоралари.

Том ёпиш ишларини бажаришда техника хавфсизлигига ҚМК 3.04-94 асосан риоя қилиш лозим. Том ёпувчилар махсус кийим ва шахсий химоя воситаларига эга бўлиш-лари керак. Томда ишлаганда хавфсизлик белбоғи билан таъмирланган бў-либ, уни ишончли жойга маҳкамланиши шарт. Қуюқ туманда, кечаси етарли ёритишни иложи бўлмаса, шамол кучи 6 баллдан юқори бўлганда, кучли жала ва қор ёғиб турганда том

ёпиш ишларитүхтатилади. Том ёпиш ишлари учун асбоб-ускуналар ва мосламалар доимо тузук яроқли ҳолатда бўлиши талаб этилади. Электр билан боғлиқ ҳамма механизмлар ерга уланган бўлиши керак. Ўрама ашёли ва мастикали томларни бажарилаётганда иш жойида чекиш мутлақо ман этилади. Айниқса мастика қаватига эга бўлган рубероидни со-вук усулда, яъни эритувчи ёрдамида юмшатиб елимланётганда эҳтиёт чора-ларини кўриб қўйиш шарт. Иш тугаганда ёки танафус пайтида асбоб-ускуналарни томдан тушириш ёки махкам бойлаб қўйиш керак. Томдан ерга ашёлар ва асбоб ускуналарни ташлаш мутлақо ман этилади.

Назорат саволлари:

1. Донабай материаллардан томларни қандай турларини биласиз?
2. Изоляция қатламини турларини тушунтиринг?
3. Иссик-совуқдан сақлаш-химоя қатламини тушунтиринг?
4. Том ишларидаги техника хавфсизлиги қоидалари тушунтиринг?
5. Ёнфинга қарши тадбирлар тўғрисида нимани биласиз?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
3. Атаев С.С., Данилов Н.Н. и др. “Технология, механизация и автоматизация строительство” М.СИ1990г

13 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

13-мавзу	Полларни қуриш жараёнлари технологияси
Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
Маъруза режаси	1. Пол ости асосларини қуриш; 2. Ёғоч тахта полларни қуриш технологияси; 3. Паркет полларни қуриш технологияси;

Таянч иборалар:

Пол, пол ости, асос , ёғоч, пол қопламаси, тахта, паркет пол, пол қатламлари, тахтача, мих елимли ва бошқалар.

Пол ости асосларини барпо этиш, ёғоч тахта полларни қуриш технологияси Пол ости асосларини қуриш;

Бундай поллар грунт устига ёки қаватлараро ёпма тўсинлари устига қурилади.

Бунда тахта пол остидаги түснини бир текис ўрнатиш катта аҳамиятга эга. Полости түснинларни ерга қўйилган ғишт ёки бетон устун ёки қаватлараро ёпма түснинг ўрнатилади. Аввал хонанинг икки четидан полости түснини горизонтал ҳолда ўрнатилади ва уларнинг ўзаро бир текисликда горизонталлиги «шайтон» билан текширилади. Сўнг полости түснинлари устидан ип тортиб қолган пол ости түснин ҳам ўрнатилади.

Паст баландликларни пол ости түснини остига ҳар хил қалинликдаги ости ўйичлар билан тўғриланади.

Тахта қалинлиги 35-40 мм бўлганда пол ости түснинлари орасидаги масофа ўқ бўйича 80-85 см олиш мумкин. Тахталар бундан юпқароқ бўлса пол ости түснини орасидаги масофа 50-60 см гача қисқартирилади. Тахталарнинг қуритилганларини ва яхшилаб рандаланганини ҳамда эни 200 мм гача бўл-ганларини ишлатиш керак. Пол учун энг яхшиси шпунтланган тахталардир. Тахталарни ётқизишдан олдин, хона ўлчамига мослаб текис арралаб олинади. Тахталарни узунасига уланадиган жойларини зич чиқиши учун уларни учларини бурчаклик билан чизиб олиб арралаш керак. Тахталарни уланадиган жойи пол ости түснини ўқида бўлиб, албатта михланади.

Ёғоч тахта полларни қуриш технологияси;

Тахта полларни ётқизиш тартиби қўйидагича: аввал деворга зичлаб биринчи тахтани ётқизиб, ҳар бир түсинга иккитадан мих (узунлиги 100-125 мм) қоқиб чиқилади. Михни сал кияланиб қоқилиши ва унинг қалпоғини тахтага 3-5 мм гача ботириш керак.

Биринчи тахта ёнидан бир неча (3-4 тагача) тахталарни бирданига ётқи-зилади. Сўнг түснинларга энг четки тахтадан 5-7 см берироқдан оддий ушла-гичлар, яхшиси Смоляков ушлагичини қоқилади. Тахта ва ушлагич орасига поналарни қоқиб киритилади. Шунда тахталар бир-бирига зичлашади, уларни кейин михланади. Энсиз тахталарга биттадан, энлироғига эса иккитадан мих қоқиши керак. Сўнг пона ва ушлагичлар чиқариб олинади ва яна бир нечта тахта ётқизилади, ушлагичлар яна аввалгидек қоқилади. Шу тариқа жараён давом эттирилади. Тахталар орасидаги оралиқ 1мм дан ошмаслиги, мих узунлиги эса тахта қалинлигидан 3-4 марта узунроқ бўлиши керак. (6.1-расм).

Паркет полларни қуриш технологияси;

Пол қуриш учун паркет кенг кўлланилади. Бу иш ҳар хил пол қуришдаги бошқа ишларга нисбатан энг мураккаби ҳисобланади. Хусусий уй қурувчилар асосан алоҳида паркет тахтачаларидан фойдаланишади. Паркет тахтачаларнинг узунлиги 150 дан 400 мм гача, эни 30 дан 90 мм гача ва қалинлиги 15 дан 18 мм гача бўлади. Паркет тахтачалари икки хил тайёрланади, биринчи тури –тахтачанинг биттадан бўйламасига ва кўндалангига ўйик қилинади, қолган икки томонида эса қирра бўлади:

Паркет тахталарни ётқизишда ўйикларга рейкачалар (шип) қўйилади. Улар кўпинча қарагайдан тайёрланиб, ўлчамлари: узунлиги 30, эни 14 ва қалинлиги 4мм бўлади. Уларни жойлашиш схемаси (6.2-расм, А-расм)да кўрсатилган.

1м² пол юзасига қанча паркет тахтачалари сарфланиши 1 жадвалда келтирилган.

100 дона паркет тахтачаларининг юзасини 2-жадвалдан аниқлаш мумкин.

Паркет тахтачалари асосга михда қоқилиши, елим ёки мастика ёрдамида елимланиши мумкин. Бундай полларни таъмирлаш ёки янгисини қуришни ўз қўлимиз билан бажара олишимиз мумкин. Тахта асосга паркет тахтачалари асосан михланади.

Паркет тахтачаларидан ҳар хил кўринишига эга бўлган полларни қуриш мумкин. Кўпроқ паркетли поллар фризли бўлади. Бундай полни қуриш тех-нологияси (6.2.Б расм)да кўрсатилган. Паркет тахтачаларини хонанинг ўрта-сидан арча кўринишида териб, периметр бўйича эса фриз ҳосил қилиш деко-ратив арчани ҳосил қиласи. Фризли пол кўриниши жиҳатидан чиройли бўлиб, майда ўлчамли тахтачалардан ҳам фойдаланиш имконини беради, лекин иш бир оз мураккаброқ бўлади. Тахта асосга паркет тахтачалари михланади. Михни тахтача устидан эмас, балки ён четидан қоқиб киритилади ва ҷўктирилади. Паркет тахтачаларини фақат арча кўринишида эмас, балки бошқа турли хил

расмлар вариантида ётқизиши мүмкін (6.3 -расм). Ётқизилған паркет таҳтачаларининг юзасини силлиқлаш асосий жараён-лардан биридир. Умумий текислаш учун юза рандаланади. Рандалаш осонла-шиши учун таҳтача юзаси хўл латта билан аввал артиб чиқилади. Рандалаш одатда тиззалаб олган ҳолда бажарилади. Тизза остига бирор юмалоқ ашё қўйиб олиш керак. Рандалашдан сўнг циклёвка қилинади. Бунинг учун маҳ-сус асбоб-циклия (ўрокранда ишлатилади) (6.4-расм). Циклёвкалаш паркет пол қуришдаги энг оғир жараён ҳисобланади. Узун дастали ўрокранда ёрдамида ишланганда кам куч сарфланади, лекин силлиқлаш тозалиги калта дастали ўроқ рандага нисбатан паст бўлади. Циклёвкаланган паркет пол юзасига мастика ёки лак суркалади. Пол кобигининг куйидаги гурухларга ажратиш мүмкін: ёгочдан буладиган, куйиладиган, синтетик урама материаллардан, чоксиз полимер мастикадан, плиткалардан. Куйиладиган пол кобигини бетондан, цементли-кумли кориshmадан, мазайкадан ва кисловитовий аралашмадан барпо этиш мүмкін. Бетон кобиги тозаланган цемент сути билан грунтовка килинган асосга ётқизилиб, уни барпо этиш технологияси бетонда пол ости катламини барпо этишга ухшаган булиб, факат унинг юза кисмини кушимча пардозлаш ва мустахкамлаш билан боялик булган кушимча операцияларни бажариш билан ажралади. Лойихада курсатилганда кобикнинг механик чидамлилигини ва сув утказмаслигини ошириш максадида бетон кобикнинг юзаси 3...5 мм фрезерланиб олиб ташланиб ёки 1-2 мм шлифовка килиниб сунгра юзага флютлар шимдирилади ва таркиблар билан мустахкамланади. Флютлар сифатида сувли кремфтор кислота шимдирилгандан сунг мустахкамлаш учун суюлтирилган шиша ва 1 суткадан сунг хлор калций шимдирилади. Хамма ишлар бажарилгандан сунг юза полиуретан лака билан химоялаш учун копланади.

Цементли кумли коришмали пол кобиги маркаси 200 дан кам булмаган кориshmадан калинлиги 20-30 мм 1 катламда бетон полга ухшаш барпо этилади. Агар лойихада унинг юзасини мустахкамлаш талаб этилса, коришма котмасдан, унинг юзасига эланган цемент сепилиб, силликлаб чиқилади. Эксплуатация даврида оғир механик кучлар таъсир этадиган полларда цементли кумли коришма маркаси 400 ва пулат киринди кушилган маркаси 500 булган калинлиги 20 мм ли устки катлам. Мозайкали пол кобиги 2 катлами булиб, пастки 40-50 мм калинликдаги цементли-кумли коришма ва устки юза катлами 20-25 мм мозайкали аралашмадан барпо этилади. Мозайкали аралашма хар хил рангдаги цемент куп холларда ок цемент кулланилади) пигментлар цемент вазнининг 15% дан куп булмаган микдорда, силликланадиган тош майдалари (мармар тош) фракцияси 2,5...5,5...10, 10...15 мм булган таҳминан бир хил микдорда кушиб тайёрланади. Лойихага мувофик мозайкали катлам бир хил рангда ёки хар хил рангда булиши мүмкін. Бир хил рангдаги мозайкали пол учун коришма марказлашган усуlda тайёрланиб, объектга келтирилса самарадор ҳисобланади. Коришма тасмалар буйлаб ётқизилиб, хар бир тасма маяк таҳталар билан чегаралаб куйилади. Коришма энг чеккадаги тасмадан бошлаб, бир тасма оралатиб куйилади. Ётқизилған тасманинг коришмаси котганда маяк таҳталар олиниб колдириб кетилган поласалар куйилади.

Пол катлами виброрейкалар билан зичланади. У маяк таҳталар буйича суриб турилади. Коришма яхшилаб зичлангандан кейин, полнинг сирти андава билан силликланади. Хар хил рангдаги мозайкали пол учун коришмалар объектнинг узида тайёрланади. Бундай коришмалар вибратор билан зичланмаганлиги сабабли харакатланувчан пластик коришма булиши керак. Пол рангларини ажратиш учун шиша, латун ва зангламайдиган пулатдан тайёрланган жилкалардан фойдаланилади. Жилкалар пастдаги цементли-кумли катламга махкамланиб, улар маяк вазифасини бажаради ва шу буйича коришма ётқизилади, текисланади ва силликланади. Мозайка копламаси юзасига кул мозайка шлифовал машинкасида ишлов берилиб силликланади. Ишлов бериш жараёни хулловчи суюклик билан биргаликда олиб борилади. Суюклик сифатида 0,2% сувли натрий бикорбонат ишлатиш мүмкін. Кисловитовий коплама - 20 мм калинликда намлиги 60% дан ошмайдиган, учкин чикмайдиган, чангланмайдиган хоналарнинг

поллари копланади. Ксилолит коришма объектда намлиги 20% дан ошмайдиган йириклиги 3 мм ча булган ёгоч кипиги, каустик магназит, магний хлорит кушиб тайёрланади. Коришма ёгоч маяклар билан ажратилган тасмалар буйлаб ёткизилиб, устидан уриб зичланади. Котгандан сунг хлор магнийли суюклик билан енгил хуллатиб, шлифоват килинади. Пол копламаси лак билан копланса, унинг хизмат килиш муддати узаяди. Ёгочдан буладиган поллар - рандаланган тахтадан ва паркет тахталардан: донали, мозайкали ва шитли паркетдан; ёгоч-кипикли, ёгоч-толали плитадан барпо этилади. Урама синтетик материаллардан турар жой ва фукаро бинолари полларининг 70% га якини копланади. Урама материалларга линолеумлар ва тукли синтетик гилам материаллар киради. Линолеумлар курук текис асосга хоналарда барча курилиш монтаж ишлари, шу жумладан гул когоз ёпиштирилгандан сунг бажарилади. Хона температураси +15°C дан кам булмаслиги, намлиги 60% дан ошмаслиги лозим. Линолеум асосга елим ёрдамида ёпиштирилиши ёки курук ёткизилиб, факт чеккалари елимланади. Синтетик тукли гиламлар туклари дераза томондан эшик томонга ётик булган холда ёткизилади. Гиламларни ёткизишни 3 усули мавжуд булиб, асосга курук елимланмасдан, елимлаб ва тортиб ёткизилади. Курук ва елимлаб ёткизиш усуллари линолеум ёткизишга ухшаган булиб, тортиб ёткизишда пол яхши, сифатли булади, аммо бунинг учун маҳсус тортиш курилмалари керак булиб, бу усул кам кулланилади.

Назорат саволлари:

1. Полларнинг турлари ва уларга қўйиладиган қандай?
2. Пол ости асосини тайёрлаш усулларини тушунтиринг.
3. Қўйиладиган пол қопламасини барпо этишда иш операциялари таркибини, кетмакетлигини ва бажариш технологиясини тушунтиринг.
4. Ёгоч полларни барпо эитиши технологиясини тушунтиринг.
5. Донабай ва ўрама материаллардан поллар қандай қурилади?
6. Полларни иш жараёнларини ташкил этиши қандай амалга оширилади?
7. Пол қуриш ишлари сифатини назорат этиши ва қабул қилиш қандай амалга оширилади?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўкув қўлланма. 2000.
2. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўкув қўлланма. 2000.
3. Атаев С.С., Данилов Н.Н. и др. “Технология, механизация и автоматизация строительство” М.СИ1990г

14 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

14-мавзу	Линолеумли, сопол, яхлит, мастикали полларни қуриш технологияси
-----------------	------------------------------------------------------------------------

Маърузани олиб бориши технологияси(машғулот модели)

Маъруза режаси	1.Линолеумли полларни қуриш технологияси; 2.Сопол тахтачали полларни қуриш технологияси; 3.Яхлит пол ёпмалари: бетон, асфальтбетон, мозайкали поллар; 4.Мастикали полларни қуриш технологияси.
-----------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Таянч иборалар:

Арматураланган қопламали поллар, полиэфир, яхлит пол, мастика, саноат бинолари, бетон асос, таъмирлоаш, режа тахта, бетон мозайкали, асфальтбетон, керамик, сопол, плиткалар, фриз қатор, қоришка, ленолеумли, матоли ленолеум ва бошқалар.

Линолеумли полларни қуриш технологияси; керакмик-сопол тахтачали полларни барпо этиши жараёнлари

Линолеумли полларни қуриш технологияси

Поллар учун линолеум ва пластик плиталар кенг қўлланилади. Тураг жой уйлари хоналарнинг полига мато асосли ва матосиз линолеум қопла-нади.

Линолеумлар узокка чидайди, эластик, ейилишига чидамли ва гигиена талабларига жавоб беради. Улар барча пардозлаш ишлари тугагандан сўнг текис, қаттиқ ва қуруқ асосга тўшалади. Линолеум тўшашга тайёрланган асоснинг юзаси 2м ли рейка билан текширилади. Асос билан рейка орасидаги тиркиш 2мм дан ошмаслиги керак.

Сотиб олинган линолеум ўнгини ичкарига қаратиб ўралган ўрама (рулон) тарзида келтирилади. Линолеум буришиб қолмаслиги учун ўрамалар вертикал вазиятда ташилади ва сақланади. Линолеум ўрамалари тўшаш учун тайёрланган хонада 1-2 кун мобайнода горизонтал вазиятда сақланади. Сўнгра улар ёйилиб, бир неча кун мобай-нида шундай қолдирилади. Шунда унинг буришиб колган жойлари тўғрила-ниб, асосда зич ётадиган бўлади. Линолеум дераза томондан бошлаб тўша-лади шунда бўйлама чоклари унча билинмайди. Залларда линолеум хонанинг узунасига тўшалади.

Линолеум хонанинг ўлчамларини ва шаклини ҳисобга олган ходда, тўша-ладиган жойнинг ўзида бичилади. (6.5-расм, а). Линолеумнинг кўндаланг чок-лари кишилар кам юрадиган жойларда, бир чизиқда ётмайдиган қилиб жой-лаштирилади. Ёйилган линолеум четлари хона контурига мослаб қирқилади (6.5-расм, б). Линолеум тўғри ва текис қирқилиши учун пичоқ ёки кескич 4 линолеумга зич босилган чизгичга тақаб юргизилади. Линолеум чоклари ос-тига фанера 6 қўйиб қирқилади. Шунда пичоқ тифи тез ўтмаслашмайди. Линолеумни тўғри бурчак остида қирқиш учун узун томони камида 1м бўлган гўниядан фойдаланади. Деворларнинг туртиб чиқкан жойлари бўлган хоналарга тўшаладиган линолеум жойига мослаб бичилгандан сўнг қирқилади. Шундан сўнг чизгични қўйиб линолеумнинг ортиқаси қирқиб ташланади.

Хона ўлчамига мослаб бичилган линолеум ёпиштирувчи қатламисиз ёйиб қўйилади. Уларнинг кўшни қирралари бир-бирини 10-15 мм қоплайди-ган қилиб устма-уст қўйилади (6.5-расм, в). Сўнгра чизгични қўйиб, иккала ўрама бир йўла қирқилади, (6.5-расм, г) шунда чок билинмайдиган бўлиб чиқади. Эшик тагига, остонаяга, тахмонларга, устунлар тагига ётқизиладиган лино-леум айниқса синчиклаб қирқилади. Агар линолеум четларига плинтус ётқи-зиладиган бўлса, туртиб чиқкан жойлар ўлчанади, линолеум шунга мослаб бичилади ва белгиланган чегара бўйича қирқилади. Линолеумни эшик час-пакларига ва плинтус билан беркитилмайдиган жойларга мослаб қирқиш учун линолеумнинг тақаладиган қирраси часпакка зич тақалади ва чиқиқ контури бўйича қирқилади. Қиррали жойга аниқ (тиркишсиз) келиши учун линолеумни бир неча марта қирқишига тўғри келиши ҳам мумкин.

Линолеумни бичиш ва жойига мослашда ашёни иложи борича тежаш керак. Чиқиндиларни камайтириш учун, коридор ва хоналарга тўшаладиган линолеум коридор деворлари чизифи бўйича туташтирилади. Хонадаги паркет билан коридорга тўшалган линолеум орасидаги чок эшик кесакиси остонасига тўғри келтирилади.

Линолеум ёпиштириладиган хонанинг харорати 15^0 С дан паст, асоснинг намлиги эса 5% дан юқори бўлмаслиги керак. Мато асосли линолеум (полининихлорид ва аклид линолеум) совук би-тум мастикаси «Биски» ва бошқа елимлар ёрдамида ёпиштирилади. Линолеум ёпиштириладиган асос битум ва бензинни 1: (2-3) нисбатда ара-лаштириб тайёрланган мастика билан грунтланади. Ёпиштиришдан олдин ёйиб қўйилган линолеумни жойидан қўзғатмаган ҳолда тескари томоннини ўртасигача юқорига қайтарилади. асоснинг линоле-ум қайрилган жойидаги юзасига тегишли шател билан 0,6-0,8 мм қалин-ликда мастика суркалади. Чок чизиқлари тагидаги 10-15 см кенгликдаги эн-сиз жойга мастика суркалмайди, лекин деворларга тақаладиган томонларга суркалади. Суркалган мастика таркибидаги эритувчи буғланиб кетгандан 30-40 мин. ўтгач, линолеумнинг қайрилган қисми мастика суркалган асосга ётқизилади. Линолеум асосга зич қилиб босилади ва ўртасидан четларига томон қоплик материал бўлаги билан ишқалаб тагидан ҳаво чиқариб юбори-лади. Сўнгра ёпиштирилган линолеум устидан дастаки

ғалтак юргизиб чиқи-лади, шунда у асосга яхши ёпишади. Линолеумнинг иккинчи ярим ҳам шу тартибда ёпиштирилади. Линолеум ёпиштирилганидан 2-3 кун ўтгач, ёнма-ён тўшалган линолеумлар четлари қирқилиб, ёпиштирилади. Бунинг учун устма-уст қўйилган линолеумлар чок-лари устига чизғич қўйилиб, пичоқнинг ўткир тифи билан иккала қатлам асосгача қирқилади (6.5-расм, д).

Қийқимларни олиб ташлаб, оҳиста кўтарилади, таги ва асос яхшилаб тозаланади. Асосга юпқа қилиб битум мастикаси суркалади. Маълум муддат ўтгандан кейин линолеум четлари асосга ёпиштирилиб, қоплик мато билан ишқаланади ва устидан ғалтак юргизиб чиқилади. Матосиз линолеум (поливинихлорид ва резина линолеум) КН-2ва КН-3 мастикалари ёрдамида ёпиштирилади. Бичилиб, ёйиб қўйилган ва хона шаклига мослаб қирқилган линолеум бўлаклари бошқа хонага олиб чиқилади ёки ўнгини ичкарига қилиб ўртасига-ча ўрабқўйилади. Очилган асосга резина ёки пластмасса шпатель билан 0,5 мм қалинлик-да КН-2 ёки КН-3 мастикаси суркалади. Учувчан эритувчи буғланиб кетган-дан кейин 4-6 соат ўтгач, асосга иккинчи марта масниб кетгандан кейин 4-6 соат ўтгач, асосга иккинчи марта мастика суркалади. Мастиканинг линоле-ум ёпиштиришга тайёрлиги унга кўл теккизиб кўриб аниқланади: «етилган» мастика қўлга ёпишмаслиги керак.

Линолеумни ёпиштиришдан 15-20 мин олдин унинг орқа томонга пласт-масса ёки ёғоч шпатель билан 0,2-0,3 мм қалинликда КН-2 ёки КН-3 масти-кани суркалади. Линолеумнинг четлари бўйлаб 6-8 см кенгликдаги полосага мастика суркалмайди, бу полосага мастика кейин, чоклар ҳосил қилаётганда суркалади.

Суркалган мастика қўлга ёпишмайдиган бўлганда устига ёғоч толали плиталар қўйилади. Линолеумни жойига аниқ келтириш учун уни у ёқ бу ёққа сурганда орқа томони асосга тегмаслиги учун шундай қилинади. Линолеум бўлаклари мастика суркалгунга қадар қайрга ётган бўлса, ўша ер-га ёпиштирилади. Линолеумни жойига аниқ келтириб бўлгандан сўнг ҳалиги ёғоч толали плиталар олиб ташланади. Линолеум чети асосга босилади (дум-байиб қолган жойлар бўлмаслиги керак). Ёпиштириладиган гиламнинг орқа томони асосга қўлда яхшилаб босиб чиқилади. Линолеумнинг бошқа бўлак-лари ҳам шу тартибда ёпиштирилади. Линолеум ёпиштирилгандан 2-3 сутка ўтгач четлари қирқилади.

Сопол тахтачали полларни қуриш технологияси;

Хоналар полини режалашда тўшаладиган тахтачаларнинг ўлчамлари ва қопламанинг мўлжалдаги нақши фриз хисобга олинади. Деворга тақаб ётқи-зиладиган қаторли, фриз қаторли ва фонли нақш энг кенг тарқалган ва од-дий нақш ҳисобланади. Қопламанинг фризи ва фони бутун тахтачалардан те-рилади, деворга тақаладиган қисмларига эса яримталик ва чоракталик тах-тачалар ҳам ишлатилади.

Қоплпмани режалаб бўлгандан сўнг репер ва фриз нишонлари А-Д ўрна-тилади (6.8-расм), фриз нишонлари бурчакларига қозикчалар 1 қоқилиб, уларга фриз ва чегарасида режа ип 2 тортилади. Режа ип фриз қатор баландлигини белгилайди.

Полга тахтачалар тўшаш фриз қаторин тўшашдан бошланади. Фриз қа-тор тахтачалари режа ип бўйича қоришмасиз қўйилади ва ҳар 20-25 тахта-чадан кейин қўйиладиган оралиқ нишонлар орасининг ўрни аниқланади. Ора-лиқ нишонлар Болотин рейкаси ёрдамида белгиланади. Бунинг учун рейка ҳали тортилган режа ип бўйлаб қўйилади. Фриз қаторлар туташган бурчак-ларда тахтачаларнинг йўналиши гўния ёрдамида аниқланади. Фриз контури бўйича оралиқ нишонлар ўрнатилгач, фриз қатор тахтачалари қоришма ёрда-мида ёпиштирила бошланади.

Фриз қатор билан бир вақтда ҳар 20-25 тахтачадан сўнг қўндаланг ни-шон тасмалар 5 ётқизилади. Нишон тасмалар тортилган режа ипнинг сақла-нишига йўл қўймайди ва қоплама фонининг юзаси горизонтал чиқишни таъ-минлайди.

Фриз ва кўндаланг тасмаларни ётқизиб бўлгандан сўнг чокларни тўлди-риш ва асосий фонни тўشاшиб киришилди. Иш айрим тасма қамровлари тар-зида бажарилади. Қамровларнинг йўналиши деразаларнинг ўрнига боғлик бўйлади. Одатда қамровлар хонанинг узун томонлари бўйлаб ётқизилади. Бироқ, агар деразалар бўйлама деворларда бўлса, қамровлар хонанинг кўндалангида жойлаштирилади.

Қамровларнинг йўналишини танлашда режа ип бўйлаб ётқизилган тахта-чаларнинг чокларига қараганда тўғрироқ чиқиши ҳисобга олинади. Шунинг учун бўйлама деворларида деразалар бўлмаган хоналарда кўндаланг чоклардаги нотекисликлар учча сезилмайди. Эни 3-6 тахтачадан иборат бўлган қамров тахтачаларни коришмасиз қўйиб кўрмай рейка ёрдамида белгиланади. Тахтачалар ётқизиладиган тасма қамровлар бир томондан хона девори билан ёки олдин ётқизилган қамров билан, иккинчи томондан эса соф пол сатҳида тортилган режа ип билан чегараланган бўлади.

Иш тартиби тўғри олиб борилса, тахтача терувчи янги ўтказилган тахтачалар устидан юришга мажбур бўлмайди, натижада пол сифатлироқ чиқади.

Коришма ётқизиладиган жойга белкуракда солинади ва асосга хаскаш билан ёйиб чиқилади. Кейин режа чўп билан текисланади. Тахтачалар ётқизишга тайёрланган қоришма қатламининг қалинлиги 10-15мм, эни қамров энидан 2-3см кенг, узунлиги эса камида 1м бўлиши керак. Тахтачани қоришма устига қўйишдан олдин унинг орқа томони хўл чўтка ёки латта билан чанг ва кирдан тозаланади. Агар тахтачанинг орқа томони хўлланмаса, қоришма қатламидаги цемент сувини тортиб олиб, асосга яхши ёпишмайди.

Тахтачаларни қоришма қота бошламасдан олдин, яъни тайёрланганидан сўнг 6-7 соат мобайнида ётқизиш керак. Тахтачалар тайёрланган қоришма тасмасининг кўндалангида 3-6 донадан жойлаштирилади. Қамров чоклари тўппа тўғри чиқишига эришиш учун қамров 1-1,5м узунликдаги қисмларга бўлинади. Кейин қисмларнинг чегараларига бир қатор тахтача ётқизиб чиқилади. Чокларнинг тўғрилигини текшириш учун гўниядан фойдаланилади. Тахтачалар шайтон ёрдамида текисланади ва болға дастаси билан ёки тахтачалар устига тахта бўлаги қўйиб, болға билан уриб чўқтирилади. Ботиб кетган тахтачаларни олиб, тагига керагича қоришма солинади, тахтача қайтадан кўйилади ва болға дастаси билан уриб текисланади. Тахтачаларнинг тўғри ётқизилаётганлиги газчўп билан барча йўналишларда текшириб турилади. Бунинг учун газчўп нишон қаторлар ёки оралиқ нишонлар устига қўйиб кў-рилади. Айни вақтда, ётқизилаётган тахтачалар орасидаги чокларнинг эни ҳам бир хил бўлиши текшириб борилади. Тахтачанинг ўлчамлари 200 ммгacha бўлганда чокларнинг эни 2 ммдан ошмаслиги, 200 ммдан катта бўлганда эса 3 ммдан ошмаслиги зарур.

Ётқизилган тахтачаларнинг четлари бир-бирига тўғри келиши керак. Қоришма тахтачага ёпиша бошлагунга қадар (20-30 мин. мобайнида), сури-либ қолган тахтачалар куракча уни билан суриб тўғриланади ва уларнинг тўғри бўлганлиги гўния билан текшириб кўрилади. Қамровга 5-6 кўндаланг тахтачалар қаторлари ётқизилгандан сўнг улар 400x300x20 мм ўлчамли қарсилдок (хлопуша) билан ёки тахта бўлаги устидан болға билан уриб чўқтирилади. Тахтачанинг текис ётқизилганлиги белкурак полотноси билан текширилади. Агар полотно текис ётмаса, тахтача чўқтирилади ёки уни жойидан олиб, қайтадан тўғри ётқизилади. Бўйлама ва кўндаланг чоклар фақат яrim чуқурлигигача қоришма билан тўлдирилиши керак. Орадан 24-48 соат ўтгач, улар 1:1 таркибли цемент қоришмаси билан тўлдирилади. Тайёрланган аралашмани ёғоч қирғич билан қоплама устига ёйиб чоклар тўлдирилади. Кейин пол хўлланган қипик билан артилади ва қоришма қотгандан сўнг кучсиз хлорид кислота эритмасида хўл-ланган латта билан тозаланади.

Полларга сопол тахтачалар ётқизишдаги охирги босқич қопламага қаров-дир. Янги тўшалган пол устига қипик сепилиб, тўсик ўрнатилади. Орадан бир-икки кун ўтгач, яъни пол устида юриш мумкин бўлганда чокларга 1:1 таркибли қоришма тўлдиришга киришилади. Бунинг учун пластик аралашма пол юзасига ётқизилади ва ёғоч қирғич билан сидириб тахтачалар орасидаги чоклар тўлдирилади. Сўнгра пол хўл қипик билан артилади. Чоклардаги қоришма қотгандан сўнг пол юзаси хлорид кислотанинг 3% ли

эритмасида хўлланган латта билан тозаланиб, илиқ сув билан ювилади. Тайёр полни кейинги пардозлаш ишларини бажараётганда ифлосланишдан сақлаш учун унинг устига 1,5-2 см қалинликда хўл қипик сепиб қўйилади. Тахтачаларда пол тўшащдаги нуқсонларга кўпинча технология талабларига риоя қилмаслиги сабаб бўлади. Ётқизилган тахтачаларнинг қоришмадан кўчган-кўчмаганлигини билиш учун тахтачалар бирор нарса билан уриб қўрилади. Агар бўғиқ овоз чиқса, қоплама кўчган бўлади.

Қўйидагилар тахтачаларнинг кўчишига сабаб бўлиши мумкин: янги ётқи-зилган пол устидан юриш; цемент кўп қўшилган қоришмадан фойдаланиш; қоришма қатламининг 15 мм дан ошиб кетиши; тахтачаларни қота бошлиган қоришма қатлами устига ётқизиш; орқа томони тозаланмаган ёки хўлланмаган тахтачаларни ётқизиш.

Тахтачали поллар қопламасида туташ узун дарзларнинг пайдо бўлишига катта хоналардаги пол қопламасида деформация чоклариниг йўқлиги ёки пол конструкциялари бино деворларига нотўғри туташтири-лганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Ётқизилган тахтачанинг асосдан қоришма билан бирга кўчишига грунт асоснинг ва унга ётқизилган бетон асоснинг деформацияланиши ҳамда қават-лараро ораёпма конструкциясида амортизация қатламининг йўқлиги ёки но-тўғри бажарилганлиги сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолда аввал тахтача қопла-манинг каттагина қисми дўппайиб қолади, сўнгра асосдан алоҳида-алоҳида кўчиб тушади.

Қўйидагилар қоплама тахтачаларнинг емирилишига сабаб бўлиши мумкин: қоришма қатламини керагидан қалин чаплаш; қоришма қатламини хўл-ланмаган асосга ётқизиш (бунда хўлланмаган асос қоришма қатламидаги намни сўриб олади, натижада у етарли мустаҳкамликка эришмайди, кейинча-лик емирилади); янги ётқизилган пол устини хўлланган қипик қатлами билан ёпмаслик. Нуқсонларни тузатиш учун полнинг бир қисмини ёки ҳаммасини таъмир қилишга тўғри келади. Шикастланган жойлар кўздан кечириш ёки пол устига уриб қўриш йўли билан аниқланади. Таъмир қилиниши лозим бўлган жойлардаги тахтачалар кўчириб олинади.

Бунинг учун болға билан битта тахтача синдирилиб, кўчириб олинади, кейингилари скарпель ва болға билан кўчирилади. Кўчирилаётган тахтачаларни яна ишлатиш мумкин бўлиши учун скарпелнинг уни тахтачадан пастроққа, қоришмага қўйилади. Тахтча орқасидаги қотиб қолган қоришма қолдиқлари эҳтиётлик билан зубило ва болға ёрдамида кўчириб ташланади. Тахтачалар кўчирилган жойдаги қоришма қатлами механик ёки дастаки асбоб ёрдамида кетказилади. Шундан сўнг асоснинг юзаси ахлатдан тозала-ниб, бетон ёки қоришма қатлами билан текисланади. Агар зарур бўлса, шикастланган гидроизоляция тикланади. Полнинг тикланаётган қисмининг сатҳи таъмир қилинмайдиган қисмла-рининг сатҳи билан бир хил бўлиши керак. Бунинг учун тахтачалар остидаги қатламлар илгариги белгиларга аниқ келтирилиши лозим. Тахтачаларни ёт-қизиш ва уларга қаров одатдаги изчиллиқда бўлади.

Яхлит пол ёпмалари: бетон, асфальтбетон, мозаикали полларни барпо этишда технологик жараёнлар

Яхлит пол ёпмалари: бетон, асфальтбетон, мозаикали поллар

Бетон ва мозаикали полларнинг остига бетондан асос қатлам ётқизилади. Бундай қатламни бетонлаш учун одатда қаттиқ бетон қоришма ишлатилади. Асос тагидаги ер қаттиқ бўлса, бетон қоришма бевосита текисланган ернинг ўзига, ернинг тупроғи бўш бўлса, шағал солиб шиббалангандан кейингина солиниши керак. Тупроғи бўш ерларда остига баъзан 10-12 мм диаметрли симлардан арматура тўри ётқизилади.

Асос қатламни бетонлашдан олдин ерга қоқилган қозиқларга маҳкамлаб режа тахталар ўрнатилади. Режа тахталар бир-биридан 3-4 м нарига қўйилади (6.9-расм). Тахтанинг устки чети бетонланаётган асос юзаси билан баб-баравар бўлиши керак.

Бетон қоришма асос ҳосил қилиш ва пол устини бетонлаш учун бир-биридан режа тахталар билан ажралиб турадиган энли тасмалар ётқизилади. Тасмалар иложи борича узунрок олинади, энг чекка тасмадан бошлаб, ўртада битта тасмага етарли жой қолдирган

холда бетонланади. Орада қолдирилган тасмалар олдинги тасмаларнинг бетони қотганидан кейин бетонланади. Ора тасмаларни бетонлашдан олдин режа тахталар ажратиб олинади. Асосда бўйлама чоклар ва кўндаланг деформацион чоклар ҳосил қилинади. Ана шу чок-лар бетонланаётган майдонни ҳар бирининг ўлчами 6x9 м дан тортиб, 9x12 м гача бўлган айрим-айрим плиталарга бўлинади.

Бўйлама деформацион чок ҳосил қилувчи плиталарнинг ён қирраларига III-навли битумдан 1,5-2 мм қалинликда суртилади.

Асосни бетонлаш учун зарур бетон қоришима одатда ағдарма машина, автобетонқорғич ва бетоннасосларда олиб келиб ётқизилади. Бетон қоришима виброрейкаларда уларни режа тахталар бўйича кўчириб бериш билан зичланади. Унчалик катта бўлмаган (юзаси 100 м² гача) биноларда қоришима юза вибраторлари билан зичланади. Полнинг устини бетонлаётганда виброрейка ҳар қайси зичлаб бўлинган участка энининг ярмини ёпиб бориши керак. Виброрейка дастаси режа тахталар орасидаги масофадан сал узун бўлиши керак. Икки ишчи виброрейканинг иккала томонида туриб, уни ҳозиргина солинган қоришима устига учлари режа тахталардан бир оз чиқиб турадиган қилиб жойлайди ва вибраторни ишга солади. Виброрейка иккала томони билан режа тахталар устига тақа-либ тушгунига қадар зичланади. Шундан кейин виброрейка энининг ярмига суртилади. Устки қатлам остиқи қатламнинг цементи бирика бошлагунига қадар ётқизилади ва режа тахталар бўйича кўчириб туриладиган виброрейкалар билан зичланади. Виброрейка билан ишлаётган икки кишидан иборат звено кесими 6x12 см ва узунлиги 4-5 м тахталардан ишланган ёғоч рейка билан қоришима устини текислай бошлайди. Ейилишга ниҳоятда чидамли бўлиши талаб қилинмаса, бетонланган тасмаларга йирик кум қўшиб ишланган цемент қоришмадан яна бир қатлам ётқизиб чиқилади. Пол ниҳоятда зич бўлиши учун бетон юзаси таъмирланади. Бунинг учун механик усул қўлланилади ёки пўлат куракчалар билан қўлда қилинади.

Таъмирлаш шундан иборатки, қуруқ ва яхшилаб эланган цемент нам бетон сиртига ҳамма ёғи бир хилда текис ялтира бошлагунига қадар едириб чиқилади. Бетон қуриб қолган бўлса, цементни сепишдан олдин обдон намланади, сув сепилади. Таъмирлаш усули қатор ҳолларда чунончи, резервуарларнинг туби ва деворлари янада сув ўтказмайдиган бўлиши учун қўлланилади. Мозаикали поллар бетон асос устидан қилинади. Бунинг учун турли рангдаги цементлар ишлатилади.

Бетон асос устидан ҳар хил шаклларни ҳосил қилиш учун зангламайдиган пўлат, рангли металл ва шиша ҳамда пластмассалардан қолиплар тайёрланади. Мозаика қатлами қалинлиги 15-20мм бўлиши керак. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан мозаика қоришмалари қолипларга қуйилади. Қоришима қотгач қатлам юзаси маҳсус силлиқлаш машиналарида сайдалланади.

Мастикали полларни қуриш технологияси.

Саноат биноларини барпо этишда бажариладиган сермеҳнат ишлардан бири пол қопламаларини қуришдир. Бунинг сабаби шундаки, кўпчилик пол қопламалари майда донали ашёлардан тайёрланади ва уларни ётқизиши юқори меҳнат ҳаражатини талаб қиласи ҳамда механизациялашда қийинчилик мавжуд.


Бундай ҳаражатларни камайтириш йўли яхлит қопламали полларни барпо этишdir. Таркибига боғлиқ ҳолда бундай қопламалар полимербетон, полимерқоришима ва мастикалиларга бўлинади. Уларнинг кейингиси энг истиқболлидир, чунки мастикали таркиблар тайёрлаш ва ётқизиши жараёнида технологикроқ бўлиб, қопламанинг ўзи эса кам ашё ҳажмига эга. Шу билан бирга қўрсатилган қоплама нархи бошқалардан арzonдир.

Лекин мастикали қопламаларнинг афзалликлари билан бир қаторда уларнинг жиддий камчилиги мавжуд бўлиб, унга тушадиган зарбали юкларга етарли даражада чидамли эмаслиги хисобланади ва натижада саноат бинолари қурилишида бундай полни қўллашни анча тўхтатиб турилибди. Бундай пол қопламаларини зарбага чидамлилигини ошириш учун уларни металл тўрлари, шиша толалари ва бошқа ашёлар билан арматуралаш талаб этилади. Мастикали қопламаларнинг ҳамма турларига хос хусусияти

сийқаланишга юқори чидамлилиkdir. Бундай қопламаларнинг чоки ва уланган жойлари йўқлиги туфайли фойдаланишга қулайдир.

Лекин улар полларни қуриш жараёнини умумқурилиш ва маҳсус ишлар билан биргаликда олиб бориш имконини бермайди. Шунинг учун чанглар ва турли қурилиш ашёларини пол қопламаларининг қотмаган аралашмасига тушиб қолиши уларнинг сифатини кескин пасайтиради. Яхлит пол қопламаларида рўй берадиган ички киришиш кучланишлари дарзлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Пол қопламаларини барпо этиш жараёнлари қурилиш ишларининг ғоятда меҳнатталаб ва қиммат қисми бўлиб, бинонинг умумий нархини 10-15% ини ташкил этади. Саноат биноларини барпо этишда меҳнат ҳаражатларининг 16-20% полларга тегишилди. Полиэфир боғловчи асосидаги қуйма яхлит қопламали поллар энг кенг тарқалган бўлиб, унинг қуйидаги ижобий техникавий хусусиятлари мажмуаси мавжуд: юқори мустаҳкамлик ва емирилишига чидамлилик, кўп ашёларга юқори ёпишқоқлиги (адгезияси), кимёвий чидамлилик, тозалиқда сақлашни ва таъмирлаш ишларини ўтказиши осонлиги. Тўйинмаган полиэфир смолалари асосида тайёрланган яхлит қопламали полларнинг жиддий камчиликларидан бири – зарбали таъсирларга кам чидамлилигидир, шу туфайли уларни саноат бинолари қурилишида қўлланиши чегараланган [15,22,25]. Бундай полларни зарба таъсирларига чидамлилигини ошириш қопламани арматуралаш ҳисобига эришилди. Бундай қопламаларни шиша толалари билан арматуралаш самарасини Давидов С.С., Мошанский Н.А., Патуроев В.В., Гирроде Р. ва бошқалар ўз илмий ишларida таъкидлаган эдилар. Бунда тўлиқ киришишмайдиган юқори ёрилишга чидамли қоплама ҳосил қилиш имкони туғилади ва ўз навбатида пол қопламасининг хизмат муддатини кескин оширади. Лекин, ҳозирги вақтда, шиша толаси билан арматураланган полиэфир қопламали полларни қўллаш учун самарали механизациялашган технология ишлаб чиқилмаган ва зарур оқилона техникавий воситалар танлаб олинмаган. Мазкур технологиянинг мақсади – саноат биноларининг зарбага чидамли яхлит қопламали полларини қуришдаги ҳаражатларни кескин камайишига эришувчи кирқилган шиша толалари билан арматураланган полиэфир қопламани барпо этишда механизациялашган технологияни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқаришдир.



расм. Арматураланган қопламали полларни барпо этиш учун тавсия этилган қурилма схемаси (ТАҚИДА ишлаб чиқилган). 1 - шиша толаларини қирқувчи узел; 2 - шиша толаларининг ўрам ғалтаклари; 3 - бошқариш пульти; 4 - боғловчини узатиш насоси; 5 - боғловчи учун идиш; 6 - эритувчи учун идиш; 7 - қотирувчи учун идиш; 8 - сарфни ўлчагич; 9 - пистолет-пуркагич.

Аввал мастикали томқопламаларини барпо этиш учун қўлланилган қурилма ва пистолет-сочувчидан пол қопламаси учун фойдаланиш ва унинг оқилона параметрларини аниқлаш тажрибалари ўтказилди: боғловчини пуркаш учун қисилган ҳаво босими – $2,5 \div 3,0$ атм; боғловчи ва шиша толаларини пуркаш қиялиги – $50-60^{\circ}$; пистолет-сочувчи билан қоплама юзасигача бўлган масофа – 40-50 см

Назорат саволлари:

1. Пол қуриш ишлари сифатини назорат этиш ва қабул қилиш қандай амалга оширилади?
2. Пол ишларини ташкиллаштириш қандай амалга оширилади?

3. Мастикали полларни ишлатилиш соҳаси?
4. Полларнинг турлари ва уларга кўйиладиган қандай?
5. Пол ости асосини тайёрлаш усулларини тушунтиринг.
6. Кўйиладиган пол қопламасини барпо этишда иш операциялари таркибини, кетма-кетлигини ва бажариш технологиясини тушунтиринг.
7. Ёғоч полларни барпо эитиш технологиясини тушунтиринг.
8. Донабай ва ўрама материаллардан поллар қандай қурилади?
9. Полларни иш жараёнларини ташкил этиши қандай амалга оширилади?
10. Пол қуриш ишлари сифатини назорат этиш ва қабул қилиш қандай амалга оширилади?

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Бозорбоев Н. Курилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
2. Бозорбоев Н., Ходжаев А., Акбаров О. Курилиш ишлаб чиқариши технологияси. 2-қисм. Ўқув қўлланма. 2000.
3. Атаев С.С., Данилов Н.Н. и др. “Технология, механизация и автоматизация строительство” М.СИ1990г

15 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

15-мавзу	Бино ва иншоотларни пардозлаш технологияси
Маърузани олиб бориш технологияси(машғулот модели)	
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Биноларни пардозлаш учун тайёрлаш. 2. Ойнабандлаш ишлари технологияси. 3. Конструкция юзаларин суваш

Пардозлаш ишларини бошлиш учун куйидаги ишлар тугалланган булиши лозим: эшик ва деразалар урнатилган девор билан бирлашган жойлари тулдирилган булиши; иситиш, газ ва сув таъминоти приборлари урнатилган жойлар сувалган, облицовка килинган; хамма коммуникациялар утказилган, каналлари тулдирилган, электр таъминоти, телефонлаштириш, радиолаш тармоклари утказилган; санитар техник системалар утказилган, текширилган, канализация ювилган, вентиляция текширилган; балкон тусиклари, поли килинган; санузелларда гидроизоляция килинган. Пардозлаш ишлари куйидаги тартибда ва кетма-кетликда олиб борилиши керак: ёриклик тушадиган жойлар ойнабандлаш; юзаларни суваш ва облицовкалаш; юзаларни буяш ва гул когоз учун тайёрлаш; полларни қуриш (линолеумли ва полимер плиткали поллардан ташкари); юзаларни буяш ва гул

когоз ёпишириш; тахта полларни буюш ва паркет полларни пардозлаш; линолеумли ва полимер плиткали полларни куриш;

5 каватгача булган биноларда пардозлаш ишларини юкори каватдан, курилиш монтаж ишлари буткул битган ёки унинг бир кисми тугаллангандан сунг бошлаш лозим. 5 каватдан юкори булган биноларда пастки каватдан бошлаш лозим. Бунда шу билан бирга пардоз ишлари кетаётган жойда юкорида камидаги 2 кават битган ва пардоз ишлари бузилмаслиги таъминланиши шарт. Бинонинг пардоз ишлари олиб борилаётган кисмининг юкорисида монтаж ишлари олиб бориш таикиланади. Пардозланаётган хоналарнинг конструкциялари олдиндан иситилган ва куритилган булиши керак. Пардозланаётган хонанинг температураси 10°C дан кам булмаслиги ва намлиги 70% дан ошмаслиги лозим. Пардозлаш тугалланган хоналарда 10°C температура 12 сутка давомида, гул когоз ёпиширилгандан ва линолеум полларда хар доим сакланиши керак. Хаво иссик пайтларда бинони куритиш, эшик деразаларни очиб вентиляция килиш ёрдамида булади. Шу билан бирга атмосфера оркали намланмасликни таъминланиши керак. Иш бошланган пайтда, пардозланаётган девор конструкцияси калинлигининг ярмигача иситилган ва куритилган булиши лозим. Тош конструкциялар намлиги 8% дан, ёгочдан булганларнинг 12% ошмаслиги керак. Бинони куритиш жараёни ва пардозлаш ишлари олиб борища хоналарда температура $10\text{--}25^{\circ}\text{C}$ булишини таъминлаш лозим. Бундан юкори температурада куриш бир текис булмай, пардозлаш сифатининг пасайишига олиб келади. Фасадларни ва ички хоналарни пардозлаш хар хил сури ва хавозаларда олиб борилади. Пардозлаш ишлари бошлангунга кадар, уларни тахт килиб куйиш лозим.

ОЙНАБАНДЛАШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Бино ва иншоотлардаги ёриклик утказувчи элементлар хоналарни табиий ёритиш ва одамларнинг яшашига ва меҳнат килишига яхши шароит тугдириш учун барпо этилади. Хар хил хоналарнинг ва иш урнилари ёритилиши КМКларда курсатилган булади. Хоналарни ёритиш деразалар, девор ва перегородкадаги, ёриш жойлари, ёритиш фонарлари ва бош, ёрдамида амалга оширилади. Ёритиш элементлари хар хил ойналар, ойна пакетлар, стевит, ойна блоклар, ойна профалит (1-3 катлами хаво катламли ёки ялтирок прокладка). Ойна материаллари бир, икки катламли ёки 2 катламли бирлашган ромларда ёки айлантирувчи элементларга махкамланади.

Ойна материалларни тайёрлаш. Маълум улчамдаги ойна материаллар махсус устахонада кесиб тайёрланиб, курилиш объектига буюртма асосидаги спецификация буйича квартира, секция ёки рейкага каби килиб жунатилади.

Тайёрланган ойна рама фалицинг энининг 3/4 кисмини тулдириши, ойна билан фальц борти орасида камидаги 2 мм оралиқ булиши керак. Ойна профалит, ойна пакет улчамлари лойиха буйича тайёрланади. Ойна эластик прокладка урнатилган пайтда унинг уткир кирралари текисланади. Ойнани махкамлаш буюмлари тури ва улчами лойиха буйича кабул килинади. Зичлаш ва герметизациялаш материаллари сув ва хаво утказмайдиган намга, хавога ва совукка чидамлилиги, рамаларни коррозияга учратмаслиги, эластик холатини саклаши, ойналарнинг деформациясига каршилик курсатмаслиги, санитар гигиена

талабларга жавоб бериши лозим. Бундан ташкари ойна замазкаси пластик булиши, осон куйилиши, ажралмай текисланиши, куригандан сунг ёрилмаслиги, фалицларга яхши ёпишиши лозим.

Ойнабандлаш пардоз ишларидан олдин барча курилиш-монтаж ва махсус ишлар тугаллангандан сунг бажарилади. Дераза ромлари ойна солишдан олдин яхши созланган ва бир марта буялиши керак. Ойна солишдан аввал фалицлар тозаланади, грунтовка ёки буялиб куритилади. Олиб куйиладиган переплетлар горизонтал холатда ойналанади. Металл ва ёгоч переплётларга ойна 2 катлам замазкага, замазка ва штапикга ёки эластик прокладка ва штапикга урнатилади.

Эластик прокладка, куп холатларда "П" шаклида резинадан ойнага переплетга куйишдан илгари ойнага киритилади. Прокладкали ойна, переплетга эркин киришиш керак. Ойна штапик ёрдамида махкамланади.

Ойна блоклар декоратив ёки цементли коришма ёрдамида деворга такаб терилади. Витрина ва витражлар катта улчамдаги витрина ойналари билан эластик прокладка ва штапикларда урнатилади. Ойна пакетлар иссик утказувчанликка юкори каршиликка эга булиб, улар ёгоч ёки металл каркасларга эластик прокладкаларда ёки замазка урнатилиб, штапиклар ва уголоклар ёрдамида махкамланади.

ЮЗАЛАРНИ СУВАШ.

Сувок - бу конструкциялар юзасида хосил этиладиган каттик тош катлам, конструкцияларни пардозлаш, айрим холатларда махсус функцияларни бажариш учун хизмат килади. Качонки бу юзадаги катлам курилиш коришмаси оркали бажарилса, сувок "хул ёки монолит" деб аталади. Юзаларни пардозлаш учун заводларда тайёрланган лист материаллар билан коплаш, курук сувок деб аталиб, сувок ишларини ривожлантиришнинг алтернатив усууллари хисобланади. Бу усууллардан кенг фойдаланиш ва ривожлантиришдан максад, сувок ишларини курилиш майдонидан завод шароитига кучириш оркали, объектни тиклашдаги меҳнат сарфини камайтириш. Лекин бу усуунинг салбий томони киммат турадиган заводлар куриш, пардоз ишларининг кимматлашиши, листларни бирлаштирувчи чокларнинг сифатсизлиги, лист билан пардозланаётган юза оралигига бушлик булишилигидир.

Одатдаги сувок - бундай сувок юзаларни пардозлаш ва уларнинг камчиликларини бекитиш учун хизмат килади. Бундай сувокдан сунг юзалар текис ва силлик холатга келади. Коидага кура оддий сувок юзаларга маълум функцияга эга катламлар оркали сувалади.

Бириктирувчи - деб аталувчи биринчи катлам пардозланаётган юза билан сувок катламини ёпишишини таъминловчи катлам хисобланиб, бунинг учун анча суюк коришма ишлатилади. Бу катламнинг калинлиги оҳакли ёки гипсли коришмаларда 6 мм цементли коришмада 5 мм булади. Бу катлам юзаси текисланмайди, гадир-будир холатда копланади.

Текисловчи-иккинчи сувок катлами хисобланиб, сувок катламига маълум калинлик берувчи катлам хисобланади. Агар суваладиган юза дефектлари куп ва суваладиган юзага талаб юкори булса, бу катлам бир канча булиши мумкин. Хар бир катлам калинлиги, сувокни бажариш шароитига караб окиб тушмаслигини таъминланган холда 5 мм дан 7 мм гача булиши мумкин. Коришманинг куюк-суюклиги бириктирувчига нисбатан куюкрок булиб, хар бир кейинги катлам олдиагиси текислангандан ва котгандан сунг сувалади. Сувок 1-2 м узунликдаги газчуплар ёрдамида текисланади.

Пардоз - учинчи сувок катлами хисобланиб, бу катлам юзаларни буюшга тайёрлаш учун бажарилади. Бу катлам асосан кулда бажарилиб, механизм ёрдамида ёки кулда силликланади. Шунинг учун бу катламга ишлатиладиган коришма бир хил, яхши кориштирилган ва йирик заррачаларсиз булиши керак. Бу катлам 2 мм калинлиқда бажарилади.

Хозирги вактда пардоз катлами учун кумсиз пастага ухшаган коришмалар ишлатилиб, бунда сувок жараёни шпаклёвка жараёнига айлантириб, юза бирданига буюш учун тайёрланади ва юзаларни пардозлашдаги иш унумдорлиги 20-25% ортади.

Бажарилиш сифатига караб, одатдаги сувокни, оддий - туар-жой учун мулжалланмаган (ер тула, омборхона ва шунга ухшаш) хоналарни сувашда:

- сифатли - фукаро ва саноат биноларини куришда;

- аъло сифатли - алоҳида лойиха асосида куриладиган биноларни куришда бажариладиган сувокларга ажратилади.

Оддий сувок одатда 2 катламдан иборат булиб, бириктирувчи ва текисловчи умумий калинлиги 12 мм дан ошмайди, сувок юзаси узун андавалар билан текисланади, юза пардозланмайди.

Сифатли сувок - уч катламдан, яъни бириктирувчи, текисловчи, пардоз - иборат булиб, умумий калинлиги 15 мм гача текисловчи катлам 2 м ли газчуплар билан текисланади. Пардоз катлами узун андавалар билан текисланиб, сунгра юза силликловчи машинада ёки кулда силликланади.

Аъло сифатли сувок (маяклар буйича) уч ёки турт катламдан иборат булиб, бириктирувчи, бир ёки икки катлам текисловчи ва пардоз катлами, сувокнинг умумий калинлиги 20 мм гача булади. Охири текисловчи катлам маяклар буйича бажарилади. Пардоз катлами узун андавалар билан текисланиб, сунгра юзалар силликлаш машиналарида ёки кулда силликланади.

16 – МАВЗУ БЎЙИЧА МАЪРУЗА

16-мавзу	Бино ва ишиотларнинг конструкция юзаларин облицовкалаш
Маърузани олиб бориш технологияси(машғулот модели)	
<i>Маързуа режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Конструкция юзаларин облицовкалаш 2. Конструкция юзаларин буюш 3. Конструкция юзаларин ўрамли ашёлар билан буюш

ЮЗАЛАРНИ ОБЛИЦОВКАЛАШ.

Облицовка хиллари. Облицовка - бу узок муддатга чидамли деректив пардоз хили хисобланади. У конструкция юзаларини атроф мухит таъсиридан яхши химоя этиб, ифлосликлардан осон тозаланади ва хар хил расмлар, орнаментлар ва бошка декоратив композилялар хосил этиш мумкин. Облицовка ташки ва ички булиши мумкин. Облицовка кулланиш максадига ва унга қўйиладиган талабга кура қўйидагилардан бажарилиши мумкин: юза гиштлардан, табиий тош плиталардан, керамик, полимер, шиша, тошсимон плиткалар, ёгоч-толали, ёгоч-кипикли облицовка плиталар, фанера, когоз каватли, пластиклар. Ёгоч-толали, ёгоч-кипикли, фанера ва когоз каватли пластиклар, ишлаб чиқариш намлиги 60% дан ошмаган хоналарда ишлатилади. Кичик улчамдаги облицовка материаллар, конструкцияларга коришмалар, мастикалар, клей, ёрдамида махкамланади. Катта

улчамдагилари юзаларга ёпиширилади ёки обрешеткага махкамланади. Облицовканинг хар кандай аник тури ва махкамланиш усули ва унга куйиладиган талабларга кура бино ва иншоот лойихасига асосан бажарилади.

Юзаларни тайёрлаш. Облицовка килинадиган юза, махкам, текис, тоза вертикал огиши рухсат этиладиган улчамдан ошмаслиги керак. Тулик чокли гишт деворларга, силлик бетон юзаларига цементли коришма билан облицовка материаллар ёпиширилганда юза тозаланиб, излар хосил килинади. 15 мм дан ортик нотекисликлар, металл сетка устидан цементли коришма ёрдамида текисланади. Мастика ва клей ёрдамида сувалган гишт ва текис бетон юзалар облицовкаланганда юзаларнинг нотекисликлари 3 мм дан ошмаслиги лозим. Облицовкаланганда олдин юза текисланиб, шу мастика ёки клей таркиби билан грунтовка килинади.

Материаллар тайёрлаш. Керамик ва тош плиткалар, ичкаридаги облицовкаларда, цементли, кумли, цемент-охак-кумли коришма, полимер цементли мастика, полистирол плитка колиод цементли клей, перхлорвинил плиткалар, нитроэмали мастикалар билан махкамланади. Табий тош плиталардан булган ички ва ташки облицовканинг барча турлари цементли-кумли, цементли-охак-кумли коришмалар ёрдамида махкамланади.

Табий тошлардан булган облицовка материаллар объектга турларига, улчамларига, рангига караб комплект холатда жунатилади. Тошсимон ва керамик плиткалар объектнинг узида рангига ва улчамлари буйича шаблон ёрдамида ажратилади. Улчамларининг ноаниклиги 5 мм дан ошмаслиги лозим. Керамик плиткалар - ойна киркадиган асбоб ёрдамида, табий тошлар, махсус станокларда киркилади. Облицовка учун ишлатиладиган коришма маркаси 50 дан кам булмаслиги, харакатчанлиги 50-100 мм, таркиби 1:3,5, 1:4, цемент кумли, цемент-охак-кумли 1:1:5, 1:1:6; торайишни камайтириш максадида, коришмага пластификациялар кушилади. Коришма таркибидаги эрувчан тузлар булмаслиги керак. Майда плиткалар махкамланганда, коришма катламининг калинлиги 7...15 мм дан ошмаслиги керак. Мастика ва клейлар 3-7 соатда кота бошлайди. Шунинг учун куп холларда улар объектнинг узида қурук коришмалардан ишлатилиши вактидан олдинрок тайёрланиб, ёпик идишларда сакланади. Мастика катламининг калинлиги 3 мм дан ошмаслиги керак. Ички облицовка ишларини бино томи ёпилгандан ёки пардозланаётган жой тепаси сув утказмайдиган холда ёпилгандан ва лойихадаги юкнинг камида 65% деворга куйилгандан сунг бошлаш лозим. Плиткалардан буладиган облицовкалар режа иплар ёки хар хил шаблонлар ёрдамида бажарилади. Коришма билан облицовкалан, мастика билан облицовкалан технологияси бир биридан фаркланмайди ва юзалар чегарасини каторлар ва бошка элементларни белгилашдан бошланади. Облицовка режа иплар ёрдамида бажарилганда 2 усул ишлатилади.

1-усулда булажак облицовка бурчакларида ва 3-4 м да плиткалардан маяклар урнатилиб улар буйича вертикал ва горизонтал режа иплар тортилади.

2-усулда горизонтал режа иплар маяклар буйича пол ва шипга тегиб турувчи вертикал урнатилган режа чупларга тортилади.

ЮЗАЛАРНИ БУЯШ.

Буяк турлари. Бино ва иншоотларни буяш - бу юзаларни куп катламли декаратив химоя катлам билан коплаш булиб, бино ва иншоотга битканлик куриниш беришдан ташкари химоя, санитар-гигиена ва декаратив вазифани хам

бажаради. Буёк катлами юзаларни кисман тузатиш, грунтовкалаш, шпаклевка ва хар хил буёклар билан буяшдан иборат. Буёк тури багловчи (пленка хосил килувчи) модда буйича ажралиб ва уз таркибига пегментлар, тулдирувчи, хар хил кушимчалар ва багловчи модда коришма, эмульсия ёки суспензияларни олади. Барча буёк турларини сувли ёки сувсиз буёкларга ажратилади.

Сувли буёклар таркибига, сув кушиб тайёрланиб, уларга минераллардан, клей кушиб тайёрланган ва сувли эмульсия буёклар киради. Бу буёклар билан бинонинг ички ва ташки юзалари буялади. Сувсиз буёклар юзаларда атроф мухит таъсирига чидамли мустахкам эластик пленка хосил килади. Сувсиз буёкларга ёгли буёк, эмаллар ва лаклар киради. Буёк ишларининг мураккаблиги ва сифатига караб оддий буёш, сифатли буёш, юкори сифатли буяшларга ажратилади. Буёк тури ва сифати лойихада курсатилиб, у буёкга куйиладиган талаб ва унинг функцияси буйича белгиланади.

Материалларни тайёрлаш: барча турдаги буёкчилик таркиблари буёк тайёрлаш устахоналарда марказлашган тартибда тайёрланиб ёки лак буёк заводларидан олинади.

Куп хажмдаги буёкчилик ишларида буёкчилик таркибларини тайёрлаш хамда уларни иш жойига узатиш ва буёкларни юзаларга пуркаш учун кучма буёкчилик станцияларидан фойдаланади. Бундай станцияларнинг 15 хили мавжуд булиб, куп холларда СО-115 станциясидан кулланилади. Бу станцияда 3 йуналиш булиб, сувли буёк, шпаклевка ва мойли буёклар йуналиши. Бу йуналишлар хаммаси бир вактда ишлаши мумкин.

Юзаларни буяшга тайёрлаш: юзаларни тайёрлаш ва буяш ишлари муайян технологик операцияларни уз ичига олади. Технологик операциялар эса, ишнинг каерда (бино ичидаги юзаларни тайёрлаштириш) бажарилишига, ишлатиладиган лак-буёк таркибига (сувли ёки сувсиз буёклар) хамда буёкнинг оддий, сифатли ва юкори сифатли килиб берилешига баглик. Хар бир буёк турига операциялар таркиби (СНиП) КМВаК буйича белгиланади. Буяладиган бетон ва сувалган юзаларнинг намлиги 8% дан, ёгоч конструкцияларники 12% дан ортмаслиги керак. Охакли буёклар бундан мустасно, бунда юза намлиги юкорирок булиши мумкин. Юзаларни буяшга тайёрлаш куйидаги тартибда олиб борилади: юзаларни кумтошлар ёрдамида силликлаш; дарз, ёрикларни пичок ёрдамида киркиш; юзаларни тозалаш; грунтлаш; ёрик, дарзларни ва нотекисликларни тузатиш, ёпмасига шпаклевкалаш, жилвирлаш. Ички юзаларни буяш. Хоналар ичидаги юзалар сувли ва сувсиз таркиблар билан муайян технологик изчиликлида буялади. Ишлатиладиган буёкнинг ковушкоклиги унинг турига ва кулланиладиган буяш усулига (гутка, валик, буяшаппарати, буёк пуркагич ва шу кабилар ёрдамида буялишига) караб буяш технологияси танланилади.

Охакли буёклар намланган юзаларга 1-3 катламда пуркалиб, хар бир кейинги катлам дастлабкиси куриласдан янгилигига сепилади.

Силикат буёклар суюк шишали коришма билан грунталанган юзаларга 2-3 катламда буялади. Хар бир катлам 10-12 соатдан сунг буялади.

Елимли буёклар яхши грунталанган юзаларга 1 катламда сурилиб, буёнинг окиб тушишига, излар хосил булишига йул куйилмайди. Буяш ажратилган участкалар буйича олиб борилиб, излар хосил булмаслиги учун ажратилган участкага буяш тухтовсиз олиб берилади.

Сув - эмульсияли буёклар ажратилган участкалар буйича 1-2 катламда сурилади, буяш участкада тухтовсиз олиб борилади. Танаффус булиб колса излар

хосил булиб колиши мумкин. Бинонинг ташки деворини буюш. Бинонинг фасадини буюшдан олдин куйидаги ишлар бажарилган булиши керак: бинонинг томи ёпилган, ташки курилмалари, тусиклар урнатилган булиши керак. Бинонинг ички деворлари буюшга қандай тайёрланса, ташки деворларни тайёрлашда хам шу тартиб кулланилади. Фасадларни буюш учун сувли буёкларнинг охакли, охак цементли, цементли ва силикатли турлари, сувсиз буёкларнинг эса, перхлорвинилли хамда полимерцементли турлари ишлатилади. Буёкларнинг бир хилда куришини таъминлаш учун хаво ҳарорати 25°C юкори иссик-курук ҳавода, қуёш нури деворга тик тушиб турганда, ёмгир ёгиб турганда, кучли шамол эсиб турганда, кишда девор яхлаб колганда буёк ишлари олиб борилмайди.

ЮЗАЛАРНИ УРАМА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ПАРДОЗЛАШ.

Тураг-жойлар ва жамоатчилик бинолари хоналарининг деворлари урама материаллар билан пардозланади. Деворлар юзига хар хил гулкогоzlар ёки когоз астарли урама материаллар ёхуд астарсиз синтетик пленкалар ёпиштириш мумкин.

Гулкогоz ёпиштириш ишлари муайян технологик изчилликда амалга оширилади. Урама материаллар ёпиштириладиган хоналардаги ҳавонинг температураси кечаю кундуз +10°C дан пасаймаслиги, нисбий намлиги 70% дан ошмаслиги, ёпиштириладиган ёгоч юзалар намлиги 12%, колганлари 8% дан ошмаслиги керак. Урама материаллар хонанинг қандай максадда фойдаланишини, катта-кичиклигини, кайси томондан ёруглик тушишини ва ёруг-коронгилигини назарда тутиб, ранги хамда улчамлари жихатдан барвакт тайёрлаб куйилиши лозим. Юзаларни тайёрлаш. Урама материал ёпиштириладиган юзаларнинг хаммаси ГОСТ 22753-77 га мувофик тайёрланиши хар қандай ифлослиқдан тозаланиши, тузатилиши - текисланиши, грунтланиши лозим.

Текис силлик юзаларга гулкогоzlар олдиндан когоз ёпиштирилмасдан бирданига ёпиштирилади. Колган холларда олдиндан когоз ёпиштирилиб, сунгра гулкогоz ёпиштирилади. Деворлар лист куринишидаги материаллар билан копланганда листларнинг туташган жойларигина когоз ёпиштирилади.

Деворларнинг юзаси дастлаб пулат шпатил билан кириб тозаланади, сунгра пемза ёки кумкогоz билан ишкалаб текисланади, гадир-бутир жойлар ёриклар шпаклевка килинади, грунтланади ва маклатура когози ёпиштирилади.

Оддий гулкогоzларнинг хамма турларини комплектлаш объектларида марказлаштирилган усулда улчамлари буйича тайёрлаб куйиш тавсия этилади.

Гулкогоzларнинг навига ва ёпиштирилиш усулига караб, уларнинг ёки бир томондан ёхуд иккала томонидан милки кесиб ташланади. Оддий гулкогоzлар четлари бир-бирини коплаб турадиган килиб, юкори сифатли гулкогоzлар эса, четларини бир-бирига такаб ёпиштирилади.

Урама материалларни ёпиштириш. Материалларни ёпиштирища ишлатиладиган елимлар ёпиштириладиган пардоз материалнинг турига караб танланади. Куп холларда "КМК", "Бустилат" елимларидан фойдаланилади.

Муайян узунликда кесиб тайёрланган гулкогоz тасмалари, полга когоз устига пастга каратиб устма-уст тахланади. Елим катлами гулкогоzнинг хамма жойига бир текис суриб чикилади. Оддий асоси когоз гулкогоzларга елим бир марта сурилиб, 5-6 минут елим когозга яхши шимишини кутиб турилади сунгра ёпиштирилади. Массаси огиррок калин ва астарли гулкогоzларга елим 2 марта сурилади. Биринчи катлам сурилиб 20 минут утгач, иккинчи катлам суртилади. Гулкогоzни хонанинг бурчагидан бошлаб, деразадан эшик томон ёпиштира бориш керак. Рулон

материални ёпиштиришдан олдин деворга вертикал чизик тортилади, биринчи тасма шу чизик буйича аник вертикал холатга, тасманинг кенглигининг 1/3 кисми бурчакдаги иккинчи деворга утказиб ёпиштириллади. Колган тасмалар дастлабки тасманинг кесилмай колдирилган милки буйича гулларини тугрилаб ёпиштирилаверади. Гулкогоз тасмасини ёпиштириш пайтида унинг юкориги учи деворга такаб турилади, устидан латта ёки чутка билан босиб силанади.

Асоси полимер булган рулон материалларни, мато астарли материаллар юкори сифатли килиб тайёрланган юзаларга ёпиштириллади. Материаллар зарур улчамда улчаб бичилади. Деворга сунгра материалга милкидан 5-6 см колдирилиб елим суртилади. Гулкозлар деворга четлари бир-бирини коплаб туродиган килиб ёпиштириллади, сунгра тасманинг милки металл линейка буйича кесиб ташланади, четлари кайрилиб елим суртилгач, деворга босиб ёпиштириллади, тасма тагидан сизиб чиккан елим артиб ташланади.

Сувга чиамли гулкогоз ёпиштирадиган юзалар "миловар" таркиби билан грунтланади, рулон материал бичилади. Деворга елим суртилади, тасма елимланади, деворга четлари бир-бирига жипс тегиб туродиган килиб расмлари мосланиб ёпиштириллади.

17 – МАВЗУ БҮЙИЧА МАЪРУЗА

17-мавзу	Экстремал табиий-иқлиний шароитлар ҳақида умумий маълумотлар
Маърузани олиб бориш технологияси(машғулот модели)	
Маързуа режаси	<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон Республикасининг табиий-иқлиний шароитлар ҳақида умумий маълумотлар. Ҳаво ҳарорати ва қуёш радиацияси Шамол тарзи (режими) ва чанг босувчанлик

Экстремал табиий-иқлиний шароитлар ҳақида умумий маълумотлар

Қурилиш мақсадлари учун худуди ҚМК 2.01.01-94 бандига мос ҳолда қуруқ иссиқ иқлимин жанубий қисмларда жойлашган. Ҳавонинг жадал исиши кўп ҳолларда курғоқчилик ва гармселларни ҳосил қиласди.

Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон кескин континентал, қуруқ иссиқ иқлимга эга. Бу ерда энг юқори қуёш радиацияси – 1 кВт/м² гача етади. Бунинг сабаби, ёзги юқори ҳарорат 27...32⁰ С, баъзан 47⁰ С га етади. Манфий ҳарорат жанубда бир ойга яқин давом этади. Йилгик ёғингарчиллик йиғиндиси 200...300 мм бўлиб, унинг кўп қисми баҳорга тўғри келади. Қор қопламаси қисқа муддатли ёки бутунлай ҳосил бўлмайди.

Иссиқ иқлим шароитларида лойиҳалаш ва қурилиш одатда унинг икки турига асосланади: қуруқ ва нам.

Қуруқ иссиқ иқлим берилган жойнинг метеорологик шароитлари учун одатдаги ҳолатлар йиғиндиси сифатида олинади: жазира маҳалла өз муддати(бир йилда 100 кундан ортиқ), ҳавонинг юқори ҳарорати(40⁰ С дан мутлақ юқори, 20⁰ С дан ортиқ энг иссиқ

ойнинг ўртаси) ва ҳавонинг 50% дан кам бўлган ўртача нисбий намлик, тасодифий ёғингарчилик, чанг-тўзонли бўронлар.

Иссиқ қуруқ иқлиминг ўзига хослиги ер куррасининг 15 ва 25⁰ шимолий ва жанубий кенглиги ўртасига жойлашган жойлари қуидаги давлатларга тўғри келади: Жазоир, Ливия ва Мисрнинг жанубий қисми, Мавритания, Мали, Нигер, Чад, Судан, Намибия, Жанубий Африка Республикаси, Эфиопия, шимолий ва жанубий Яман, Оман, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Покистон, Афғонистон, Мўғулестон, Австралияниң ички худудлари, АҚШнинг жанубий-ғарбий қисми, Эквадор, Перу, Чили, Парагвай.

Шаҳарсозликни ҳисобга олган ҳолда иқлими худудлашда қуруқ иссиқ иқлимдан ташқари тоғ иқлими, чўл ва сахроларни ҳам алоҳида эътиборга олинади.

Курилишда “Қуруқ иссиқ иқлим” тушунчасидан ташқари “иссиқ қуруқ ҳаво” тушунчасидан ҳам фойдаланилади. У ҳавонинг нисбий намлиги 50% дан кам ҳолда соат 13 даги ҳавонинг ҳарорати билан тавсифланади.

Курилиш ишлаб чиқаришида асосий табиий-иқлимий омилларни, уларнинг аҳамияти ва ҳисобга олинишини кўриб чиқамиз.

Иқлимий худудлар 1.1-жадвалдаги маълумотларга асосланиб, белгиланадиган чегараларни 1.1-расмдаги харитадан олиш керак.

Ўзбекистон Республикаси курилиш-иқлимий худудларининг таърифини 1.2-жадвалдан олиш, худудлар ва худудчаларнинг чегараларини эса 1.2-расмда берилган харитага мувофиқ олинади.

1.1-жадвал

Иқлимий худудлар ва худудчаларнинг таърифи (СНиП 2.01.01-87 да қабул қилинган маълумотлар асосида)


Иқлимий худудлар	Иқлимий худудчалар	Ҳавонинг июль ойидаги ўртача ойлик ҳарорати, °C	Ҳавонинг январь ойидаги ўртача ойлик ҳарорати, °C
II	ІІВ	+12 дан +21гача	-14дан -3гача
III	ІІІБ	+12 дан +25гача	-5дан +2гача
IV	ІV ІV	+28 ва ундан кўп +25дан +28гача	-10дан +4гача -15 дан 0 гача

1.2-жадвал


Ўзбекистон Республикасида иқлимий-курилиш худудларининг умумий таърифи

Иқлимий-курилиш худуди	Худудча	Бир йилдаги чанг-тўзонли кунлар сони	Жазира маъсумининг давом этиши, кун/йилда	Иситиш мавсумининг давом этиши, кун/йилда	Эслатма
1	1а	20дан кўп	60дан кўп	160дан кам	Қишлиарнинг 50%дан камроқ қисмида қор қоплами узок вақт эримай ётади
	1б	20дан кам	60дан кўп	160дан кам	Қишлиарнинг 50%дан камроқ

					қисмида қор қоплами узок вақт эримай ётади
	1в	20дан кўп	40-60	160дан кам	Қишлоарнинг 50%дан камроқ қисмида қор қоплами узок вақт эримай ётади
	1г	20дан кўп	40-60	160дан кўп	Қишлоарнинг 50%дан кўпроғида қор қоплами узок вақт эримайди
11	--	20дан кам	40-60	160дан кам	Қишлоарнинг 50%дан камроқ қисмида қор қоплами узок вақт эримай ётади
111	--	20дан кам	Жазира ма иссиқлар бўлмайди	160дан кўп	Ердаги қор қоплами йилига 60 кундан кўпроқ вақт эримай ётади



1.1-расм. 1.1-жадвалда келтирилган хусусиятлари бўйича иқлимий худудларнинг схематик харитаси



1.2-расм. Ўзбекистон Республикаси қурилиш-иклими худудларининг схематик харитаси

Ҳавонинг ҳарорати. Жойларнинг ҳарорат тарзи (режим)га боғлиқ ҳолда юк кўттарувчи ва тўсувчи конструкциялар тури танланади ва уларнинг иссиқлик ўтказишига қаршилиги ва иссиққа чидамлилиги аниқланади. ички хоналар микроқлимига ҳарорат таъсири даражаси тўсувчи конструкцияларнинг салмоғи (яхлитлиги), яъни иссиқлик инерциясига боғлиқ бўлади.

ҚМК 2.01.01-94 га биноан тўсувчи конструкциялар иссиқлик инерциялиги куйидагиларга бўлинади:

юқори инерцияли – иссиқлик инерцияси 7 дан юқори;
ўртacha инерцияли – 4 7 га тенг;
кам инерцияли – 1,5 4,0 га тенг;
инерциясиз – 1,5 дан кам.

Катта инерцияли тўсувчи конструкцияларга 1,5-2 ғиштли қалинликдаги деворлар киради.

Ўртacha инерцияли тўсувчи конструкцияларни ғовакли ғишт, шлакблок, сопол тошлар, енгил бетондан барпо этилади. Бетон, ғишт, табиий ва сунъий тошлар, тупроқ каби ашёлар ва буюмлар юқори иссиқликни ўзида сақловчи (аккумуляция) ҳаво ҳарорати таъсири остида узоқ қизийди, қизиб олгандан сўнг эса секин совийди. Шунинг учун иссиқ иқлим шароитларида бундай ашёлардан тайёрланган тўсувчи конструкциялар юқори афзалликка эга, яъни улар ички юзага иссиқликни узатишдан аввал узоқ муддатга уни ютиши лозим. Иссиқликни секин узатиш, айниқса, факат кундузги вактда одатда фойдаланилайдиган ўқув ва маъмурӣ бинолар учун мақсадга мувофиқдир.

Қуёш радиацияси ва инсолиация. Иссиқлик тартиб(режими)ига жиддий таъсирни қуёш радиацияси ва инсолиация кўрсатади. Қуёш радиацияси иссиқлик ва кўринадиган ёруғлик манбаи ҳисобланади. Қуёш радиациясидан ернинг оладиган энергияси миқдори қуёшнинг туриш баландлиги, нурнинг тушиш бурчаги, нурланиш муддати, жойнинг рельефи, дengiz сатҳидан баландлиги, атмосферанинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Бир дакиқа давомида 1m^2 ер юзасига нурнинг тик тушишида ва атмосферанинг йўқлигига тушадиган қуёш иссиқлигининг максимал миқдори 80 кДжни ташкил этади.

Атмосфера қуёш энергиясини ёйиши, қайтариши ва ютиши натижасида қуёш радиациясини анча пасайтириб юборади. Катта шаҳарларда ва чўлларда ҳавонинг чанглилиги радиацияни 30... 45%га сусайтиради. Денгиз сатҳидан баландликни ошиши билан ҳар 300 м га радиация тахминан 10% га ортади.

Инсолиация – иссиқлик, ёруғлик ва биофизиковий (масалан, бактерицидни) таъсир кўрсатувчи қуёшнинг тик нур сочишидир.

Қуёш радиацияси ва инсолиациянинг керакли даражаси инсон организми учун керак бўлган ультрабинафша радиацияси ва хоналарнинг табиий ёритилганлигидан йигилади. Мазкур талабларга асосан мос ҳолдаги қуйидаги архитектуравий-режалаш ечимлари кўлланилади: баландлиги бўйича турли бинолар қурилиши мажмуасини уйғулаштириш, улар орасидаги узилиш ва кўкаламзорлаштиришни соя солиши, қуёшда ҳимояловчи қурилмаларни кўлланиши, қурилган биноларнинг асосланган зичлигидан фойдаланиш ва бошқалар.

Қуёшнинг иссиқлик паст нурларидан бино ёруғлик оралиқларини ҳимоялаш учун тарҳда ва қуёшга нисбатан бинонинг жойлашиши кўзда тутилади. Бунда вертикал текисликлар максимал сояга эга бўлади.

Берк қурилиш жойини ташкил этувчи зич гурухлашган бинолар ўзаро соя беришни таъминлайди, бўрон чангларини киришига яхши қаршилик кўрсатади, микроқлимини яхшилади. Бундай қурилиш қуруқ иссиқ иқлимда мақсаддага мувофиқдир.

Иссиқ худудларда яхши инсолиация учун яхши ориентация олиш учун биноларнинг катта ўқларини кенглиқдаги жойлашишининг четланиши 15^0 гача ҳисобланади.

Бино, иншоотлар, йўл қопламаси элементлари томонидан ютилган радиация миқдори ва уларнинг ҳарорат тартибини қуёш радиациясининг ютилиш коэффициенти ρ

турли бўлган қурилиш ашёларини қўллаб бошқарса бўлади. Коэффициент β қурилиш ашёлари томонидан куёш радиациясининг қанча қисми ютилишини қўрсатади. Бу хусусият кўп томондан рангга боғлиқ бўлади, яъни тўқ қорамтирик ашёлар қуёш радиациясини ютилишини юқори коэффициентига эгадир. Масалан, жигар рангга бўялган асфальт ва металл учун $\beta=0,9$. Асфальт қопламаси ва очиқ металл конструкцияларида юқори ютилиш хусусияти туфайли уларнинг ҳарорати ҳатто атроф ҳаво ҳарорати 18....20 $^{\circ}\text{C}$ бўлганида қуёш радиациясининг таъсири остида кўпинча 70 $^{\circ}\text{C}$ гача ва ундан юқори бўлади.

Ўрама ашёли ёки мастикали томқопламалари юзасидаги ҳарорат ташки ҳаво ҳарорати 40...50 $^{\circ}\text{C}$ бўлганида қуёш радиацияси таъсири остида 85... 90 $^{\circ}\text{C}$ гача етади. Натижада томқопламада салбий ҳолат юз береб, унинг умрбоқийлиги қисқаради.

Қурилиш конструкциялари ва ашёларига қуёш радиациясини салбий таъсири икки хил тарзда кўринади: биринчидан, иншоотларнинг ҳарорат тартиби (режимли) кескинлашади ва иккинчидан ашёларнинг меъёрий таркиби (структураси) бузилади. Айниқса, спектрнинг ультрабинафша қисми таъсирида деструкция (структурна бузилиши) рўй беради. Бу ҳолат полиэтилен, полихлорвинил, полистирол ва бошқа пластмассаларни кенг кўлланишига йўл бермайди. Қуёш нурланиши таъсирида бир катор кимёвий жараёнлар тезлашиб кетади, масалан, бўёкларнинг оксидланиши, битум ва битум мастикаларидан ёғларнинг учиб кетиши ва бошқалар.

Ҳавонинг юқори ҳарорати деформация ва герметик ҳолатни бузилиши рўй берадиган, масалан, девор панелларининг чокларини очилиб кетишига сабаб бўладиган конструкцияларнинг ҳарорат кучланишларини ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай ҳолат ҳарорат майдонининг кескин ўзгариши билан ҳам салбийлашади. Агар кўп жойларда бундай қийматларга эришилмаган ҳолда Марказий Осиёning континентал иқклимида (+50... -25 $^{\circ}\text{C}$) ҳароратнинг кунлик фарқи кўпинча 30...40 $^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади ва бунда қурилиш конструкцияларининг ҳолатига, айниқса, уларнинг сиртқи (ташки) қатламларига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Иссиқ қуруқ иқлим шароитларида қуёш радиациясининг салбий таъсирини камайтириш учун қурилаётган бино ва иншоотлар устида баъзан юқори қайтариш хусусиятига эга бўлган қуёшдаги ҳимоялаш қопламаси барпо этилади (бу хусусиятни альбедо дейилади ва фоизларда ифодаланади). 420 минг m^2 гача майдонга эга бўлган парда қопламадан фойдаланиши маълум мисолларидан бири Жидда аэропорти қурилишида (Саудия Арабистонида) амалга оширилган эди.

Ёғингарчилик ва ҳавонинг намланиши. Лойиҳалаш ва қурилиш амалиётига ёғингарчиликлар миқдори ва уларнинг жадаллиги жиддий таъсир кўрсатади. Узоқ вақт ёғингарчиликни бўлмаслиги грунтнинг устки қатламини қотиб кетишига, унинг жадал ёрилишига ва чангли тўзон ҳосил бўлишига олиб келади. Қаттиқ қурғоқчилик фақат Африка давлатлари (Сенегал, Гамбия, Мавритания, Мали, Юқори Вольта, Нигер, Чад, Судан) эмас балки, Европадаги Испания, Португалия, Франция ва бошқаларни ҳам зарарлайди. Гидротехника ва муҳандислик иншоотлари (ёғингарчилик ўтказувчи қувур, кўприк, тўғон ва шу кабилар) қурилишида ёғингарчилик оқибатида юзадаги сувларни ўтказувчи ва уларни йиғилишини ҳисобга олиш ниҳоятда зарур. Сероб ёғингарчилик – жала ёмғирлар кўп ҳолларда фожиали оқибатларга олиб келади ва йирик моддий зарар етказади.

Ўзбекистон худудларида ҳам кучли ёғингарчилик тўғонларни тўлиб кетишига ва тоғ ёнбағирларида грунтларни кўчишига олиб келади. Кўп миқдордаги ёғингарчилик оқибатида грунт намлиги ошиб кетади, унинг шишишига, чўкишига ва пойдеворларни деформацияланишига олиб келади. Ундан ташқари грунт сувлари сатҳи кўтарилади ва биноларнинг ер остки қисмини сувдан ҳимоялаш талабларини кучайтиришга тўғри келади.

Ҳатто ёғингарчилик узоқ вақт бўлмаганида ҳам атмосферада ҳамиша ер юзасини буғланиши ҳисобига сув буғларининг қисман миқдори сақланиб туради. Сув буғи билан

ҳавонинг тўйиниш даражаси унинг нисбий намлиги билан тавсифланади. Ҳаво ҳарорати қанча юқори бўлса, унинг сув буғларини қабул қилиш ва сақлаш қобилияти шунча кўп бўлади. $10\ldots40^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралигига сув буғларининг максимал сони (граммда) 1m^3 ҳавода (тўйиниш ҳолати) тахминан ҳароратнинг сонли қийматига тенг келади. Сув буғларининг таркибидаги миқдорини энг кўп тўйиниш ҳолатига нисбати, фойзда ифодалангандага нисбий намлик дейилади.

Ҳавонинг юқори намлигида конструкциялардан фойдаланиш хусусиятлари ўзгаради, чунки сув буғлари конструкция ашёсига сингиб кириб, иссиқлик ўтказиши оширади ва иссиқдан химоялаш хусусиятини ёмонлаштиради. Юқори намлик конструкцияларда замбуруғларни ҳосил бўлишига олиб келиб, унга қарши қурилиш бўйича чоралар кўришни талаб этади.

Ҳавонинг юқори намлиги шароитларида уни қурилиш конструкцияларининг совуқроқ юзаларига тегиши уларда кучли терлаш (конденсат) ҳолатига олиб келади. Бу ҳолат кўпинча эрталабки соатларда чордоқ бўшлиғи мавжуд бўлмаган тунукали томқопламаларда кузатилади. Шунга мос равища металлни занглаш жараёни тезлашади. Жуда кўп конструкциялар (айниқса, деворлар), яъни бетонлар, терилган ғишт, етарли қуритилмаган ёғоч ва шу кабилар қурилиш намлигининг юқори таркиби билан тавсифланади. Нам муҳитда қуритиш жараёни секин ўтади, шу туфайли конструкция меъёрдаги фойдаланишга ярамай қолиши мумкин. Нисбий намликнинг мавсумий ўзгариши ҳам ҳавф туғдиради, натижада қурилиш ашёлари ва жиҳозларида намни сақлаш кескин ўзгариши мумкин ҳамда шу билан бирга уларда шишиш, тоб ташлаши ва шу кабилар юз беради.

Ҳавонинг юқори намлигини салбий таъсири унинг ҳароратини 0°C орқали ўтишида кучаяди, чунки конструкция ашёсига сингиб кирган сув буғи терлайди (конденсатланади) ва сувнинг навбатдаги музлашида ички кучланишларни оширади, натижада конструкциянинг бузилиши тезлашади.

Қуруқ ҳаво қурилиш конструкцияларининг умрбоқийлигини оширади, лекин инсон организми бундай шароитларда теридаги майда тешиклардан тер буғланиши натижасида кўп намликни йўқотади ҳамда чанқоқликни ва ҳорғинликни пайдо қиласида.


Шамол тарзи (режими) ва чанг босувчанлик. Ҳаво оқимининг горизонтал текислик бўйича кўчишини шамол дейилади. Шамолнинг йўналиши ва тезлигига худуднинг ҳарорат- намлик тарзи боғлиқдир. Ҳаво йўналиши қаердан унинг эсишига қараб, горизонт томонидан аниқланади. Бу томонларни белгилаш учун горизонтни 16 ёки 8 та бош йўналишга бўлинади: Ш (шимол), Ж (жануб), Ш (шарқ), F(ғарб), ШШ(шимолий-шарқ) ва шу кабилар. Агар ҳар бир бу йўналишлар (румблар) бўйича шамолларни қайтарилишини фойзда ҳисоблаб масштабда марказдан кесим (вектор)ни кўйиб, уларнинг учларини тўғри чизиқлар билан бирлаштирилса, унда шамолларнинг қайтарилишини график тарзда ифодаловчи шакл ҳосил бўлади. Бу шаклни “Шамол атиргули” (“Роза ветров”) дейилади(1.3-расм). Қайтарилиш бўйича “Шамол атиргули” устидан шунга ўхшаш ҳолда шамол кучини ҳам белгилаш мумкин. Бундай векторли диаграмма шамол тартиби, яъни бош йўналиш ва унинг тезлиги ҳақида тўлиқ ахборот беради.

Шамол тезлигини м/сек ёки балларда ўлчанади. Энг кўп тарқалган шкала Бафорт бўлиб, у бўйича тезлик 0(шиль)дан 12 баллгача(бўрон тезлиги 32,7 м/сек) баҳолнади.

“Шамол атиргули”ни одатда йилнинг ҳар бир мавсуми учун энг кўп хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Шамолнинг ҳосил бўлишига ва йўналишига катта сув ҳавзаларининг мавжудлиги ва ер қатламиининг хусусиятлари жиддий таъсир кўрсатади. Сувга нисбатан ер қатлами тезроқ қизигани учун қуруқлик устидан ҳаво зичлиги камаяди, натижада ҳавонинг ҳаракатланиши унинг зичлиги кам томонига, яъни сув ҳавзаси томонидан қирғоқ томонга йўналтиради. Тунги даврда сув ҳавзаси юзасидаги ҳарорат қуруқликдаги ҳаво

ҳароратидан юқори бўлиши мумкин, бу ҳолат унинг йўналишига тескари йўналишга олиб келади. Шунга ўхшаш ҳолат саҳро ҳудудларида ҳам содир бўлади, унда куннинг қоронғи вақтида ҳавонинг ерга яқин қатлами сезиларли даражада совийди.



1.3-расм. Қайтарилиш бүйича “Шамол атиргули” ва шамол кучини аниқлаш графиги: 1-бўрон, $V > 18$ м/с; 2-кучли шамол, $18 > V > 10$ м/с; 3-ўртача шамол, $10 > V > 5$ м/с; 4-кучсиз шамол, $5,0 > V > 0,5$ м/с.

Жой рельефи, кўкаламзор ўсимликлар, қурилган бинолар шамолнинг йўналишига ва тезлигига таъсир қиласи, чунки улар ҳаво ҳаракати учун тўсиқлар ҳосил қиласи, шунинг учун ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ер юзаси сатҳидан баландликнинг камайиши билан секинлашади.

Намгарчилик бўлган ҳудудларда шамол биноларнинг умрбокийлигини оширишга ёрдам беради, чунки курилиш конструкцияларининг куриши тезлашади. Иссиқ иқлим шароитларида дераза ва хоналарнинг жойлашиши елвизакли шамоллатиш имконини бериши керак.

Курғоқчилек бўладиган ҳудудларда қумли чўл ва ярим сахроларни шамол қумни дефляцияси (шамол таъсири остида ёйилиши ва бузилиши ҳамда унинг кейинчалик кўчиши) жараёнини жадал ривожланишига ҳамда қумларни кўчишига олиб келади.

Иссиқ ва қуруқ шамоллар – гармселлар – одатда қурғоқчиликни ва чангли түзөнни ҳосил қиласы.

Гармселларнинг юқори ҳароратини шундай тушуниш мумкинки, бунда гармселлар олиб келадиган чанг зарралари ҳавода қуёш нурлари остида қизийди. Гармселлар ҳарорати кўпинча 40°C дан ошади, ҳаво эса чангсимон туман ҳолатига ўтади, унда кўришлик 100 мгача масофани ташкил этади. Бундай ҳолат хоналарнинг тирқишиларини зичлаш(герметиклаш)ни ошириш бўйича чоралар кўришга мажбур қиласди, масалан, балконларни тўлиқ ойнабанд қилиш, дераза ва эшик тавақаларига зичловчи орақўйма ва бошқа ишларни бажариш мумкин. Шамол орқали келтирилган чанглар, қум, туз кристаллари зарралари тўсувчи конструкцияларнинг юза қатламларига қўшимча абразив(эрозияли) бузишни содир этади. Бундай бузилишга биринчи навбатда ойна солинган оралиқлар ва бўялган ташқи юзалар дучор бўлади. Турли мамлакатларда иссиқ қуруқ шамоллар ўз номларига эга: Мисрда – хамсин; Жазоир, Тунис, Сицилияда – сирокко; Саудия Арабистонида – самум; Испанияда – левече ва шу кабилар.

Гармселлар билан курашишнинг энг самарали воситалари – ирригация ва сув хўжалиги қурилиши ҳамда кейинчалик дараҳтлар ўтказишни (ўрмончилик) кўзда тутувчи узоқ муддатли дастурларни амалга оширишdir.

Ҳаво массаси ҳаракатининг катастрофик ҳодисага келиши довул, бўрон, тўфонлар ва шу кабилар билан боғлиқдир. Ўзбекистонда бундай даҳшатли ҳодисалар камдан-кам кузатилган. Довул ва тўfonлар асосан тропик иқлимли мамлакатларда рўй беради.


Бино ва иншоотларга шамол юкини(кучини) тўғри ҳисоблаш катта аҳамиятга эга, чунки уни кам олиниши конструкцияларни шикастланишига, кўп олиниши элементлар кесимини ошиши натижасида қурилишни қимматлашишига олиб келади.

Грунт шароитлари. Иссиқ ҳудудли еримизда тарқалиши ва жойлашишини ҳисобга олган ҳолда грунтларнинг турли хилларини учта қисмга ажратиш мумкин: тоғ бағри, ўтиш ва чўл.


Тоғ бағридаги қисмда, одатда, лёсс тупроқли грунтлар бўлиб, грунт суви мавжуд бўлмаганда чўкувчан ва хўлланганда бўш ҳолга тушади. Улар учун схемавий хариталар тузилган(1.5-расм). Бундай грунтлар остида кўпинча майда тошли шағал ёки тубдан қоятошли ва ярим қоятошли жинслар ётади. Ўтиш қисмида грунт асоси икки хилдан ташкил топади: қумли ва тупроқли. Уларнинг кесимларидаги ҳолати қурилиши ҳудудини қўшни қисмларга нисбати бўйича жойлашиши аниқланади. Тупроқли грунтлар ер юзаси устида жойлашган бўлса, одатда, улар грунт сувлари бўлмаганда чўкувчан ҳисобланади. Чўл қисмда қумли грунтлар катта жойни эгаллайди. Қум қатлами остидаги грунтлар кўпинча юқори тузли бўлиб, у грунт сувларида осон эрийди. Тузли шўр грунтлар бино ва иншоотларнинг пойdevорларини бузувчи коррозия(емирилиш)ни ҳосил қиласди ҳамда кўкаlamзорлаштиришни қийинлаштиради. Лёссли чўкувчан грунтлар намланганда катта деформацияланиш рўй беради ва уларнинг юк кўтариш қобилияти кескин камаяди.

Ўзбекистонда қурилиши амалиётида грунт сатҳидан 0,4...0,6 баландликда бино ва иншоатларнинг пойdevори цокол қисми ва деворлари емирилиб кетиши кузатилмоқда. Бу бузилишларнинг сабаби шундаки, сувда эриган тузлар конструкция ашёси капиллярлари бўйича кўтарилади ва ҳавонинг юқори ҳарорати таъсири остида намлик буғланади ҳамда ашё ғовакларидан намликни камайиши ҳисобига туз кристаллари йигилади.

Бу кристалларнинг ошиши натижасида конструкция ашёси ичдиа ички босим кўтарилади. Ҳаво ҳароратининг таъсирида ва намлигини ўзгариши туз кристалларининг намликни ўзига шимиб олиб, кристал гидратларини ҳосил қиласди ҳамда бу ҳолда босим бир неча ўнлаб МПа гача ошиб кетади. Бундай салбий ҳолат ҳатто мустахкам темир-бетон конструкцияларини ҳам бузилишига олиб келади.



1.4-расм. Ўзбекистон Республикаси худудини сейсмик туманлаштириш умумий ҳаритаси



1.5-расм. Лёсс грунтларининг чўкувчанилигини схемавий харитаси

1 - грунт шароитларининг I-турига оид лёсс жинслар, чўкувчан қатлам қалинлиги 5 м гача, камдан-кам ҳолларда 10 м га етади, ўз оғирлиги остида чўкиши 0 дан 0,05 м гача; 2 – грунт шароитларининг I-II-турларига оид жинслар, чўкувчан қатлам қалинлиги 5-10 м. Чўкиш микдори 0,05 дан 0,15 гача, камдан-кам 0,3 м гача; 3 – грунт шароитларининг II-турларига оид жинслар, чўкувчан қатлам қалинлиги 5 м дан 20 м гача, баъзан 5 м дан кам, чўкиш микдори 0,15 дан 0,5 гача; 4 – грунт шароитларининг 11-турига оид лёсс жинслар, чўкувчан қатлам қалинлиги 10-20 м ва кўпроқ, чўкиш микдори 0,15-0,5 м, камдан-кам 0,05-0,3; 5 – грунт шароитларининг 11-турига оид жинслар, чўкувчан қатлам қалинлиги 20 м дан ортиқ, 40 м гача етади ва ошади, чўкиш микдори 0,5-1,0 ва кўпроқ; 6 – грунт шароитларининг 1-турига оид лёсс жинслар, қўшимча юк тушганда(3 кг Xcm^2) асосан чўкувчан бўлиб, баъзан 20 м га етади, чўкиш микдори 0 дан 0,05 гача, камдан-кам ҳолларда 0,15-0,3 м; 7 – чўкмайдиган лёсс жинслар; 8 – қумлар; 9 – кум гилли жинслар; 10 – шағал тошлар, шағал, йирик қум, лёсс жинслари билан оролсимон қопланган кум-қумоқ аралашган майда шағаллар; 11 – баъзи жойларда делювал ва аллювал ва бошқа қатламлар билан қопланган, лёсс жинслари билан кичик қалинликда оролсимон қопланган тўртламчи давргача бўлган туб ётқизиқлар; 12 – шўрланган ва ботқоқланган участкалар.

Иссиқ ҳудудларда сизот(грунт) сувлари сатҳини фасл бўйича сезиларли ўзгариб туриши тузли грунтларни даврий равишда қуришига ва намланишига олиб келади. Бу ҳолатда грунтларнинг киришиши ва шишиши ҳамда бино ва иншоотларнинг кам юкланган пойдеворларини деформацияланиши рўй беради.

Чўл ва яримчўлларнинг қумли грунтлари баъзи шроитларда кўчма ҳолатда бўлиб, фаол шамол таъсири, бино ва иншоотларнинг пойдеворлари остидан қумни учиши ва қумларнинг кўчиб юриши ҳавфини ҳосил бўлиши автомобиль ва темир йўлларини ҳамда магистрал қувурўтказгичларнинг қурилиши ва фойдаланилишини мураккаблаштиради. Жанубий ҳудудларда қурувчиликар карст ҳодисаларига ҳам дуч келишади, яъни осон эрийдиган жинсларда(карбонатли, тузли ва ш.к.) ер ости сувлари таъсирида уларда кимёвий эриш ва механик ювилиш рўй беради. Натижада грунт қаърида турли бўшлиқлар ҳосил бўлади ва уларни тўлдириш зарурияти туғилади. Қурилаётган бино ва иншоотлар пойдеворларидан юкни қабул қилиш учун тўлдирилган бўшлиқлар яхлитликга зга бўлиши зарур.

Микроорганизмлар ва термитлар таъсири. Иссиқ иқлим ҳудудларида кўпчилик ҳолларда қурилиш ашёлари ва конструкциялари микроорганизмлар, энг кичик ўсимликлар, термит(қирчумоли)лар ва бошқа заараркунанда ҳашоратларнинг жадал таъсиrlарига дучор бўлади. Баъзи қурилиш ашёлари асосан органик таркибига эга бўлиб, бактериялар ривожланиши учун озиқланиш мухити ҳисобланади ва улар ишлаб чиқарган заҳарли моддалар инсон учун ҳавф туғдириши мумкин. Пастбўйли кичик ўсимликлар, шу жумладан, ҳархил турдаги замбуруғлар, одатда, нам мухитда ривожланади, лекин споралар кўринишида улар қуруқ мухитда узоқ муддат яшами мумкин. Замбуруғлар, шу жумладан, моғорлайдиган кўринишлардагиси, силикат қурилиш ашёлари, бетон, қоришка, тош, металл, ойнага тўғридан-тўғри ҳавф туғдирмайди. Лекин улар ёғоч, баъзи пластмассалар, смолалар, бўёқ таркибига кирувчи органик, герметик, суртгич ва мастикалар, гулқоғоз ва бошқа елимлар учун жуда ҳавфли ҳисобланади. Замбуруғларнинг кучли зааралантириши айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва саклаш билан боғлиқ бўлган бино ва иншоотлар конструкцияларида кузатилади. Бундай хоналарнинг девор ва ораёпмаларида моғорли замбуруғларнинг ривожланиши юза қатламларнинг муддатидан аввал эмирилишига олиб келади, таъмирлашлар орасидаги муддатни қисқартиради ва кўпинча инфекциянинг баҳолаб бўлмайдиган манбанини ҳосил қиласди.

Термит(қирчумоли)лар ёғочда, ер ости инларида ёки термитхоналарда яшаб, одатда, биноларнинг ёғоч элементларини еб бузади. Термитлар ёғоч буюм ёки конструкциялари ичига кириб олиб, ташки юзаларга тегмасдан, ички кисмини еб битиради. Бу ҳолат шунга

олиб келадики, ташқаридан бутун кўринган тўсин кутилмагандага синиб тушиши мумкин. Бизнинг мамлакатимизда термитларнинг ўнга яқин турлари маълум. Улар ер ости инларида Марказий Осиёдан ташқари Украина нинг жанубида, Кавказнинг Қора денгиз кирғозларида ҳам яшашади.

Собиқ Иттифоқ даврида Туркманистон Фанлар Академиясининг зоология институтида Ашгабат яқинидаги Бала-Дурмаз термит полигони бўлган. У ерда табиий шароитларга максимал яқинлашган ҳолда термитга чидамлилик бўйича турли ашёларни синаб кўрилган.

Тропик давлатларда баландлиги 15м гача ва диаметри 30м гача бўлган ер усти термитхона бинолари борлиги маълум. Одатда термитларнинг асосий озиқланиш манбаи сифатида целлюлоза тркибли ашёлар ҳисобланниб, уларга ёғоч-тахта, картон, қофоз, қамиш, похол, мато ва шу кабилар киради. Ер ости термитларининг баъзи бир турлари ёғоч ашёларни ҳеч қачон шикастлантирумайди, лекин улар ҳам катта хавф тугдирадилар, чунки девор ва пойдеворлар тагидан кўплаб йўллар ва каналлар ҳосил қилиб, уларнинг чуқурлиги 150... 200 м гача етади.

Энергия таъминоти масалалари бўйича Австралия бошқармасининг маълумотларига кўра мамлакатнинг шимолий худудларида термитларга 1,2м чуқурликда жойлашган электр кабелларининг кўргошинли қобигини мазаси ёқиб қолган. Шу чуқурликка термитлар қазиб кириб, фалокатли тезликда кабелларни еб битирмоқдалар. Мутахассислар бу фалокатдан кутулишни икки усулини кўрмоқдалар:

- a) термитлар етиб боролмайди деган умидда, кабелларни анча чуқурликка яшириш;
- b) кабелларни мис тасмали қобиқ билан ҳимоялаш.

Иккала усул ҳам электр кабелларни ётқизишни икки баробар қимматлаштириб юборади.

Термитларга қарши самарали курашиш воситалари: ёғоч элементларига махсус таркибларни шимдириш, пластмассаларга баъзи кимёвий моддаларни қўшиш, бино ва иншоотларнинг пойдеворларини ташқи атрофи бўйича тупроқни кимёвий калийлар билан шимдириш, хоналар ичига термитларни киришига тўсқинлик килувчи механик тўсиқлар ўрнатиш, грунт сувлари сатҳини пасайтириб туриш учун дренаж тизимини барпо этиш.

Қадимги шаҳарлардан бири ҳисобланган гўзал Хевада 100 дан ортиқ ёдгорликлар сақланиб қолинган. Инсон қўли билан яратилган бу ажойиб мўъжизакор обидаларга бугунги кунда термит катта зарап етказмоқда. Термитга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиши кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалрдан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Хоразм Маъмун Академияси қошида термитларнинг меъморий ёдгорликларга таъсирини ўрганиш бўйича барча шароитларга эга бўладиган лаборатория ташкил қилинмоқда. Бу лаборатория асосан термитларга қарши курашда қўлланиладиган кимёвий препаратлар ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда. Чунки термит обидаларнинг ёғоч конструкцияларини батамом емириб ташлаши оқибатида уларни авария ҳолатига олиб келмоқда.

18 – МАВЗУ БҮЙИЧА МАЪРУЗА

18-мавзу	Курилиш ашёлари, конструкцияларни ишлаши, машиналар ва электр жиҳозларидан экстремал шароитларда фойдаланиш
Маърузани олиб бориш технологияси(машғулот модели)	
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none">Курилиш ашёлари ва конструкцияларин экстремал шароитта фойдаланиш.Машина ва электр жиҳозларинан экстремал шароитларда фойдаланиш

Аввал кўрсатилгандек, иссиқ иқлим шароитларида турли қурилиш ашёларининг кўлланиши табиий-иклимий омилларнинг баъзи ноқулай нохуш таъсири билан боғлиқ бўлиб, қатор ҳолларда бино ва иншоотларнинг умрбоқийлигини камайтиради ва уларнинг эмирилишини тезлаштиради.

Иссиқ иқлимли худудларда қурилиш конструкциялари ва ашёларини ишлаш шароити одатдаги мўътадил минтақадаги худудлардан кескин фарқланади. Қуёш радиацияси, юқори ҳарорат, ҳавонинг юқори намлиги ва қуруқлиги ҳамда баъзи бошқа омиллар (кучли шамол, чанг, кум, минераллашган ер ости сувлари, микроорганизмлар, термитлар ва бошқа)га алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қуёш радиацияси ҳосил қиласиган эскириш (сийқаланиш) ёруғлик нури ва иссиқлик самараси таъсирида ўтадиган кимёвий ўзгаришлар натижасида рўй беради. Биринчи жараён бўёқ, битум, пластмасса каби органик ашёлар полимеризацияланиши ва оксидланиши оқибатида хусусиятлари ўзгариши билан давом этади. Ўзгарувчан иссиқлик таъсирида физикавий омиллар, масалан, кундузги вақтда иссиқдан кенгайиш ва кечаси қисилиши ҳисобига ашёларни эскириши тезлашиб кетади, натижада дарз(ёриқ)лар ҳосил бўлади ва элементларнинг боғланганлиги бузилади.

Бунга ёрқин мисол сифатида текис юмшоқ томқопламани келтириш мумкин. Ҳаво ҳарорати $40-50^{\circ}\text{C}$ бўлганда, томқоплама юзасидаги ҳарорат қуёш радиацияси таъсири остида $85-90^{\circ}\text{C}$ га етади. Оқибатда ўрама ашё бўлган рубероид таркибидаги ёғ моддалари учуб буғланиб кетади ва кейинчалик қуруқ картон қолади. Ундан ташқари елимловчи битум мастикаси иссиқка чидамли бўлмаса, эриб нишоб бўйича оқиб кетади. Умрбоқийлиги 15-20 йилга мўлжалланган юмшоқ том 2-3 йилда эскириб, жорий ёки капитал таъмирлашни талаб этади. Темир-бетон элементлар учун кундузги ва тунги ўзгарувчан таъсиrlар остида кенгайиш ва қисилиш ҳар 18 м га 10 мм гача етиши мумкин. Кўпинча эркин кенгайиш ва торайиш имконияти чегараланган бўлади, масалан, турли баландликдаги биноларнинг ёки том ёпмалари лифт шахталарига тувашиш жойларини келтириш мумкин.

Ёғоч-тахта нам сақловчи ашё сифатида қуруқ иссиқ иқлимда намлигини йўқотиши натижасида қурийди, киришади (тоб ташлайди) ва ёрилади.

Алоҳида жиддий оқибатларга узоқ муддат қуриётган грунтларнинг маълум турларини киришиши олиб келади, оқибатда бино ва иншоотларнинг пойдеворлари нотекис чўкиши мумкин ва уларнинг йирик шикастланишига олиб келади.

Таркибида глинозем цемент бўлган темир-бетон конструкциялар ва гипсли қуруқ сувоқнинг баъзи турлари юқори ҳарорат таъсири остида рекристаллизацияга мойил бўлади.

Қуруқ иссиқ иқлим шароитларида қурилиш ашёлари ва конструкциялари умрбоқийлигига уларни чанг ва кум зарраларини ифлослантириши таъсир қиласи.

Том устида ва ташқи деворларда йиғилган чанглар уларнинг ҳимоялаш хусусиятини ва юзаларни нур қайтариш қобилиятини камайтиради.

Қурилма механизмлар қисмлари, эшик ва дераза жиҳозлари (арматуралари) ифлосланади. Чанг ва қумларнинг энг катта вайрон қилувчи таъсири турли қўзғолувчи қисмлар ва мойланадиган юзаларда рўй беради, натижада улар муддатидан аввал эмирилади. Бу зарраларнинг таъсири бўялмаган металл юзаларини эрозиясини ҳосил

қилади. Томқоплама элементларига қум ва чангни тушиши ва уларни йиғилиши конструкцияни бузилишига олиб келиши мүмкін. Бу ҳолат бундай элементларни мунтазам күриқдан ўтказиш ва тозалашни талаб этади.

Иссиқ иқлим худудларида бино ва иншоотларни барпо этишда бетон ва тош-ғишт ашёлари ва улар асосида буюмлар энг күп қўлланилади. Бундай ашёлардан кенг фойдаланишнинг сабаби шундаки, уларни тайёрлаш учун хомашё манбалари етарли даражада тарқалганлиги билан бир қаторда юқори фойдаланиш хусусиятлари ва тежамлилигидир. Иссиқ иқлимининг ўзиг хос талабларига риоя қилинган ҳолда барпо этилган бетон, темир-бетон ва тош-ғишт конструкциялри етарли умрбоқийликка эга бўлади. Бундай конструкцияларни барпо этишдаги асосий мураккаблик атроф мухитдаги юқори ҳарорат остида бетон ёки қоришмадан намни бугланиши, намликни жадал буғланиши ва цементдаги гидратация реакциясини тўхтаб қолиши оқибатида конструкция мустаҳкамлиги пасайиши, фракцияли тўлдиргич(чақир тош, шағал, қум)ларни қўллаш ва уларни ҳамда йиғилган сувларни органик қўшилма ва тузлардан тозалаш зарурлигига боғлиқ. Юқори намлик шароитларида цементни сақлашда муаммолар туғилади, чунки у намни ва ҳаводаги карбонат ангидридни ютиш хусусиятига эга бўлиб, муддатидан аввал цемент тошини ҳосил бўлишига олиб келади.

Металлар қурилишда иссиқ иқлим шароитларида саноат бинолари ва иншоотларининг синч ва тўсуви конструкциялари элементлари, қўёшдан ҳимоялаш ва безак элементлари ҳамда ёғоч дераза ва ромлари ўрнини босувчи сифатида қўлланилади. Ёғочли элементлар қўёш радиацияси остида меъёрдан ортиқ деформацияланади ва термитлар томонидан заарраниши мүмкін. Алюминий ва мис асосидаги қотишмалар иқлим омиллари таъсирига яхши қаршилик кўрсатади. Темир асосидаги қотишмалар, ҳатто руҳли қопламага эга бўлса ҳам атмосферадаги туз, қум ва чанг зарралари ҳамда саноат корхоналаридан ажралаётган чиқиндилардан коррозияга учрашга мойил ҳисобланади.

Иссиқ иқлим шароитларида шиша ойнанинг емирилишини кенг тарқалган шакли уни қум ва чанг зарралари билан тирналиши ва едирилиши ҳамда бикир маҳкамланганда ҳароратдан кенгайиши натижасида бузилишидир. Шиша ойна четлари бўйича кесакилар билан соялангани учун бир жойдаги ойна тахтасида ҳарорат фарқи 20°C га этиши мүмкін ва бундай ҳарорат фарқи баъзан ойнани синишига олиб келади. Саноат биноларининг ифлосланган ойна юзаларида замбуруғлар тўдасини ривожлантириши мүмкін. Уларнинг модда алмашинув маҳсулотлари ойна юзасини бузади.

Иссиқ иқлим ва ер устки қурилиши шароитларида асбестцемент буюмлар ўзларини ёмон оқламоқдалар: даврий исиш ва совишида кўпинча дарзлар билан қопланади, цементдаги гидратацияни давом этиши тоб ташлаш ва дарз ҳосил бўлишига олиб келади, ифлосланган юзалардаги моғорни ўсиши ашёни юмшатади, зарбага, масалан, дўл ёққанида чидамлилиги пастдир. Лекин асбестцемент буюмлар нисбатан арzon бўлгани учун улардан томқопламаси, девор, қўёшдан ҳимоялаш элементлари ва паст босимли қувурлар сифатида фойдаланилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, баъзи давлатларда асбест таркибли конструкциялар, уларни заарли таъсири мавжуд ҳисоблаб, кам қўлламоқдалар.

Иссиқ иқлим худудларида бўёқлар ва пластмассалар юқори қўёш радиацияси туфайли тезлашган тарздаги бузилишга маҳкум этилган. Қўёш радиацияси физик, кимёвий ва фотокимёвий жараёнларни кучайтиради. Бўёқ ва пластмассаларни чидамлилигини уларга маълум тўлдирувчилар(масалан, бўёққа асбест) ва пластификатор(пластмассаларга)лар қўшиш йўли билан ошириш мүмкін. Алкид смоласи ва алюминий пигменти асосидаги бўёқлар умрбоқийлиги бўйича оддий мойли бўёқлардан тахминан 3 марта юқоридир. Қўёш радиацияси ва салбий қўшимча самаралар, масалан, ҳарорат деформацияси, таъсири остида қопланган қатлам мўртлашади, қўчади ва оқаради; юқори намлиқда шишиш ва нуктали коррозия рўй беради, баъзан моғорлаш ва сув ўтлари ривожланиши мүмкін. Мўътадил иқлим худудларида яхши фойдаланилган битум

ашёлари ва чокзичлагич (герметик)лар иссиқ иқлим худудларида ўзини умрбоқийлигини анча пасайтиради. Атроф мухитнинг юқори ҳароратларида ва узоқ муддатли ёруғликдан нурланиши остида битумли томқоплама ашёларини қўлланиши уларни юмшалиши ва мўртлашуви билан боғлик. Сувдан химоялаш қопламаси остидаги намликни буғланиши унинг кўчишига ва пуфакчалар ҳосил бўлишига олиб келади. Қайтариладиган намланиши ва қуриш ҳолатлари ашёларнинг эластиклигини пасайтиради. Оддий мастикаларни қўллаш номаъкулдир, чунки улар эластикликни тез йўқотади. Уларнинг ўрнига битум-резина мастикаларини қўллаш тавсия этилади. Чокларни бекитиш учун полисульфид ва силикон асосли герметиклардан фойдаланиш лозим.

Ҳавонинг юқори ҳарорати, намлик, шамоллар, чангли тўзонлар ва қуёш радиацияси қурилиш машиналари ва электр қурилма(жиҳоз)лари ишига ва умрбоқийлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон экстремал шароитларида ер қазиш машиналарини кузатиш шуни кўрсатдики, баъзи қисм ва ташқи деталлар ҳарорати 85°C га етади. Ёз вақтларида машинистнинг иш ўрнидаги ҳарорат $48\ldots54^{\circ}\text{C}$, баъзан 65°C га teng бўлади. Ҳаво ҳарорати 36°C атрофида бўлганида қурилиш машиналарининг иш унумдорлиги $20\ldots30\%$ га пасайди. Ҳавонинг юқори ҳарорати сувли ва ҳаволи совутиш тизимлари ва гидравлика тизимларининг ишлаш қобилиятини кескин камайтиради.

Ҳавонинг юқори чанглилиги машиналарнинг ички ёниш юриткичлри ишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳаво тозалагич фильтрлар тизимини тез ишдан чиқиши туфайли деталнинг поршенили гурухлари абразив мухитда ишлайди ва юриткичлар меъёрга нисбатан тезроқ емирилади. Чангли тўзон(бўрон) кунларида (Марказий Осиё давлатларида йилнинг $70\ldots75\%$ кунлари чангли тўзонларга тўғри келади) машиналарни мойлаш анча қўйинлашади, чунки мойлаш ашёлари подшипникларга кўп миқдордаги қум ва чанг билан киради. Марказий Осиёдаги қурилишларда ва карьерларда ер қазиш машиналари ва транспорт воситаларидан фойдаланиш тажрибасини кўрсатишича бундай машиналарнинг ички ёниш юриткичларининг мотоманбалари меъёрдагига нисбатан $30\ldots65\%$ ни ташкил этади. Ёз вақтларида намликни етарли бўлмаслиги ва грунтларнинг ўзига хос физик-механик хусусиятларига қараб иш жойларида чангланиш даражаси меъёрдан ўн мартараб ошиб кетади. Бу ҳолат қурғоқ худудлар учун хос бўлган чангли тўзонлар билан янада ёмонлашади. Юриткичнинг ҳаво олиш доирасида умумий чангланиш натижасида $4,60\ldots6,92 \text{ г}/\text{м}^3$ бўлиб, шамол ҳаво олиш томонига эсганда бу рақам $10\ldots12$ марта ошади.

Шагал-қумли грунтни қазиш чанг ҳосил бўлишига олиб келиб, унинг 18% зарраси 20мкм гача ўлчамда бўлади. Қуруқ лёссимон грунтни қазиганда эса бу қиймат 45 мкм ни ташкил этади. Кўрсатилган ўлчамлардаги зарралар юриткичларнинг цилиндр поршени гурухлари ичида киради ва кейинчалик мой таркиби ичида айлнади.

Чанг намуналарининг кимёвий таркиби ундан катта миқдордаги кварц бирикмалари мавжудлиги билан тавсифланаб, улар детал бирикмаларига абразив таъсир кўрсатади. Юриткичларнинг серияли ҳаво тозалаш қурилмаларини тадқиқ этишни кўрсатишича, ўртача чангланиш $3,5 \text{ г}/\text{м}^3$ бўлганида бу қурилмалар хизматсиз 17 соатгача ишлай олади, бунда $12\ldots13$ соатдан кейин уларнинг қаршилиги $4\ldots6 \text{ кПа}$ га етади. Ҳаво тозалаш тизимининг серияли қурилмаларини чанг ўтказиш коэффициенти одатда $0,5\ldots4,0\%$ бўлиб, бу ҳолат қуруқ иссиқ иқлим худудлари учун тўғри келмайди. Бу коэффициент $0,1\%$ дан кўп бўлмаслиги лозим.

Қурғоқ худудларда грунтларнинг мураккаб физик-механик хусусиятлари уларни қазишда юқори динамиклигини кўрсатади, натижада машинанинг ишчи органлари ва узаткичларида юқори тебраниш юклари ҳосил бўлади. Шунинг учун тирсакли вал – подшипник тизими кўпинча ярим суюқ ва ярим қуруқ ишқаланиш режимида ишлайди. Мойлаш ашёсидаги муаллақ юрган абразив зарраларнинг йириклиги мойлаш қалинлигидан ўлчами бўйича катта бўлса, улар подшипникнинг антифрикцион

қотишимасига кириб олиб, вал бўйини тирнайди ва унда ўйик ва ярим ўйиқлар ҳосил қиласди. Буларнинг ҳаммаси юриткичнинг умрини қисқартиради.

Иссиқ иқлими худудларнинг табиий-иқлимиш шароитлари қурилиш машиналарини ишлатиш ва иш унумдорлигига кўп омилли таъсир кўрсатади. Масалан, ёғингарчилик грунт намлигини сезиларли ўзгартириб, ер қазиш машиналарининг чўмичига жойлашишидан фойдаланиш коэффициенти ва даври муддатига таъсири бўлади.

Электр қурилмалар ва электр жиҳозлар иссиқ иқлим шароитларида ишлаш учун алоҳида тайёрланган бўлиши керак. Иссиқ иқлим шароитларида ишлагандаги жиҳоз ва буюмлар узоқ муддатга фойдаланишга, ташки қўриниши ва антикоррозион ашёларнинг чидамлилигига, моғорли замбуруғ, термитлар ва шу кабилардан ҳимоялашга ҳисобланган ҳамда давлат стандартларида мос ҳолда тайёрланган бўлиши керак. Электр буюмларида фойдаланилайдиган кўпчилик ёғоч турлари, қофоз, мато, пластмассаларнинг баъзи хилларини қирғин қилаётган қирчумоли(термит)лардан ташқари иссиқ иқлим худудларида электр қурилмалари учун калтакесак, илон ва каламушлар ҳам ҳавф туғдиришади. Калтакесак ва илонлар тақсимлаш қурилмалари шина(қизимайдиган электр сим)ларида тусиб қолиб, қисқа туташувни ҳосил қилиши мумкин. Каламушлар бронланмаган кабелларни ҳамма турларида, айниқса, пластмасса қобиқларида зарар этказади.

Экстремал шароитларнинг қурилиш жадаллигига таъсири қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- қайта ишлов берилаётган ашёларнинг технологик ҳусусиятларини ёмонлашиши кўшимча меҳнат харажатларини (масалан, ёғингарчилик остида тупроқли грунтларни ёпишқоқлиги ортади ва чўмични тўлишини камайишига олиб келади; янги қуйилган бетон қоришимасидан намликни тез буғланиши уни сувсизланишидан ҳимоя қилиш ва шу кабилар бўйича чоралар қурилишини) талаб этади;

- машиналарнинг иш унумдорлигини пасайиши(юриткичнинг қизиб кетиши ёки ҳаддан ортиқ ёғингарчиликни ишлапши ҳалақит бериши оқибатида рўй беради);

- инсоннинг физиологик ва руҳий ҳолатига атроф мухитнинг ноқулай(ўнгайсиз) шароитлари;

- қурилиш-монтаж жараёнларини бажаришга ҳалақит берувчи ёғингарчилик, кучли шамол, чанг тўзонли бўрон ва бошқа ҳодисалар натижасида ишларни режалаштирилмаган танаффуслари.

Иссиқ иқлим шароитларида ҳавонинг кундузги ҳарорати ёзда 40°C ва ундан кўпроқ даражага этади, нисбий намлиги эса 10...15% гача пасаяди. Иқлиминг бу ҳусусиятлари инсон иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Физиология олимларининг кўрсатишича, 27°C иссиқлиқда турли қурилиш-монтаж касбларининг ишчиларини иш унумдорлиги 6,8...9,8 % га камаяди, 30°C да – 10,1 – 14,3% га, 36°C да эса – 16,8...23,0% пасайиб кетган. Ўзбекистоннинг қишлоқ қурувчиларини ўртача иш унумдорлиги одатда баҳор фаслида кўтарилади, ёзниг жазира машиналари бошланиши билан 20...40% га камаяди ва кузда яна баҳорги даражага этади.

Ўрта Осиёning жанубий худудларида қуёш остида ўртача қийинликдаги ишни бажаришда инсон танасидаги намликнинг йўқолиши бир смена давомида 8...9 литрни ташкил этади(юмшоқ мўътадил иқлимда бу киймат 0,5 литр атрофида бўлади). Атроф мухитнинг юқори ҳароратида кўп микдорда сув истеъмол қилинади, натижада инсоннинг юрак фаолияти сусаяди ва ишлаш қобилияти пасаяди.

Иссиқ чўл худудларида оддий ичимлик сув ўрнига қайнатилган янтоқ сувини ичиш тавсия этилади, унда иссиқ ҳарорат шароитларида инсон организми учун фойдали ҳусусиятлар мавжуд. Туркманистанда физиология институтида “Соғлик” ичимлиги таркиби ишлаб чиқилган. У ёқимли мазага эга бўлиб, чанқоқни яхши қондиради. Бу ичимликтин таркибига янтоқ, кўк чой, ялпиз, сувда эрийдиган витаминлар ва бошқа микроэлементлар кўшилган. Натурал ҳолдаги мева, сабзавот ва реза мева соклари, нондан

тайёрланган квас, турли меваларнинг компотлари, сут-қатиқлар маҳсулоти, газланган сув, қўқ ва қора чойлар иссиқ иқлимда ишловчи қурувчи-ишлилари учун жуда фойдалидир.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўп миқдордаги ичимлик суви сув-туз алмашинувини инсон организмида меъёrlаштиrmайди, балки кўп ҳолларда сувдан заҳарланиш рўй бериши мумкин.

Кўп миқдордаги терни йўқолиши ичимликтан ўзини тийиб туриш ҳам ва тартибсиз, айниқса, кўп миқдорда сувни ичиш ҳам бир хилда зааралидир.

Чарчаш ва исиб кетишни олдини олиш учун сменанинг биринчи ярмида соя жойда дам олиш учун ҳар бири 20...25 дақиқали қўшимча иккита танаффусни кўзда тутиш тавсия этилади. “Қоракумқурилиш” трести томонидан барпо этилаётган баъзи обьектларда тажриба сифатида иш куни эрталаб ва кечки икки қисмга ажратилиб, куннинг энг иссиқ вақтида узок муддатли танаффус ташкил этилди. Бунда одатдагига нисбатан иш унумдорлиги 17...20% юқори бўлган. Бундай тадбир иссиқ иқлимли ривожланаётган мамлакатларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ичимлик воситаларини тўғри танланиши ва ишнинг маҳсус графиги белгиланиши билан бир қаторда овқатланишнинг тўғри режими ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маҳсус ташкил этилган ишчиларнинг овқатланиш тартибида оқилона сув-туз баланси ва юрак-томир тизимини ҳолатини яхшиланиши таъминланади. Иссиқ иқлим худудларида қурувчиларнинг иш унумдорлигига тўсатдан юз берган бўронли қучли шамол, ер юзасини, асбоб-ускуна, мослама, конструкцияларнинг қизиб кетиши(уларнинг иссиқлиги - 65°C ...70°C га ва ундан юқори бўлиши) салбий таъсир кўрсатади. Нурек гидроэлектростанцияси қурилишида ёзда ер юзаси 70°C гача, металл конструкцияларни 85°C гача қизиши аниқланган. Куйидаги белги(симптом)лар билан тавсифланадиган қуёшиssiқлиknи ўта кўтарилишида ёрдам кўрсатиш усувларини билиш лозим. У ҳолатда тана ҳароратининг кўтарилиши(40°C гача ва ундан юқори), пульсни тезлашиши, кўп миқдорда тер ажralиши, мускулларнинг бўшashiши, жазира маҳсус тартибига ишчиларни арз қилиши, қулоқларда шовқин бўлиши рўй бериб, бошланғич даврдаёқ бўшashiб юриш, ҳаракатни бошқара олмаслик, кейинчалик кўнгил айниши ва бошқалар кузатилади.

Қуёшиssiқ уришидан биринчи ёрдамнинг асосий чоралари куйидагилардир:

- жабрланувчини тезлик билан салқин, яхши шамол тегадиган жойга ётқизилади ва дарҳол шифокор чақирилади;
- бели бўшатилади, тутгmalар eчiladi ва жабrланувчини қисib турган кийимларидан озод қилинади;
- боши, бўйни ва қўкрагига совук сувда xўllangan rўmolcha ва сочиқ қўйилади;
- юзига тинимсиз совук сув сепиб, силкитиб шамол бериб турилади;
- нафас олиш бўлмаса ёки нафас олишда қалтираб-қисилиб турса сунъий нафас олдиришга киришилади.

Қурғоқ худудларда, айниқса, алоҳида узокда жойлашган ва бир хил хаёт тарзи бўлган ажralиб ишлаш ва яшаш жойларида, кўпинча, соғиниш ва зерикиш ҳислари пайдо бўлиб, сезиларли руҳий стресс ҳолати юз беради. Бу ҳолат қурилиш ишларининг сифатига ва меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундай кўрсатилган шароитларда руҳий, иссиқ таъсир ва бошқа ноқулайликларни енгиш усувларидан бири қурилишда вахта усулини қўллашdir. Бунда ишчилар бригадаси уларнинг яшаш жойидан узок алоҳида жойда 2-3 ҳафта яшаб меҳнат қиласилар, сўнг бир ҳафта уйларига қайтиб ва дам олгандан кейин яна вахта қўргонига қайтадилар. Демак, меҳнатни ташкил этишнинг усувларидан бири – вахта усулидир. Вахта усулида меҳнатни ташкил этишнинг маъноси шундаки, қурилиш ташкилоти ва ишчиларнинг доимий яшаш жойларидан анча узок бўлган обьектларда қурилиш-монтаж ишларини маҳсус яратилган вахта турап-жойларида яшаб ва маълум вақт оралиғида дам олиб ишлаши тушунилади.

